

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

**ТДИУ қошидаги иқтисодиёт, бизнес, мутахассисларнинг  
малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти**

**Инновацион таълим технологиялари маркази**

---

*Замонавий таълим технологиялари*

---

**Г.Н. Ахунова, Л.В. Голиш, Д.М. Файзуллаева**

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ**

**Тошкент – “Иқтисодиёт” - 2009**

Ахунова Г.Н., Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув-услубий қўлланма. Замонавий таълим технология серияси. – Т.: “Иқтисодиёт” нашр., 2009. 206 б.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги ўқув-услубий бирлашманинг қарорига мувофиқ нашр этилмоқда.

Ўқув қўлланма малака ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими ходимлари, шунингдек, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллажлари ва академик лицей ўқитувчилари учун мўлжалланган. Ундан “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” курсини ўрганишда ОЎЮ магистрлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Биринчи қисм иқтисодиёт таълимида таълимни технологиялаштиришнинг асосий категориялари (туркумлари) ва тушунчалари билан таништиради. Бу ерда таълимда технологик ёндашувнинг моҳияти баён этилади, маъруза ва семинарларни ташкиллаштиришнинг технологик ёндашуви ёритиб берилади.

Иккинчи қисмда маъруза, семинарлар ва амалий машғулотларнинг ҳаммуаллифликдаги таълим технологиялари баён этилган. Улар ўқув курсининг алоҳида мавхулари учун таълим технологиясини лойиҳалаштиришда ва режалаштиришда намуна сифатида хизмат қиласди.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ю. Ходиевнинг  
умумий таҳрири остида

Тақризчилар:

педагогика фанлари доктори, профессор Сейтхалилов Э.А.  
педагогика фанлари номзоди, доцент Хашимова М.  
экономика фанлари номзоди, доцент Назарова Ф.

© Г.Н. Ахунова, Л.В. Голиш, Д.М. Файзуллаева, 2009  
© ТДИУ, “Иқтисодиёт” нашр., 2009

# **МУНДАРИЖА**

<b>СЎЗ БОШИ.....</b>	<b>5</b>
<b>1. Таълимни технологиялаштиришга кириш.....</b>	<b>8</b>
1. Таълимга технологик ёндашувнинг моҳияти ва унинг узлуксиз ривожланиши.....	9
2. Таълимни технологиялаштириш соҳасидаги асосий тоифа ва тушунчалар.....	12
3. Таълим технологиясининг моҳиятли белги ва хусусиятлари....	16
4. Замонавий таълим технологиясининг концептуал асослари.....	17
5. Анъанавий таълимни замонавий таълим технологияларига асосланган таълимдан фарқи.....	23
<b>2. Таълим технологияси: тизимли ташкил этувчилик, таълим технологиясини ишлаб чиқишининг жараёнли тузилмаси ва уни амалга ошириш.....</b>	<b>25</b>
1. Таълим технологияси - педагогика тизимнинг ташкил этувчиси.....	26
2. Таълим технологиясининг тузилиши.....	28
3. Таълим технологиясининг ҳаракатланувчи тузилмаси.....	31
4. Таълим технологиясини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш тартиби.....	32
<b>3. Бошқарув – таълим технологиясининг таркиби.....</b>	<b>33</b>
1. Таълим жараёнида бошқарувнинг ўрни ва моҳияти.....	34
2. Мақсадни белгилаш.....	35
3. Педагогик технологияни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари.....	38
4. Талабанинг ўқув ютуқлари назорати.....	41
<b>4. Таълим усули - таълим технологиясининг таркибий ташкил этувчиси.....</b>	<b>46</b>
1. Усулнинг таълим бериш технологиясидаги ўрни.....	47
2. Таълим усул ва техникаларининг хусусиятлари.....	51
3. Таълим усулларини танлаш.....	75
<b>5. Таълимни ташкиллаштириш шакллари – таълим технологиясининг таркиби.....</b>	<b>76</b>
1. Таълимни ташкиллаштириш шакллари: моҳияти ва мазмуни.....	77
2. Гурухларда ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш технологияси.....	78
3. Ҳамкорликда ўзаро ўқиши.....	81

<b>6. Таълим воситалари - таълим технологиясининг таркиби.....</b>	<b>85</b>
1. Таълим воситалари: тушунча ва мазмуни.....	86
2. Графикли органайзерлар техникаси.....	88
<b>7. Маъруза – таълим технологиясининг таркиби.....</b>	<b>99</b>
1. Маъруза - ОЎЮ таълим усули.....	100
2. Маъруза - ОЎЮ таълим ташкиллаштиришнинг асосий шакли.....	104
3. Маърузаларда таълим технологияси.....	104
<b>8. Семинар – таълим технологиясининг таркиби.....</b>	<b>114</b>
1. Семинар-ОЎЮда таълимни ташкил этиш шакли.....	115
2. Семинар машғулотларида таълим бериш технологиясини лойиҳалаш ва режалаштириш.....	119
<b>9. Талабаларнинг мустақил фаолиятларини педагогик бошқариш.....</b>	<b>126</b>
1. Талабаларнинг мустақил фаолиятларини педагогик бошқаришнинг моҳияти.....	127
2. Умумўқув кўникма ва малакаларга эга бўлиш - талабаларнинг мустақил фаолиятлари асоси.....	128
3. Ўқув фани бўйича ўқув-услубий мажмуа (ЎУМ).....	128
<b>II-Қисм. Машғулотларда замонавий ўқитиш технологиялари..</b>	<b>132</b>
“ТИФ субъектлари аудити ” фанидан оралиқ назорат учун мўлжалланган таълим кейс-технологияси. Кейс “ <i>Аудиторлик хуносаси: бухгалтерия ҳисобининг ҳолати ҳақида барча ҳақиқатлар</i> ”. Пўлатов М. ....	133
“Молиявий ҳисоб” ўқув фани бўйича лойиҳавий таълим технологияси. Ўқув лойиҳа: “ <i>Ҳисоб сиёсатини тузни</i> ”. Пўлатов М. ....	148
“Таълим соҳаси маркетинги” фанидан маъруза ва семинар машғулотларда ўқитиш технологиялари Г.Н. Ахунова.....	161

## СҮЗ БОШИ

---

ЮНЕСКО томонидан тан олинган педагогик технология оқими 30-йилларда АҚШда пайдо бўлди ва 70-80 йилларда барча ривожланган мамлакатларни қамраб олди.

Таълим назарияси ва амалиётида ўқув жараёнига технологик хусусиятни бериш учун 50-йилларда биринчи уринишлар қилиб кўрилган. Улар ўз ифодасини анъанавий ўқитиш учун мўлжалланган мажмуали техник воситаларнинг яратилишида намоён қиласди.

Хозирги вақтда “педагогик технология таълим беришнинг техник воситалари ёки компьютердан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмай, балки бу таълими самарадорликни оширувчи омилларни таҳлил қилиш йўли орқали, йўл ва материалларни тузиш ҳамда қўллаш, шунингдек қўлланилаётган усулларни баҳолаш орқали таълим жараёни тамоилларини аниқлаш ва энг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш мақсадидаги тадқиқотдир” (Международный ежегодник по технологии образования и обучения, 1978/79. Лондон, Нью-Йорк, 1978).

Педагогик амалиётда янги йўл ва воситаларини жадал татбиқ этилаётганлигини кузатиш мумкин. Бироқ баъзи таълим шакл ва фаол усуллар ўрнига бўлинмас таълими технологиялар зарур. Лекин таълими жараённи технологияли лойиҳалаштириш ва режалаштиришни, фақат технологик билим, кўнікма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчи бажара олиши мумкин.

*Технологик билимлар тизими қуйидаги ташкил этувчилардан иборат:*

- *тушунчага оид қисм* - технологиялаштиришнинг мураккаброқ бўлган тоифа ва қоидларини ўрганишга йўл;
- *таълим технологиясининг марқибий қисми ва ҳаракатланувчи тузилма* - таълим жараёнини башоратлаш ва лойиҳалаштириш асоси тўғрисида тушунча;
- *таълими технологияларнинг концептуал асослари* - ҳар қандай таълим технологияси негизига педагогик ва психологик фанлар ютуғида ифодаланган педагогик ғоя асос бўлади;
- *мақсадни белгилаш* - педагогик вазифалар аниқланган бўлса ва ўқув фаолиятининг яқуний натижалари бир маънода ифодаланган бўлса, бошланиш шартлари маълум бўлса, таълим жараёнини лойиҳалаштириш мумкин;
- *таълим бериши модели* – мақбул йўл (усул ва шакл)лар ва воситалар ийғиндиси - мавжуд шароитлар ва белгиланган вақтда обьектнинг бошланғич ҳолатини ўзгартириш бўйича кўзланаётган натижаларга эришиш кафолати;
- *бошқарувнинг йўл ва воситалар ийғиндиси* - башоратлаш, лойиҳалаштириш, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат ва баҳолаш, шунингдек тезкор ўзгартириш тўғрисида бошқарув хulosасини қабул қилиш мақсадида таълим жараёнини узлуксиз ва мунтазам кузатиш - мониторинг.

Сиз таълим беришни технологиялаштириш асосини ўрганишни бошлашингиздан аввал, қуйидаги *маслаҳат ва тавсияларга* эътиборингизни қаратинг.

1. Технологиялаштириш асосида ифодаланган ва бу билан албатта сиз танишишингиз зарур бўлган қоидалар, шу заҳоти сизга тушунтириш бермайди,

фақат кўзланаётган мақбул ва самарали натижага эришиш учун нима иш қилиш зарурлигини кўрсатади.

*Хар бир йўл ва восита ўқитувчи-технолог томонидан, у интилаётган, якуний натижага эришишига кўринарли қўшган ҳиссаси томони билан баҳоланиши зарур. Қоиданинг мақбуллигини талқин қила туриб, эътиборни нафақат унга, уни қўллашни назарда тутувчи вазият ёки шароитларга қаратиш зарур. Гап шундаки, қоидалар одатда формула эмас, бошқарув хусусиятга эга бўлади, мадомики уларни қўллаш мумкин бўлган, таълим жараёни шароитида айрим ноаниқликлар бор. Бундан ташқари, аввалда шу нарсани ўкув вазиятида қўллаб, муваффақиятга эришган ўқитувчи-амалиётчи ёки ҳаммага маълум бўлган таълим бериш технологиясининг муаллифида, шуни қоидасиз умумлаштиришдаги хатоликлар тарқалган. Моҳият шундаки, барча турлитуманликдан мавжуд шароитда ва ўкув режасида берилган вақтда кўзланаётган натижага эришиши кафолатли таъминлайдиган, сўнгра эса ундан шу шароит учун мос келадиган, таълим бериш технологиясининг - ягона мажмуини лойиҳалаштириш мумкин бўладиган, ахборот, мулоқот ва бошқарувнинг шундай йўл ва воситаларини баҳолаши, фарқлаши ва танлашни уddaлаши мухим.*

2. Машхур маркетолог Дж. О’Шонессининг “...китоблар ҳеч қачон тажриба ўрнини боса олмайди деган фикрига қўшилиш мумкин. Маҳоратли ошпаз ошпазлик тўғрисида китоб ёзиши мумкин, уни тайёрлаш йўлига амал қилиб, худди шундай чиқишини кутмаслик керак, чунки унинг маҳорати билан таққослаб бўлмайди - берилган қоидани ишлатиб муҳим қўникма ва малакалар эга бўлиш мумкин эмас, улар фақат амалиётда эгалланади ва “қўлланиладиган донишмандлик” деб аталувчи амалиётли донишмандлик билан мустаҳкамланади, яъни вазият билан мувофиқлиқдаги донишмандлик” (Дж. О’Шонесси, 2000).

Ушбу қўлланма билан танишганингиздан сўнг шу заҳоти умидсизликка тушманг, сиз шу заҳоти таълим бериш технологиясини лойиҳалаштира олмайсиз. Шуни эсда сақлангки, қўлланиладиган донишмандлик китоб бўйича формуларни ўрганишда эмас, балки ҳақиқий ишни бажарганда ҳосил бўлади (Дж. О’Шонесси, 2000).

3. “Таълим жараёнини ихтиёрий қуриш ва амалга оширишдан, унинг ҳар бир қисм ва босқичларини изчил асосланган, якуний натижани ҳаққоний ташхислашга йўналтирилган” га ўтиш учун асос зарур (В. Беспалъко, 1989).

Агарда сиз таълим жараёнини технологиялаштиришга ўтиш муҳимлигини англамас экансиз, унда “биз янги технологияларнинг ютуғларини бермайлик, пайдо бўлган мунтазамлик механизмини чиқариб ташлай олмайди, ё бўлмаса мажбур қилинган технологиялар зиёнли натижаларни кўпайтириши мумкин”.

4. Нихоят, шахсий таълим бериш технологиясини лойиҳалаштириш ва мавжуд таълим бериш технологиясини қўллаш “ўқитувчи, вазият маданияти, шунингдек шахсий ёки талабаларнинг шахсий хусусиятлари билан юзма-юз келиш йўналиши билан иш тутмоғи керак” (Е.С. Полат, 2000).

---

---

**I-ҚИСМ**

**МАШГУЛОТЛАРДА ЗАМОНАВИЙ**

**ҮҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

---

---

**I. Режа**

1. Таълимга технологик ёндашувнинг моҳияти ва унинг узлуксиз ривожланиши.
2. Таълимни технологиялаштириш соҳасидаги асосий тоифа ва тушунчалар.
3. Таълим технологиясининг моҳиятли белги ва хусусиятлари.
4. Замонавий таълим технологиясининг концептуал асослари.
5. Анъанавий таълимнинг замонавий таълим технологияларига асосланган таълимдан фарқи.

**II. Асосий тоифа ва тушунчалар**

Технологик ёндашув, таълимни технологиялаштириш, технология, ишлаб чиқариш технологияси, таълим технологияси (ТТ), ўқитиш технологияси (ЎТ), педагогик технология (ПТ), педагогик тизим (ПТ), ўқитиш методикаси (ЎМ), фан методикаси (ФМ), концепция (Фоя), шахсга йўналтирилган таълим, тизимли ёндашув, фаолиятли ёндашув, сухбатли ёндашув, муаммоли таълим, ҳамкорликдаги таълим.

**III. Мавзуни ва алоҳида саволларини ўрганиш учун фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиилар ва педагогик маҳорат - Т.: ТДПУ, Низомий, 2003.
2. Авлиёқулов Н. Замонавий ўқитиш технологиилари.-Т., 2001.
3. Бершадский М.Е. В каких значениях используется понятие “технология” в педагогической литературе?//Школьные технологии.-2002.- №1.
4. Бесспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989.
5. Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий //Школьные технологии - 2004. - № 4.
6. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие //Под общ. ред. акад. С.С. Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
7. Епишева О.Б. Основные параметры технологии обучения. //Школьные технологии -2004.- № 4.
8. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004.
9. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта.- М.: Знание, 1989 / Новое в жизни, науке, технике. Сер. “Педагогика и психология”. № 6.
10. Кушнир А.М. Методический плюрализм. //Школьные технологии.- 2004. № 4.

- 11.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши, 2000.
- 12.Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. - М.: Народное образование, 1998.
- 13.Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни кўллаш намуналари. - Т.: РТМ, 2000.
- 14.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Т.: Фан, 2005.

#### **IV. Ўз-ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Таълимга технологик ёндашишнинг моҳияти нимада?
2. Муаллифлик таълим технологиясини лойиҳалаштиришда сиз қандай концептуал ҳолатлардан келиб чиқасиз? Нима учун?
3. “Таълим технологияси” тушунчаси “ишлаб чиқариш технологияси” тушунчасидан ҳосил бўлган деб таъкидланишига ўз талқинингизни беринг.
4. “Педагогик тизим”, “таълим технологияси”, “фан услубиёти” тушунчалари ўртасидаги муносабатни тушунтиринг.
5. Замонавий таълим технологияларига асосланган таълим ва анъанавий таълим фарқини тавсифлаб беринг.
6. Таълим технологияларининг моҳиятли белгиларига батафсил аниқлик беринг.

### **1.ТАЪЛИМГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНИШИ**

#### **1.1. Таълимга технологик ёндашуvinинг моҳияти**

Таълимни технологиялаштириш ғояси янгилик эмас. Бундан 400 йил аввал чех педагоги Ян Амос Коменский таълимни технологиялаштириш ғоясини илгари сурган. У таълимни “техникавий” қилишга ундалган, яъни ҳамма нарса нимага ўқитилса, муваффақиятга эга бўлсин. Натижага олиб келувчи ўқув жараёнини, у “дидактик машина” деб атаган.

Бундай дидактик машина учун аниқ қўйилган мақсадлар; бу мақсадларга эришиш учун, аниқ мослаштирилган воситалар; бу воситалар билан қандай фойдаланиш учун, аниқ қоидаларни топиш муҳимлигини ёзган.

Таълим назарияси ва амалиётида ўқув жараёнига технологик хусусиятни бериш учун 50-йилларда биринчи уринишлар қилиб қўрилган. Улар ўз ифодасини анъанавий ўқитиш учун мажмуали техник воситаларни яратишида топган.

Хозирги вақтда “педагогик технология ўқитишнинг техник воситалари ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмайди, балки бу таълим самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш, ишлаб чиқиши ҳамда усул ва материалларни кўллаш, шунингдек кўлланилаётган усулларни баҳолаш йўли орқали таълим жараёнининг асослари ва уни мақбуллаштириш йўлларини ишлаб чиқишини аниқлаш мақсадидаги тадқиқотdir”.

Барча таълим ва тарбия ишларини педагогик технология йўлига ўтказиш, мактаб амалиёти педагогик жараёнини ихтиёрий қуриш ва уни амалга оширишдан кескин бурилиши қўйидагиларни англатади:

- унинг ҳар бир қисм ва босқичларининг изчил асосланганлиги (таълим жараёнини тартиблаштириш - батафсил аниқланган ва асосланган, ишларни маълум тартибидан ташкил топган қисмлар - мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини бўлиш орқали мумкин қадар расмиятчилик нуқтаи назаридан расмийлаштирилган);
- якуний натижани ҳаққоний ташхис қила олишга йўналтирилганлиги;
- таълим жараёнига мавжуд шароит ва белгиланган вақт ичida қўйилган таълимий мақсад ҳамда ижобий натижага эришишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш технологик жараёнининг мукаммал, аниқ йўлга қўйилган, изчил, мувофиқлашган хусусиятини бериш;
- унинг самарадорлиги ва инсон имкониятлари (куч, вақт)ни мақбуллаштириш мақсади билан бутун таълим жараёнини бошқарувчанлиги.

## **1.2. Таълимга технологик ёндашув ва “таълим технологияси” тушунчаси маъносининг узлуксиз ўзгариши**

Давр	Технологик ёндашувнинг намоён бўлиши	“ТТ” тушунчаси маъноси
XVII аср	XVII асрда Ян Амос Коменский, шундай таълим механизми, яъни уни “дидактик машина” деб номлаб, унинг устида изланиш олиб борган.	“Дидактик машина”
30-йиллар 50-йиллар- нинг ўртаси	30-йилнинг ўртасида АҚШнинг Индиана университетида талабаларга эшлишиш ва қўриш (аудиовизуал) таълими бўйича маъruzalар ўқилган, 1946й. шу ернинг ўзида эшлишиш ва қўриш таълими бўйича мутахассисларни тайёрлаш курси: ишлаб чиқаришни режалаштириш, эшлишиш ва қўриш воситаларни ишлатиш ва улар сифатини баҳолаш, шу воситаларни қўллаб ўқув жараёнини бошқариш дастурлари киритилди. 1954й. - профессор Б.Ф. Скинер томонидан ишлар тақсимоти (мавзу-қадам-ходимлар) бўйича ўргатишининг мунтазамли технологиясини ўзида намоён этувчи, дастурлашган таълим модели (ДТ) асосланди. Қайтар алоқани назарда тутувчи: ҳар бир бажарилган ишнинг тўғрилигини тезкор баҳолаш ва агар кейинги қадамга хатолик бўлса қайтариш деб таъкидлаган	“Таълимда технологиялар” - “... маълумотга эга бўлиш соҳасида замонамизнинг бўллаги бўлган қашфиётлар, саноат маҳсулотлари ва жараёнларини қўллаш” (М. Кларк). педагогик мақсадларда ахборотни тақдим этишда эшлишиш ва қўриш (аудиовизуал) воситаларини қўллаш
50-60- йиллар ўртаси	1958й. – Н.Краудер бир қатор берилган жавобларни тўғрилигига боғлиқ равища қайтар алоқага мувофиқ жавобларни кўп танлаш ДТнинг кенгайтирилган чизмасини таклиф этди.	“Ўргатувчи технология” (Д.Финн, 1959) – педагогик мақсадда маҳсус яратилган эшлишиш воситаларидан фойдаланиш ва улардан фойдаланиш услубиёти

70-80-йиллар	<p>Таълим технологиясини илмий асоси ахборот, телеалоқа назарияси, педагогик квалиметрияси, тизимли таҳлил, билиш жараёнини бошқариш назарияси, таълим жараёнини кулайлаштириш, педагогик меҳнатни илмий ташкиллаштириш ва бошқалар.</p> <p>Эшитиш воситаларининг янги турлари: видеомагнитофон, айланмали кадропроектор, электрон ва блокнотли ёзув тахтаси ва бошқалар чиқара бошланди.</p> <p><i>Таълим технологияси</i> муаммолари бўйича Халқаро анжуманларда таълим технологиясига умумий моҳият таклиф этилди.</p> <p>ТТ кўлланиш соҳаси - (1) ўқитишининг техник воситалари, (2) маълумот олиш муаммоларига тизимли ёндашиши. “Биринчи соҳа ўқитиши воситаларида техника ютуқларини амалга ошириш билан, иккинчи соҳа эса, педагогик назарияни ривожланиши билан, уларни ташкиллаштиришнинг умумий назарияси бирлаштирилиши лозим бўлган иловага боғлиқ, яъни таълим муаммоларига тизимли ёндашишдир”.</p> <p>П.Д. Митчел (1970 й.) ТТ бўйича 102 манбаларни таҳлил этиши натижасида ТТ маъноси ва педагог-технололгар вазифаси асосини шакллантиради: “Кутилаётган педагогик натижаларни олиш учун инсон, моддий ва молиявий манбаларни мақбул тақсимлаш”.</p> <p>“ТТ муаммоларининг назарий тадқиқотларини ишлаб чикувчи оқим, моҳир технологоларнинг янги авлоди пайдо бўлди” (М. Эраут).</p> <p>“Факат содда одамларгина, технологияни - факат мосламалар ва ўқув материаллар мажмуи деб хисоблайдилар”. Бу бундан кўпрогини англатади. Бу ташкиллаштириш йўли, бу материаллар, инсонлар, ташкилот, моделлар ва тизим туридаги “инсон-машина” тўғрисидаги тасаввур. Бу муаммонинг иқтисодий имкониятларини текшириш. Бундан ташқари, технология фан, санъат ва инсон қадри ўзаро ҳаракатига муҳим алоқага эга.</p> <p>“Таълим воситасининг синоними хисобланмасдан, у фанлараро хилма-хил тасодифлар йиғиндиси, таълимнинг барча жиҳатлари билан боғлиқ бўлган, қисқа таълимий лавҳадан то унинг барча ҳаракатларидаги миллий тизимлари хисобланади” – Д. Финн, Лондон, 1978.</p>	<p><b>“Таълимий технология”</b></p> <p>ТТ - “таълим техник воситалари ёки компьютер соҳасидаги” изланишлар эмас; бу таълим жараёнининг самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш йўли билан, тузилмага келтириш ҳамда йўл ва материалларни кўллаш йўли билан, шунингдек кўлланилаётган усусларни баҳолаш орқали таълим жараёнини энг мақбуллаштириш тамойилларини аниқлаш ва йўлларини ишлаб чиқиш мақсадидаги изланишдир”.</p> <p>(Международный ежегодник по технологии образования и обучения – Лондон – Нью - Йорк, 1978 г.</p> <p>“ТТнинг дастлабки моҳияти педагогик мақсадларда мулоқот қилишнинг эшитиш ва кўриш воситалари, кўрсатув, компьютер ва бошқа турдаги “юмшоқ” ва “қаттиқ” воситалардан фойдаланишни англатган. Янги ва кенгрок маънода эса, таълим олиш шаклларини мақбуллаштиришни ўз вазифалари деб қўюувчи, бутун таълим бериш жараёнини ҳамда билимларни техникавий ва инсоний манбаларни ҳисобга олган холда ўзлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, кўллаш ва аниқлашнинг тизимли усулидир”.</p> <p>(ЮНЕСКО, 1986 й.)</p>
--------------	---	---

	80-йилларда ТТ тўғрисида Россия олимларининг биринчи нашрлари пайдо бўлди: “... хорижий тажрибалар ҳозир бизда яхши маълум бўлмай турибди. Лекин ТТ эшигимизни тақиллатаяпти” (Кларин, 1989)	“Педагогик технология” – атамаси педагогика фанида вужудга келди
90-йиллар	ТТ муаммоларини: В.П.Беспалько, В.Гузеев, В. Кларин, В Монахов, Г. Селевко, С. Саидахмедов, Ж. Йўлдошев, С. Усмонов, М. Очилов ва бошқалар ишлаб чиқдилар	
XXI асрнинг 1-йун йиллари	<p>“Педагогиканинг предмети инсон табиати (боғлиқ бўлган) ва ўқув-тарбиявий ҳаракатларининг самараси ўртасидаги қонуниятли муносабатлар хисобланади”. Бир қанча услубиётлардан “танлаш хуқуқи” ўрнига, илмий, табиатга оид педагогика берилган ёки инсон тўғрисидаги аниқ билимлари асосида мавжуд шароитлар учун ҳаракатланишининг мақбул йўлларини онгли лойихалашни таклиф этади. Маълумки, муаммонинг бундай берилишида педагогика “тажрибани умумлаштириш” ва “омма ижодкорлиги” ботқоғидан илмий изланиш майдонига ва юқори асосли психология – педагогика муҳандислигига ўзгаради. Ушбу матн парчасида <b>ТТ - берилган шароитда педагогик вазифаларга мақбул эришиш йўлларидир.</b> Берилган шароитда мақбуллик – технологияни ҳаммабоп тизимли белгиси.</p> <p>“Педагогика учун технология маъносига алоҳида, ҳеч нимага ўхшамайдиганлар, шунингдек унга техник тақрорланиш маъносини ўйлаб топишга ҳеч қандай сабаб йўқ. Моҳияти бўйича мавжудлик ва ишлаб чиқаришлик, ижтимоийлик, инсоншунослик ва технология вазифаларини берилишидек қабул қилиш керак” (А.М. Кушнир, 2004 й.).</p>	

## 2. ТАЪЛИМНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ТОИФА ВА ТУШУНЧАЛАР

**2.1. “Ишлаб чиқариш технологияси”, “таълимни технологиялаштириш”, “таълимий технология”, “таълим бериш технологияси”, “педагогик технология” атамалари.**

“Технология” атамаси педагогика фани томонидан ишлаб чиқариш соҳасидан ўзлаштирилганки, бунда “юқори асосли психология – педагогик муҳандислиги майдонига ўзгаради” (А.М. Кушнир, 2004 й.).

Технология моҳияти ва вазифаси бўйича инсоншуносийлик, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ижтимоий бор нарсаларни мавжуд бўлишидек қабул қилиш керак” (А.М. Кушнир, 2004 й.).

“Технология” юонча сўздан келиб чиқсан бўлиб “*techne*” - маҳорат, санъат, малака ва “*logos*” - сўз, таълимот маъноларини англатади.

### **Ишлаб чиқариш технологияси:**

- хомашё, материал, ярим тайёр маҳсулотларни олиш, уларни қайта тайёрлаш ёки уларга ишлов бериш *йўл ва усулларининг йигиндиси* (технологияни жараёнли-баёнли томони);
- юқорида кўрсатилган йўл ва усулларни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи илмий фан. Технологияни илм сифатидаги вазифаси, моддий манба ва вақтлар кам сарфлашни талаб этувчи самарали ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва амалиётда улардан фойдаланишни аниқлаш мақсадидаги қонуниятларни топиш ҳисобланади (илмий томони);
- *жараённинг ўзи* – топилмани қазиб олиш ҳаракатлари, ишлов бериш, қайта ишлаш, транспортда ташиш, омборга жойлаш, сақлаш, шунингдек ишлаб чиқаришнинг техник назорати (жараёнли ҳаракат томони).

Педагогик илм ва амалиётда “педагогик технология”, “таълимий технология” ва “таълим бериш технологияси” каби атамалар кенг кўлланилиши кузатилмоқда. Шу билан бирга уларни тушунишда алоҳида бўлган ўқиши турлари мавжуд. Авваламбор, аниқ ифодани бериш, уларни нима бирлаштириши, уларни нима ажратиб туришини тушуниш учун “технология” ва унинг келиб чиқувчилари: “технологик жараён”, “технологик ҳаракат”, “технологик харита”, “технологик тартиб” тушунчаларини аниқлаш лозим.

**Таълимни технологиялаштириш** бу ўқитиш жараённига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишdir.

### **Таълим технологияси:**

- бу мавжуд шароит ва ўрнатилган вақтда белгиланган таълимий мақсад ва кўзланаётган натижаларга кафолатли эришишни воситали таъминловчи, *мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг* энг қулай йўл ва ўқитии воситаларининг тартибли йигиндиси (таълим бериш технологиясининг жараён-баёнли жиҳати);
- бу мавжуд юзага келган таълимий жараён субъектларининг ҳамкорий ҳаракатлари, ҳақиқий жараён (таълим бериш технологиясининг амалий-жараён жиҳати ) тартиби.

**“Педагогик технология”** – педагогик ҳодиса ва таълимни технологиялаштириш соҳасидаги жараёнда қўлланиладиган тушунча.

**“Таълимий технология”** – “таълим олиш шаклларини мақбуллаштиришни ўз вазифалари деб қўювчи, яъни бутун таълим бериш жараёнини ҳамда техниковий ва инсоний манбаларни ҳисобга олган ҳолда билимларни ўзлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли усули” (ЮНЕСКО).

*Таълим технологияси ва унинг концептуал асосномасини (ТТ илмий томони) ўз ичига олади.*

## **2.2. “Педагогика тизими”, “таълимий технология”, “таълим бериш технологияси”, “фан услубиёти”нинг фарқли хусусиятлари**

**Педагогика тизими** – шахснинг бор сифатларини шакллантириш учун ташкилий, мақсадга йўналтирилган ва педагогик таъсир кўрсатишни кўзлаган, ўзаро боғлиқ восита, усул, жараёнларнинг йиғиндисини ифода қилувчи аниқ яхлитликдир (В.П. Бесспалько бўйича).

**Фанни ўқитиш услубиёти** – таълим тизимида ушбу ўкув фанининг аҳамияти ва ўрнини белгилайди, унинг вазифаларини ва ўқитиш мазмунини аниқлайди, ушбу фан бўйича қўлланилаётган усул, шакл ва ўқитиш воситалари баёнини ўз ичига олади.


### **Фанни ўқитиш услубиётидан фарқли технология:**

- “қандай ўқитиш керак?” деган саволга жавоб бермай, балки аҳамиятли қўшимча бўлган “натижавий қандай ўқитииши ва ўқув жараёнини қандай қилиб энг мақбул ташкил этиши керак? деган саволга жавоб беради;
- аниқ шароитлардан келиб чиқкан ва маълум натижага йўналган, аниқ педагогик гояга лойиҳаланади;
- ўз натижаларини қайта ишилаб чиқарииши билан фарқланади;
- таълим олувчилар ва таълим берувчига йўналтирилган дарснинг услубий ишланмаларидан фарқли ўлароқ, таълим олишда уларнинг ўз фаолиятлари ҳисобига ютуқ таъминланишига йўналтирилади.


### **Услубиётчидан фарқли ўлароқ педагог-технолог:**

- *тажриба ўтказмайди*: у аниқ белгиланган натижа билан иш олиб боради;
- ажратилган вақт ва мавжуд шароитларда белгиланган мақсадларни амалга оширишда гумон ҳосил қилмайдиган *асосланган ўқитииши моделига таянади*;
- у ҳаракат қиласи, *таълимий мақсадлар қўйилганда, аниқ педагогик вазифалар белгиланганда ва кўзланаётган натижалар шакллантирилганда, таълим бериши жараёнининг бориши шароитлари аниқлангандан сўнг ҳаракат қилишини бошлайди*.

### 2.3. “Педагогика тизими”, “таълим технологияси”, “ўқитишик технологияси”, “фан услубиёти”нинг тизимли ташкил этиувчилари ва элементлари



### 3. ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ МОҲИЯТЛИ БЕЛГИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ




## 4. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

**Концепция** – умумий ғоя ёки бирор-нарса тўғрисида тасаввур, тушунча, фикрлар тизими.



Таълим технологияси аниқ педагогик ғоя асосида ишлаб чиқилиб, унинг негизини қўйидагилар ташкил этади: (1) муаллифнинг аниқланган методологик, фалсафий йўналиши; (2) педагогик, психологик ва ижтимоий фанлар ҳамда педагогик амалиёт-концептуал асослари.

Таълим тизими бошқа барча хорижий мамлакатлар сингари фалсафа, психология ва педагогикада инсонпарварлик йўналишидаги тамойиллар асосида тузилади. Педагогикада бу йўналишнинг асосий фарқ қиласиган жиҳати шундаки, таълим олувчининг ўзлиги, унинг шахси, мустақил танқидий фикрлашини онгли ривожланишига аниқ йўналтирилган, уларнинг хусусият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳар бир таълим олувчининг мустақил билиш фаолиятига боғлиқ ҳисобланади.

### 4.1. Замонавий таълим технологиясининг концептуал асослари



## 4.2. Психология ва педагогикада инсонпарварлик йўналишидаги тамойиллар



### 4.3. Шахсга йўналтирилган ривожлантирувчи таълим ва уни амалга ошириш шартлари

Асосий назарий мазмуни	Амалга ошириш шартлари
<p>Шахсий ёндашув куйидагиларни англатади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- таълим бериш жараёнини тузиш ва амалга оширишда шахсга мақсад, субъект устунлиги, натижа ва унинг самарадорлигини асосий мезондек йўналтириш;</li> <li>- таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг тўлақонли ривожланиши;</li> <li>- таълим бериш жараёнини инсонпарварлаштириш ва табақалаштириш: касбий тайёргарлик йўналишлари бўйича Давлат Таълим стандартлари талабларига риоя қилган ҳолда таълим оловчи шахсини ривожланиш йўлига йўналтириш;</li> <li>- таълим оловчиларни психологик-касбий ва шахсий хусусиятлари ва қобилияtlарини ҳисобга олиш;</li> <li>- таълим жараёни иштирокчилари фаолиятининг шахсий қизиқишларини таъминлаш</li> </ul>	<p>Таълим оловчи шахсни ҳар томонлама эркин ва ижодий ривожланиши учун қулайлик, зиддиятсиз ва хавфсиз шароитларни таъминлаш, унинг табиий имкониятларини амалга ошириш. Таълим берувчининг таълим оловчи шахсини қабул қилиш: унинг мақсадлари, хаяжонлари, қизиқишлари, қарашлари, муносабатларини тушуниш, уларни худди қимматлидек тан олиш, унга, унинг кучи ва имкониятларига ишониш.</p> <p>Таълим бериш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ушбу билим соҳасида ўқимишлилик даражаси ва шахс маданиятининг умумий ривожланиш даражаси;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- таълим оловчининг психологик-физиологик хусусияти;</li> <li>- ҳар бир таълим оловчи учун таълим ўкув дастурларига нисбатан шахсий хусусият ва ўқитиши таъсири остида унинг ривожланиш ўзгарувчанлиги, унинг имкониятларига мос равишда мослашади;</li> <li>- унга ўзининг билимга, ўзини аниқлай олиши, ўзини ривожланиши ва ўзини амалга оширишига ёрдам кўrsatiш.</li> </ul> <p>Таълим оловчининг ривожланиш ва сўниш истиқболларини аниқлаш, ундан сўнг эса тўғрилаш учун, унинг шахсий ривожланишини объектив назорат ва ташҳис қилиш.</p> <p>Таълим оловчини нафақат касбий сифатда, балки шахс сифатида ривожланишининг умумпедагогика малакаларини ривожланиши технологиялари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>Бу мақсадга, ўқитиши ва шахсий ривожланиш таълим берувчи ва таълим оловчи учун ҳаётий ва касбий моҳиятга эга бўлганда, ушбу фаолиятга мустаҳкам қизиқиш уйғонганда, ўқитиши ва ривожланиш шахсининг ҳаётий эҳтиёжига айлангандагина эришилган деб ҳисоблаш мумкин.</p>

#### 4.4. Таълимга фаолиятли ёндашув ва уни амалга ошириш шартлари

Асосий назарий мазмуни	Амалга ошириш шарти
<p>Фаолият-шахснинг ривожланишида асос, восита ва ҳал қилувчи шарт. Бу таълим оловчи шахсининг жараёнли сифатларини шакллантириш, унинг ҳаракатларини фаоллаштириш ва жадаллаштиришни, ўкув жараёнида унинг барча имконияти, тиришқоғлиги ва файратини кенгайтиришни юзага келтиради</p> <p>Фаолият – ўзлаштириш обьекти Таълимга шахсий ва ривожлантирувчи ёндашув билан ўзаро алоқада бўлганда амалга ошади</p>	<p>Таълим берувчи вазифасининг ўзгариши: нафақат билим бериш, балки таълим оловчиларни уларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, таққослаш, ўзгартиришга, ҳаётй мухим вазифаларини ҳал этища кўллаш, барча ҳаётй йўли давомида билимларини тезкор янгилаш ва тўлдиришни ўргатиш.</p> <p>Бунинг учун ўқитувчи барча тўғри ечимларнинг биринчи тоифадаги намойишчиси бўлмасдан, балки ўкув жараёнининг ташкилотчиси, маслаҳатчиси ва назоратчиси бўлиши керак; билимларни етказишининг кам самарали оғзаки йўлларини камайтиришга келтириш.</p> <p>Таълимнинг жуфтлик ва гурухли ташкил қилиш шаклларини амалга ошириш орқали жараёнда диалог ва полилогда ўзгарувчан томонларда таълим оловчининг юқори фаоллигини таъминлаш; башоратлаш, режалаштириш ва ўкув-билиш фаолиятини ташкиллаштириш бўйича таълим оловчилар мустақил фаолиятини кўллаб-қувватлаш</p>

#### 4.5. Таълимга сұхбатли ёндашув ва уни амалга ошириш шартлари

Асосий назарий мазмуни	Амалга ошириш шарти
<p>Таълим жараёнини таълим берувчи ва таълим оловчи ўртасидаги сұхбатдек тузишни ифодалайди ҳамда дастурий фаолиятни ҳамкорликда тузишга йўналтирилган.</p> <p>Шахсий ва фаолияти билан биргаликда инсонпарвар педагогиканинг методологияси моҳиятини ташкил этади. Уларни умумийликда қўллаш қўйидагиларни яратади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>■ таълим жараёни иштирокчилари субъектларини психологик бирлиги ва ўзаро ҳаракати туфайли “объектли” таъсир этиш ижодий ўзаро ривожланиш ва ўзи ривожланиш жараёнига ўз ўрнини беради;</li> <li>■ таълим жараёни иштирокчилари эркинлигини ошириш;</li> <li>■ шахснинг ўзини - ўзи фаоллаштириши ва ўзини - ўзи амалга ошириши</li> </ul>	<p>Таълим берувчи вазифаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- таълим оловчилар билан teng ҳуқуқли томонни ўрнатиши;</li> <li>- шунчаки ўқитиш эмас, таълим оловчиларни ривожланишга, унинг ўзи ҳаракатланишига шароит яратишга рағбатлантириш;</li> <li>- таълим оловчиларда мустақил фикрлаш, муаммони мустақил режалаштириш қобилиятини ва уни ечиш йўлларини таклиф этиш, олинган натижаларни баҳолаш ёки текширишга олинишига тайёргарликни шакллантириш.</li> </ul> <p>Бунинг учун қўйидагиларни амалга ошириш зарур: вазиятли лойиҳалаш; фикр-изланишли сұхбат; ҳаётй муаммолар матнига ўкув топшириклигини киритиш; таълим оловчиларда мустақиллик, мустақил ўқиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўзини-ўзи амалга ошириш қобилиятларини ривожланиш учун шароит яратиш</p>

## 4.6. Муаммоли таълим ва уни амалга ошириш шартлари

Асосий назарий мазмуни	Амалга ошириш шарти
<p>Бу таълим берувчини таълим оловчилар билан фаол ўзаро харакатини ташкиллаштириш йўли бўлиб, бунда тақдим этилган муаммоли таълим мазмунини ечишда улар мунозара юритадилар, фикр юритишни ўрганадилар, билимларни ижодий ўзлаштирадилар.</p> <p>Алоҳида фикрлашни, билимларни мустаҳкамлаш ва амалий фаолиятда ижодий кўллашни таъминлайди.</p> <p>Таълим оловчиларнинг шахсий интилишлари, билиш қизиқишиларини шакллантиради, фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради, таълим оловчиларнинг диалектик фикрлашини шакллантириш ва ривожлантиришига ёрдам беради</p>	<p>Таълим оловчилар олдиға тартибли ва мақсадга йўналтирилган муаммоларни илгари суриш, уларни таълим берувчи раҳбарлиги остида ҳал этиб, янги билимларни фаол ўзлаштирадилар.</p> <p>Йўналиш бўйича мустақил ижодий билиш фаолиятини таъминлаш: муаммоли вазият → муаммони шакллантириш → уни ҳал этиш йўли → муаммони ечиш → ечимни текшириш</p>

## 4.7. Таълимни ташкиллаштиришга тизимли ёндашув ва уни амалга ошириш шарти

Асосий назарий мазмуни	Амалга ошириш шарти
<p>Таълим технологияси тўғрисидаги тушунча педагогик тизимнинг аниқ бўлган бутун (тузилмавий ва мазмунли) таркибини билдиради.</p>	<p>Таълимий технологияни олдиндан мақсадини белгилаш ва фаолият натижаларини шакллантиришдан то педагогик ва таълим олиш жараён йўлининг ташхис ва назорат тизимини тузишгача лойихалаштириш. Бу нафакат қўйилган мақсадга эришиш кафолатини таъминлайди, балки қўрсатилган жараёнларни қуриш ва амалга оширишда ихтиёрийликдан келиб чиқадиган оқибатларининг олдини олади, ўкув-тарбия фаолияти давомида тўғрилаш эҳтимолини бартараф этади</p>

#### **4.8. Ҳамкорликда таълим бериш ва уни амалга ошириш шартлари**

Асосий назарий мазмуни	Амалга ошириш шарти
<p>Шахсга йўналтирилган ғояларни намоён қилади: (1) ҳар бир таълим олувчилар томонидан БМК, уларнинг шахсий хусусиятларининг ривожланиш даражасига мувофиқ эгаллаши; (2) мулоқот кўникмаларини шакллантириш: бирга фаолият олиб боришни ўргатиш, таълим олиш ва яратиш, ҳар доим бир-бирига ёрдамга келишга тайёр бўлиш, омад қувончи ёки муваффақиятсизлик аламини бўлиш.</p> <p>Топшириқни нафақат биргаликда бажариш, балки биргаликда ўрганиш; мусобақа эмас, балки ҳамкорликда.</p> <p>Ҳамкорликда таълим олишни ташкиллаштиришнинг асосий тамойиллари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-бир топшириқ бир гурухга;</li> <li>-рағбатлантириш ҳамма учун;</li> <li>-ўз омади ва бошқа гурух омадлари учун ҳар бир шахснинг масъулияти;</li> <li>-ҳамкорлик фаолияти;</li> <li>-муваффақиятга эришишда teng икониятлар</li> </ul>	<p>Мақсадни белгилаш жараёнида амалга оширилади. Мустакил индивидуал иш→ гуруҳларда ҳамкорликдаги иш- ҳамкорликда таълим беришда билиш жараёнининг диалектик ўзаро боғлиқлиги шундан иборат.</p> <p>Таълим берувчи вазифасининг ўзгариши: таълим олувчилар билан (оммавий эмас!) янги ўзаро ҳаракатга тайёргарлиги ва қодирлиги. (1) шахсий тенглик ва ҳурмат, тўлақонли мулоқот ва ўзаро тушунишга ўтиш, (2) таълим жараёни иштирокчилари ўзаро ҳаракатининг янги шакллари: таълим берувчи→ гуруҳ→таълим олувчилар, таълим олувчилар→ таълим олувчилар.</p>
	<p>-топшириқни бажариш учун гурухга бир топшириқ берилади;</p> <p>-гурух ҳамма учун ягона, ҳамкорликдаги иш баҳолари жамланиши, (умумий натижага эришиш учун гурухдаги барча таълим олувчилар ҳаракати баҳоланади), шунингдек ҳар бир иштирокчининг шахсий қўшган ҳиссасидан келиб чиқадиган баҳони олади;</p> <p>-ўзаро ҳаракатни тезлаштириш йўллари, яъни гуруҳли баҳс, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ҳамкорий фаолият;</p> <p>-ҳар бир таълим олувчи шахсий муваффақиятларини такомиллаштиришга, мадомики бошқалар билан бирга баҳо олса, таълим олишда шахсий имкониятлари, қобилиятига йўналтирилган бўлиши керак</p>

## 5.АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМДАН ФАРҚИ

Анъанавий таълим бериш	Технологик ёндашувга асосланган таълим бериш
<b>1. Концептуал асослар</b>	
<p>Таълим олувчига ёндашиш бўйича назоратли-насиҳатгўй, эгаллаб бўлинган усул бўйича қайта тиклашли, таълим олувчиларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини бостирувчи, қатъий ташкил этилган бўйсиниш асосидаги (авторитар) таълим.</p> <p>Ўрта таълим олувчи имкониятлари, уларни ўзлаштириш ва билимларни қайта тиклашларига йўналтирилган таълим.</p> <p>Ўрганиш – эслаб қолиш вазифаси, дарс бериш эса – асосий фаолият.</p> <p>Таълим парадигмаси: таълим берувчи – китоб – таълим олувчи</p>	<p>Шахсга йўналтирилган таълим ва таълимга тизимли – ҳаракатли ёндашишга асосланади. Таълим олувчи шахси – таълим жараёнининг марказий эгаси. Муносабатларнинг инсон-парварлиги ва эркинлиги, ўқишига мажбурлашдан воз кечиш.</p> <p>Табакалаштириш ва индивидуаллаштириш; умумий таълим олувчининг ақлий ривожланиш даражаси ва ушбу фанни улар томонидан ўзлаштирилишини ҳисобга олиш.</p> <p>Ўрганиш-ақлий ривожланиш, мустақил эгаллаш жараёни ва асосийси таълим олувчиларнинг эгаллаган билимларини қўллай олишлари; хусусияти бўйича муаммоли, изланувчан, ижодий.</p> <p>Таълимнинг янги парадигмаси, яъни: таълим олувчи – китоб – таълим берувчи</p>
<b>2. Таълим олувчининг тутган ўрни ва вазифаси</b>	
<p>Таълим берувчи таъсиридаги бўйсунувчи обьект.</p> <p>Билим – бирдан-бир мақсад.</p> <p>Хато – жазоланади.</p>	<p>Мустақил билиш фаолиятини олиб борувчи, таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли субъекти.</p> <p>Билим – шахсий муаммоларни ҳал этиш воситаси.</p> <p>Хато қилишга ҳаққи бор – хатоларда ўрганади</p>
<b>3. Таълим берувчининг тутган ўрни ва вазифаси</b>	
<p>Китоб билан бирга, ягона ташаббускор шахс – билиш субъективини назорат қилувчи, асосий билим манбаи: бошқарув органларининг раҳбарлик буйруқларининг бажарувчиси</p>	<p>Таълим олувчиларнинг мустақил билиш фаолиятлари ташкилотчиси, уларнинг масъул маслаҳатчиси ва ёрдамчиси. Таълим олувчиларнинг нафақат БМК назоратини, балки эҳтимолий четга чиқиш ўз вақтида тўғрилаш мақсадида уларнинг таълим берганлик ташхисини таъминлайди</p>
<b>4. Таълим бериш ва ўрганиш усуллари</b>	
<p>Тайёр билимларни оғзаки баён қилиш орқали билдириш. Оддийдан умумийликка индуктив мантиқа, механик эслаб қолишга, қайта тиклаш (ўзгаришсиз қайтариш) баёнига асосланган, намуна бўйича таълим бериш. Натижада таълим олувчиларни сусткашликка, нутқ фаолияти бўшашишигача олиб келади</p>	<p>Муаммоларни излаш, билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган, муаммоли вазиятларни яратиш, фаол билишнинг ижодий тадқиқотчилик фаолиятига асосланган фаол таълим бериш усуллари</p>

<b>5. Таълим бериш воситалари</b>	
Таълим берувчи сўзлари, кўргазмали ва техник воситалар. Мураккаб (техник) тилда ёзилган ўкув адабиётлар, шу боис қабул қилишга мураккаб; асосан уй вазифаси учун қўлланилади.	Анъанавий воситалар билан бир қаторда – ахборотли технологиялар. Ўкув материаллар таълим олувчилар томонидан билимларни мустақил излаш учун ишлатилади
<b>6. Таълим беришни ташкиллаштириш шакллари</b>	
Оммавий таълим бериш: таълим олувчилар бир-бирлари билан ажралган муносабатда; мустақилликнинг етишаслиги.	Мақсадни белгилаш: якуний ўкув натижаларининг мезонли чекланувчикдек, ташҳисий белгиланган мақсадларни кафолатли эришишга йўналтириш; олинган натижалар сифатини ўлчашнинг мезон ва кўрсатмалари мавжуд.
Таълим берувчи фақат педагогик фаолиятни режалаштиради.	Нафақат башорат қиласи, балки педагогик фаолиятни лойиҳалайди ва режалаштиради, шу билан бирга ўкув фаолиятининг мазмуни ва тузилишини ишлаб чиқади, таълим олувчиларни мустақил ўкув-билиш фаолиятларини башорат қилаётганларида, режалаштираётганларида ва ташкиллаштираётганларида уларнинг ташаббусларини оширади ва қўллаб-куватлайди.
Ўзлаштирилган БМК назорати.	Таълим берувчи таълим олувчи билан таълим жараёнини ўкув диологидек тузади; уларда мустақилликка интилишни ривожлантириш учун, ўзи мустақил таълим олишга тайёргарлик, ўз-ўзини билиши, ўз-ўзини амалга ошириш ва ўз-ўзини тақдим эта олиш қобилиятлари учун шароит яратади.
Миқдорий баҳо - баҳолаш-мажбурийлик воситаси ҳисобланади, таълим берувчининг таълим олувчи устидан хукмронлик қуроли бўлиб хизмат қиласи: таълим олувчи фаолиятининг якуний таҳлили ва баҳоланиши	Нафақат БМК назорати, балки таълим берилганлик, ривожланиш, тарбияланганликнинг мониторинги.
	Таълим берувчи умумий натижани баҳолайди ва таълим олувчи билан ҳамкорликдаги меҳнатларини таҳлил қиласи: кўзлананаётган натижаларга нима учун эришилмади ёки қисман эришилди

### **I. Режа**

1. Таълим технологияси - педагогика тизимнинг ташкил этувчиси.
2. Таълим технологиясининг (қисмлари бўйича) тузилмаси.
3. Таълим технологиясининг ҳаракатланувчи тузилмаси.
4. Таълим технологиясини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш тартиби .

### **II. Асосий тоифа ва тушунчалар**

Тизим, модел, тузилма, таркиб, элемент, харакатланувчи тузилма, лойиҳалаш, мақсадни белгилаш, мақсад, вазифа, натижа.

### **III. Мавзуни ва алоҳида саволларни ўрганиш учун фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати**

- 1.Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат - Т.: ТДПУ, Низомий, 2003.
- 2.Авлиёқулов Н. Замонавий ўқитиши технологиялари.-Т., 2001.
- 3.Бершадский М.Е. В каких значениях используется понятие “технология” в педагогической литературе? //Школьные технологии.- 2002.- № 1.
- 4.Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989.
- 5.Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий //Школьные технологии - 2004. - № 4.
- 6.Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие //Под общ. ред. акад. С.С. Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
- 7.Епишева О.Б. Основные параметры технологии обучения. //Школьные технологии -2004.- № 4.
- 8.Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004.
- 9.Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта.- М.: Знание, 1989 / Новое в жизни, науке, технике. Сер. “Педагогика и психология”. № 6.
- 10.Кушнир А.М. Методический плюрализм. //Школьные технологии.- 2004. № 4.
- 11.Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. - М.: Народное образование, 1998.
- 12.Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. - Т.: РТМ, 2000.

13. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Т.: Фан, 2005.
14. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. -Т.: Фан, 2000.

#### **IV. Ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Педагогик тизим моделини тасвиirlаб беринг ва унинг таркибларини айтинг.

2. ТТ моделини тасвиirlаб беринг ва унинг таркиби ҳамда элементларини айтинг.

3. ТТ ҳаракатланувчи тузилмасини кенгайтириб баён этинг.

4. ТТ лойиҳалашда нима учун йўналтирувчи босқич муҳим ҳисобланишини тушунириинг.

5. Нима учун натижавий босқичда баҳолаш-таҳлилий ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунириинг.

### **1. ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ – ПЕДАГОГИКА ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТУВЧИСИ**

#### **1.1. Педагогик тизим тушунчаси**

**Тизим** – ўзида яхлит борлиқликни намоён этиб, бунда ўзаро боғлиқ ва ўзаро ҳаракат килувчи кисмларнинг ўзгармас тартиби унинг ички тузилмасини яратади. Бу ҳаракат қилувчи тузилма бўлиб, бунда фаолият аниқ мақсадларга боғлиқ бўлади.

**Педагогик тизим** қўйидаги таркиблардан иборат:

**1. Таълим берувчи** - ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими устаси.

**2. Таълим оловчи** - талаба, ўкувчи, тингловчи.

**3. Таълимий мақсад** – бу таълим беришни бирор нарсага интилиши.

**4. Натижа** – (1) ушбу давр ичидан чиқиша таълим оловчини билиши, уддалаши, қадрлаши зарур бўлган, таълим беришни бирор нарсага келишидир;

(2) таълим жараёнини самарали боришини намоён қилиб, мақсадга эришиш даражасини тавсифлайди. Натижа белгиланган мақсадга мос келса, қўиш ўргатиш жарёни тугалланган ҳисобланади.


**5. Ўқув ахбороти мазмунни** – фан бўйича ўқитиш мазмунини ташкил этувчи, адабиёт матнлари ва ўқув қўлланмалар, луғат ва бошқа ахборот манбаларидан иборат бўлади. Ўқув дастури асосида аниқланади ва мақсадни белгилашдан келиб чиқиб таълим берувчи томонидан ўзгартириш киритилади.

**6. Таълим технологияси** – (1) ўқитиш- усул, шакл ва воситалар; (2) мулоқот, (3) ахборот ва (4) бошқарувнинг **йўл ва воситалари**.

**7. Таҳлилий-натижавий таркиб** – таълим технологияси бўйича олинган натижалар самарадорлигини ўлчашнинг йўл ва воситалари.

Агар педагогик тизимнинг таркиби ташкил этувчилиаридан биттаси ҳам бўлмаса, ундаи ҳолда таълим жараёнининг ўзи ҳам бўлмайди, ёки у кучсиз хусусиятга эга бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ижобий натижа бўлса ҳам, у тасодифий бўлиши мумкин.

## 1.2. Педагогик тизим тузилмаси



*Изоҳ:*

**“Бошланғич вазият”** таълим технологиясини лойихалашни бошлагунча кенг қамровли ахборотни олишдир, яъни:

*Таълим оловчилар*, шу қаторда уларнинг:

- таянч билимлари (аввал олган билимлар йиғиндиси);
- ўқув - ахборотли малакалар;
- ўқиши давом эттириш, касбни эгаллаш учун керакли ўқув мулоқотли (ўзаро фикр алмашинуви билан боғлик) малакалар;

➤ касбий муҳим сифатлар;

➤ шахснинг ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган сифатлари;

*Ўқув – моддий манба:*

- ўқув материалларининг (китоблар, қўлланмалар, луғатлар ва бошқалар) мавжудлиги;

➤ таълим бериш воситаларининг борлиги ва ҳолати;

- жиҳозланган хоналарнинг (устахона, тажриба ўтказиш хоналари ва бошқалар) мавжудлиги.

Бошланғич вазиятни “аниқлаш” мақсадни белгилаш учун муҳим.

**“Кечиктирилган, ўзгарувчан натижа”.** Моддий ва масъул (масалан, ишлаб чиқариш шароитидаги) фаолият маълум соҳанинг борлиқ қонуниятлари билан боғлиқ. Шу боис ишлаб чиқариш технологиялари технологик тартибни қатъий белгиланиши билан хусусиятланади ва шу билан бирга натижани белгиланган мақсадга мослигини доимо таъминлайди.

Ваҳоланки, таълимий фаолият шахсий-субъектив, хиссийетли хусусиятга эга бўлиб, у муаллифлик, индивидуал, ижодий, тайёргарликсиз, яъни жараённи ўзида яратиш табиатида таълим беришга асосланади, таълим берувчининг психологик-касбий хусусиятлари ҳамда таълим олувчиликнинг кўп қиррали шахсий хусусиятлари билан ифодаланади. Шу боис, таълим технологиясида белгиланган тартибдан четга чиқишига йўл қўйилади, биргина ва фақат шу технологияни амалга оширишда субъект томонидан эришилган таълим натижалари эса, *кечиктирилган, ўзгарувчан хусусиятга* эга бўлади.

Шундай бўлса ҳам ҳар қандай ҳолатда ҳам эришилган натижа бир оз ўртача кўрсаткичга яқин бўлади.

## 2.ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ ТУЗИЛМАСИ

### 2.1.Таълим технологиясининг таркибий қисмлари ва элементлари

**Тузилиш** (лот. structura – тузилиш, жойлашиш), таркибий қисмларнинг муайян ўзаро алоқаси, ўзаро жойлашуви; бирор нарсанинг тузилиши.

**Тузилманинг қисмлари** – унинг шартли бўлинмайдиган ва қиёслана оладиган қисмлари.

**Тузилманинг ташкил этувчилари** - қисмлар учун уларни бирлаштирувчи ном.

Таълим технологияси - тизимили тоифа бўлиб, тузилмавий ташкил этувчи ва қисмлари бўлиб, қўйидагилар ҳисобланади:

**1. Таълимнинг йўл ва воситалари:** таълим усуслари; таълим шакллари; таълимнинг йўллари, техникалари; таълим воситалари.

#### 2. Мулоқотнинг йўл ва воситалари:

2.1. Таълим берувчини таълим олувчиликлар билан бирга тезкор қайтар алоқа асосида бевосита ўзаро ҳаракати:

(1) таълим берувчи - ўқув ахборот манбаи, ундан фойдаланишининг ташкилотчиси ҳамда назоратчиси;

таълим олувчи - ахборот истеъмолчisi, таъсир ўтказиладиган бошқарув обьекти;

(2) таълим берувчи - ўқув ахбороти манбаи бўлиб, маслаҳатчи, таълим жараёнининг субъектлари ўртасида ахборот алмашинувининг мувофиқлаштирувчиси;

таълим олувчи - ўқув ахборотини эгаллаш ва уни ишлатиш бўйича шахсий мустақил ижодий фаолият субъекти.

2.2. Вақт бўйича бўлинган қайтар алоқа билан таълим берувчини таълим олувчилар билан бирга билвосита ўзаро ҳаракати:

(1) таълим берувчининг таълим манбалари билан таълим олувчиларни энг кам иштирокларидағи ўзаро ҳаракати;

(2) таълим берувчининг бир таълим олувчи билан, иккита таълим олувчи ўртасидаги: фаол ўзаро ҳаракат;

(3) таълим жараёнининг барча иштирокчилари ўртасида: таълим берувчи таълим олувчилар гурухи билан; таълим олувчи гурухлар ўртасида: фаол ўзаро ҳаракат.


### **3. Ахборотнинг йўл ва воситалари:**

- ахборотни етказиш - монолог, диалог, полилог;
- ахборотни олиш (қайтар алоқа) - ташхис, баҳолаш, кузатув.


### **4.Бошқарувнинг йўл ва воситалари:**

- башоратлаш;
- режалаштириш;
- назорат;
- баҳолаш;
- ахборотни йиғиш, унинг тўпланиши ва таҳлил;
- ўзгарувчанлик ва йўналишни аниқлаш;
- бошқарув хulosасини қабул қилиш;
- ўзгартириш киритиши.

## 2.2. Таълим технологиясининг тузилиши



### 3. ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТУЗИЛМАСИ




*Изоҳ:*

**“Ташқи шароитлар”** - ўқув хоналарни жиҳозлашда, техникавий ва бошқа ўқитиш воситаларининг ҳолати ва мавжудлиги, ижтимоий муҳит ва бошқаларда намоён бўлади.

**“Ҳалақитлар”** - уларнинг келиб чиқиши таълим бериш технологиясини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш жараёнида таълим олувчиларнинг тайёргарлик, ривожланганлик даражаси, уларнинг имкониятлари таълим жараёни иштирокчиларини зарурӣ психологик, шахсий, индивидуал ва бошқа хусусиятлари каби омилларни ҳисобга олишни йўқлиги билан намоён бўлади.

**“Тўғрилаш /ўзгартариш”** киритиш. Нима сабабдан таълим жараёни якунида унинг йўли ва натижаларини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади? Жавоб равshan- дастлабки ғояга йўл ва натижаларни тўлиқ мос келмаслиги сабабини аниқлаш, нима сабабдан, қаерда хатоликларга йўл қўйилганлигини аниқлаш учун, тезкорликда тўғрилаш киритиш ва ўз вақтида ўзгартариш киритиш зарур.

## 4.ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ



# 3

## БОШҚАРУВ – ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ ТАРКИБИ

### I. Режа

1. Таълим жараёнида бошқарувнинг ўрни ва моҳияти.
2. Мақсадни белгилаш.
3. Педагогик технологияни лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари.
4. Талабанинг ўқув ютуқлари назорати.

### II. Асосий тоифа ва тушунчалар

Бошқарув, мақсадни белгилаш, ташхислаш, башоратлаш, лойиҳалаш, режалаштириш, ташкиллаштириш, ахборотли таъминот, назорат, баҳолаш ва ўзгартириш, технология харитаси, педагогик мониторинг.

### III. Мавзуни ва алоҳида саволларни ўрганиш учун фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати

1. Ахунова Г.Н., Голиш Л.В. Введение в проектирование и планирование педагогических технологий в экономическом образовании: Краткий конспект лекций. -Т.: Иктисад-молия, 2006
2. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. Учебник.- М.: ВЛАДОС, 1999.
3. Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари.-Т.: РТМ, 2000.
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт.-Т.: Фан, 2005.
5. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. -Т.: Фан, 2000.

### IV. Ўз-ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар

1. Бошқарув жараёнининг моҳияти нимадан иборат?
2. Бошқарув жараёнининг моҳиятини ёритиб берувчи тушунчаларни айтинг ва уларнинг мазмунини очиб беринг.
3. “Мақсадни белгилаш”, “мақсад”, “натижа” тоифаларига кенгайтирилган баённи беринг.
4. Билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолияти йўлларига даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини қандай бирдай қилиш саволига очиқ ёритиб берувчи, жавобни беринг.
5. Ўқув машғулотида таълим технологиясини лойиҳалаш ва режалаштириш бўйича ўқитувчининг ҳаракат тартибини айтинг.
6. Айтингчи, сизнинг фикрингизча, ўқув машғулотида таълимий технология тузилмаси ва таълим бериш технологияси тузилмасининг фарқли томонлари нимадан иборат? Жавобингизни асослаб беринг.

7. Ўқув машғулотида таълим технологияси моделининг кенгайтирилган тасвирини беринг.

8. Тузилмавий кўринишда ўқув машғулотининг технология харитасини тақдим этинг ва унинг мазмунли қўрсаткичларини ёритиб беринг.

9. “Ўқув ютуқлар назорати” тушунчасига ифода беринг. Унинг шакл, тури ва усулларини айтинг.

10. Мавзулардан бирига билимларни муваффақиятли ўзлаштиришнинг 3-даражали тестларини ишлаб чиқинг.

## **1.ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРУВНИНГ ЎРНИ ВА МОҲИЯТИ**

**Бошқарув** - бу тартибга солиш даражасини ошириш орқали ижтимоий тизим фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган фаолиятнинг маҳсус шакли.

Бошқарув жараёнининг моҳияти мақсад-натижани мос келиш йўналиши бўйича ҳаракатни йўлга солишдан иборат бўлади.

Ўқитиши режасини тузишнинг ҳар босқичида ўқитувчининг бошқарув ҳаракатларини кўриб чиқамиз.

*Мақсадни белгилаш* - дидактик вазифаларни аниқлаш, ўқув натижаларини шакллантириш. Бу педагогик фаолиятни асосий омили бўлиб, таълим берувчи ва таълим олувчининг биргаликдаги фаолияти ҳаракатини умумий натижага йўналтиради.

*Ташхис* - таълим олувчилар хусусиятларини ва мавжуд моддий-техник имкониятларни ўрганиш. Бу мақсадни тўғрилаш зарурлиги ва уларга эришиш воситаларини танлашга имкон беради.

*Башорат қилиши* - ўрнатилган вақт ичida мавжуд шароитларда педагогик ва ўқув фаолияти натижаларини олдиндан кўриш.

*Лойиҳалаш* - олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳида вазифаларни шакллантириш, ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиш воситаси ва йўлларини аниқлаш.

Ташхис, башорат қилиш ва лойиҳалаш режани ишлаб чиқиш учун асос хисобланади.

*Режалаштириш* - олдиндаги ўзаро боғлиқ педагогик ва ўқув фаолиятининг режасини ишлаб чиқишдан иборат бўлади. У технологик харита кўринишида расмийлаштирилади.

*Ташкиллаштириш* - таълим берувчи томонидан талабаларни белгиланган ишга жалб қилиш, белгиланган мақсадга эришишда улар билан ҳамкорлик қилиш.

*Ахборотли таъминлаш* - ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиб беришнинг йўл ва воситаларини амалга ошириш. Бунда йиғилган ахборот жараёнининг боришини тезкорликда ўзгартиришни, таъсир қўрсатадиган

рағбатлантирувчи омилларни, самарали воситаларни киритишига имкон беради.

*Назорат, баҳолаши ва ўзгартириши киритиш* - ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатадиган рағбатлантирувчи омилларни яратиш, педагогик таъсир этиш обьекти ўзгаришини мувофиқлаш.

*Тугалланган жараён таҳлили* - самарасизликни, уларнинг пайдо бўлиш сабабини аниқлаш, келгуси такрор ишлаб чиқиладиган даврда унга йўл қўймаслик чораларини аниқлаш.

## **2. МАҚСАДНИ БЕЛГИЛАШ**

### **2.1. «Мақсадни белгилаш» тушунчаси**

**Мақсадни белгилаш** – технологиялаштиришнинг асосий омили хисобланиб, педагогик технологияни лойиҳалаштириш, ўқув жараёнини тузиш ҳамда ташкиллаштириш шундан бошланади.

**Мақсад** - кўзланаётган натижа модели кўринишидаги муҳим йўналишнинг маҳсули.

*Бу эса, таълим субъектларининг фаолият якунида эгаллашлари кўзланаётган нарсадир.*

**Натижа** - (1) ўқув фаолиятида олинган натижа таълим олувчининг ривожланишида олдинга силжиш бўлиб, бу унинг у ёки бу фаолиятида ўз аксини топади; (2) таълим жараёнининг самарали боришини намоён қилиб, мақсадга эришилганлик даражасини хусусиятлади: таълим бериш ва таълим олиш жараёни натижа мақсадга мос келгандагина тугайди.

## 2.2. Билимларни ўзлаштириш ва ўқув фаолияти йўлларига даражали ёндашув асосида таълим мақсадларини бирдай қилиш

<p>Таълим олувчиilar томонидан БМК ўзлаштириш даражаси</p>	<p>Уларга эришишнинг мақсад ва натижалари шакллантирилиши.</p> <p>Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари</p>	<p>Ушбу натижаларга эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчиilar харакатларининг тавсифи</p>
<p>I. Ўқувчиликка оид (таниш бўйича харакатланиши)</p>	<p><b>Таълим мақсади:</b> ...тўғрисида тушунчаларни шакллантириш.</p> <p><b>Натижалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• (маълум, таниш нарсани ўзгартиришсиз, умумий тахминларни) тушунтиради, айтади, санаб ўтади;</li> <li>• (ўз сўзларида) қайтариб беради;</li> <li>• ташқи белги ва хусусиятлари бўйича билади, танийди;</li> <li>• (сўзма-сўз) ёзади.</li> </ul> <p><b>Баҳолаш мезони:</b> ахборотни хатосиз кайта тиклади.</p>	<p><b>Таълим берувчи:</b> таълим олувчиilarнинг билимлари ўзлаштиришлари бўйича фаолиятларини ташкиллаштирувчи, ахборот манбаи бўлади.</p> <p><b>Таълим олувчиilar:</b> ахборот - рецептив (қабул қилиш) фаолиятини амалга оширади: эшитади, кузатади, ўқув ахборотини <b>эслаб қолади ва хатосиз кайта тиклади.</b></p>
<p>II. Тартиблиликка оид (алгоритм) (намуна, ўхшашлик бўйича харакатланиш)</p>	<p><b>Таълим мақсади:</b> ...тўғрисида билимларни шакллантириш, назарий билимни ўхшашлик бўйича қўллаш, харакатларни тартиб бўйича бажариш малакаларини шакллантириш, (ривожлантириш, мустаҳкамлаш).</p> <p><b>Натижалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• асосий фикрни ажратади;</li> <li>• баҳо беради, якун ясади, исботлайди, таснифлайди;</li> <li>• тушунтиради, асослайди, умумлаштиради, ишончли далиллар келтиради, солишитиради ва тақослайди, хulosалар чиқаради;</li> <li>• мустақил вазифаларни ечади;</li> <li>• таниш шароитларда (намуна) тайёр кетма-кетлик бўйича харакатларни бажаради: ўлчашларни ўтказади, синайди; текширади, (тизимларни, жиҳоз ва бошқаларни) ташхис қиласди; ечади, йигади; техник топширик, чизмаларни ўқийди; ишлаб чиқариш ишларини бажаради, (жиҳозларни) ишлатади ва бошқалар;</li> <li>• реферат тайёрлайди, тузади ва график, схема, жадвалларни ўқийди.</li> </ul> <p><b>Баҳолаш мезонлари:</b> ўқув фаолият йўлларини билади, бор билимларини</p>	<p><b>Таълим берувчи:</b> таълим олувчиilar фаолиятини ташкиллаштиради.</p> <p><b>Таълим олувчиilar:</b> (намуна) кетма-кетлик бўйича репродуктив (қайта тиклаш) фаолиятини амалга оширади: билимларни онгли ўзлаштиради, уларни мустаҳкам эслаб қолади ва қўллади: ўхшаш ҳолатда <b>харакатларни асос билан намунали ўрганганиллари бўйича таълим берувчи раҳбарлиги остида бажарадилар.</b></p>

	ўзгартиради ва уларни таниш шароитларда қўллайдилар: намуна, ўхшашик бўйича бажаради.	
III. Ижодий фикрловчиликка оид (эвристик) (харакатларни танлаш)	<p><b>Таълим мақсади:</b> шахсий фаолият тартибини ташкил этиш ва шу бўйича мустақил ижодий изланишни олиб бориш ва билимларни излаб топиш, уларни янги ҳолатларда қўллаш малака ва кўнікмаларини шакллантириш</p> <p><b>Натижалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>шахсий фаолиятини режалаштиради ва ташкиллаштиради;</li> <li>керакли ахборотни топади, танлайди, қўллайди ва янгидан ҳосил қиласди;</li> <li>ясади, мураккаблаштиради, соддалаштиради; синайди;</li> <li>билим ва малакаларни янги ҳолатларда таниш ва ностандарт топширикларни, муаммоли ҳолатларни ечиш учун қўллайди;</li> <li>(жихоз ва бошқаларни) ишлатиш бўйича тайёрлов қўлланмасини ўқийди ва шарҳлайди, тушунтириш олиб боради. Чизма ва жадвалларни; (компьютер ва бошқаларни) тизимдаги тўлиқсиз ташкил этувчиларни тўлдиради ва алмаштиради;</li> <li>носозликларни мантиқан изланишини ўтказади, керак бўлса таъмирлайди, тиклади, алмаштиради, созлайди, яъни модификациялайди (турланиши, кўриниши, шаклланиши, ўзгариши).</li> </ul> <p><b>Баҳолаши мезони:</b> янги ҳолатда фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади, янгидан ҳосил бўлган билимлари асосида харакатларни бажаради, шахсий фаолиятини мустақил тузади</p>	<p><b>Таълим берувчи:</b> таълим оловчилар фаолиятини йўналтиради.</p> <p><b>Таълим оловчилар:</b> ижодий фикрловчилик турдаги натижавий ижодий фаолиятни амалга оширади: мустақил тузилган тартиб бўйича мустақил изланиш ва билимларни излаб топишни олиб боради, ўзлаштирилган билимларни излаб топишни олиб боради, ўзлаштирилган билимларни янгидан ҳосил қиласди ва уларни янги ҳолатда қўллайди</p>
IV. Ижодкорликка оид (харакатларни излаш)	<p><b>Таълим мақсади:</b> муаммони мустақил ажратиш ва ечиш қобилияти, тадқиқотчилик ва изланувчанлик фаолиятига тайёргарлик, нотаниш ҳолатларда ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантириш (ривожлантириш)</p> <p><b>Натижалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>муаммони мустақил ажратади ва уни ҳал этиш йўлини топади;</li> <li>тадқиқот обьекти ва предметини топади, тадқиқот фарази ва вазифаларини илгари суради, тажриба ўтказиш режасини тузади, тажриба ўтказади, тажриба натижалари асосида фаразни текширади, тажрибадан олингандарни қўллаш чегарасини аниқлайди</li> </ul> <p><b>Баҳолаши мезони:</b> тадқиқотчилик турдаги мақсадлар фаолиятини амалга оширади, тизимли ёндошиш йўлларига эга, таҳлил қилиш малака ва кўнікмаларни намойиш этади</p>	<p><b>Таълим берувчи:</b> таълим оловчиларга маслаҳат беради</p> <p><b>Таълим оловчилар:</b> тадқиқотчилик турдаги маҳсулдор фаолиятни амалга оширади</p>

### **3. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

#### **3.1. Ўқув фани бўйича таълим технологиясини тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари**

Ўқув фани бўйича таълим технологияси қўйидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқилади:

- иқтисодиёт ОЎЮ да таълимни технологиялаштириш қоидаси;
- фан бўйича ўқув ахборот мақсади, тузилмаси, мазмуни ва ҳажми;
- ДТС томонидан белгиланган, ўқув режасида аниқлаб берилган вақтда ва берилган шароитда таълим бериш мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг концептуал ёндашувлари.

##### **1. Кирши.**

Таълим технологиясининг бу қисмида иқтисодиётнинг бозор тамойиллари кескинлашуви шароитида ва жамиятнинг демократиялашувида таълим беришни технологиялаштиришнинг долзарблиги асосланади, ўқув фани бўйича таълим технологиясининг тузилиши баён этилади ва маъруза, амалий ва семинар машғулотларига лойиҳаланган таълим бериш технологиясига қисқа тавсифлар берилади.

##### **2. Таълим технологиясинги концептуал асослари.**

ТТнинг бу қисмида қўйидагилар ёритилади:

- ўқув фанининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, аудитория соатларининг умумий ҳажми ва ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ уларнинг мавзулар бўйича тақсимоти, иш турлари;
- ўқув фанининг мазмуни, ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ ўқув фанининг мавзу мазмуни баён этилади;
- ўқув машғулотларида таълим технологиясини ишилаб чиқишининг концептуал ҳолатлари - таълим бериш, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг асоси бўладиган, таълим технологиясини лойиҳалаш ва режалаштиришнинг концептуал асослари.

##### **3. Маъруза, амалий ва семинар машғулотларига лойиҳаланган таълим технологияси.**

Ҳар бир таълимий технология таълим технологияси модели, таълимнинг технология харитаси, технология харитасига иловалардан иборат бўлади.

#### **3.2. Ўқув машғулотида таълим технологияси бўйича ўқитиш режасининг тузилиши ва мазмунининг таркиби**

Аниқ фан ва мавзу бўйича машғулотнинг **таълим модели** жадвал кўринишида бўлиб, унда қўйидагилар кўрсатилади:

- дастлабки маълумотлар: ўқув мавзуси, вақти, талабалар сони;

- шакл (маъруза, семинар ва бошқ.) ва қўриниши (масалан, муаммоли маъруза ва бош.), ўқув машғулоти режаси/тузилиши, унинг мақсади, ўқув фаолиятининг кўзланнаётган натижалари, педагогик вазифалари;
- танланган таълим модели: *усуллар, шакллар ва ўқитиши воситалари;*
- *таълим берииш шароити:* маҳсус жиҳозланган, гурухли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;
- *мониторинг ва баҳолашига* асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор-сўров, тест олиш, тақдимот, ўқув топшириқлари ва бошқ.).

**Ўқув машғулотининг технология харитаси** уч қаторни ўз ичига олиб, 1,5-2 варақда жадвал қўринишида бажарилади: (1) ўқув машғулоти босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти; (3) таълим олувчи фаолияти.

**Илова.** Ўқув жараёнининг ташкилий - дидактик вазифасини бажаради: ўқув/мустакил иш учун савол ва топшириқларни, уни баҳолаш мезонларини, ўқув иш жараёнида талабалар амал қилиши лозим бўлган қоидалар, таълим берувчи фойдаланадиган таянч ёзмалар, шунингдек чизма, жадвал, слайдлар ва бошқа кўргазмали материаллар, режалаштирилган мақсадларга эришишни назорат қилиш учун топшириқлар (тестлар, саволлар, топшириқлар ва машқлар).

Бу ерда тақдим этилаётган материаллар чегараланмайди. Фақат улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли чизмаларда расмийлаштирилган бўлиши керак.

### **Ўқув машғулотида таълим технологияси модели Мавзу (рақами) .....(номи).....**

<i>Вақт: ...соат</i>	<i>Талабалар сони: ...</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Маъруза (ахборотли/бирлашган дарс ва бошқ..), семинар (билим ва кўнималарни чуқурлаштириш бўйича), амалий машғулот
<i>Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши</i>	1. ... 2. ...
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i>	Шакллантириш / билим ва кўнималарни чуқурлаштириш
<i>Педагогик вазифалар:</i> ... билан таништириш; ... таснифини бериш; ... тушунтириш; ... очиб бериш ва бошқ.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> ... кўрсатадилар; ... таснифлайдилар; ... айтиб берадилар; ... тартибли равишда очиб берадилар
<i>Таълим усуллари</i>	Маъруза, инсерт, ақлий ҳужум ва бошқ.
<i>Таълим шакли</i>	Фронтал, жамоавий, гурухларда ишлаш
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, техника воситалари ва бошқ.
<i>Таълим берииш шароити</i>	Маҳсус техника воситалари билан жиҳозланган, гурухли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқ. Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқ.

### **3.3. Ўқув машғулотининг технологик харитаси**

**Технологик харитада** таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият (ўқув жараён) и босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустақил ишлашларини назорат қилишга ёрдам беради.

Мавзуй режадан фарқли ўлароқ технологик харитада (1) ўқув машғулотининг босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти билан бирга, таълим олувчининг ҳам фаолияти; (3) таълим беришнинг усул, шакл ва воситалари; (4) таълим мақсадларининг ўқув ютуқлари мониторинги ва баҳолашлари қўрсатилади.

**Технологик хаританинг тузилиши ва мазмунли қўрсаткичлари.**

**1 - босқич (5-10 дақиқагача). Ўқув машғулотига кириш.**

*Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати:*

- Таълим берувчи мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув машғулотининг хусусияти билан (муаммоли маъруза, ўргатувчили ўйин ва бошқ.), мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини, ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.

- Таълим олувчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

**2 - босқич (55-65 дақиқагача). Асосий / маълумот берувчилик.**

*Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати:*

- Таълим берувчи ўқув машғулотининг режасиғ тузилишига мувофиқ тузиб чиққан таълим моделини амалга оширади, қўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаради.

- Таълим олувчилар қўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

**3 - босқич (10-15 дақиқагача). Якуний - натижавий.**

*Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати:*

- Таълим берувчи мавзу бўйича якун ясади, таълим олувчилар эътиборини асосийларга қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қиласди, гуруҳлар, алоҳида талабалар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради; ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

- Таълим олувчилар ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар.

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (дақ.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказади. Машғулот режаси билан танишитиради. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. 1.3. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан танишитиради	Тинглайдилар, ёзиб оладилар.  Аниклаштирадилар, саволлар берадилар.
2-босқич. Асосий (дақ.)	2.1. Тезкор-сўров/ савол-жавоб/ ақлий хужум орқали билимларни фаоллаштиради. 2.2. Маъруза/ семинар/ амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён этади	Жавоб берадилар Ёзадилар. Гурухларда ишлайдилар, тақдимот қиласидилар ва бош.
3-босқич. Якуний (дақ.)	3.1.Мавзу бўйича якунлайди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Гурухлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қиласидилар. 3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказади .	Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар Топшириқни ёзадилар


## 4. ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ ЮТУҚЛАРИ НАЗОРАТИ

**Назорат** – доимӣ текшириш ёки назорат мақсадидаги текширув.

Назорат:

- таълим олувчиларни билим, кўникма, малакаларини (БМК) аниқлаш, ўлчаш ва баҳолашни англатади;
- таълим берувчини таълим олувчилар билан қайтар алоқасини, улар томонидан ўқув материалини ўзлаштириш даражаси тўғрисидаги ҳаққоний маълумотни олиш, шунингдек камчилик ва оралиқларни аниқлашни таъминлайди.

## 4.1. Назоратни бошқарув тизимидағи ўрни ва вазифаси




## 4.2. Тест назорати

Бир қанча назорат турлари бўлган тест назоратини қўриб чиқамиз. Тест топшириқларини тузиш таълим натижаларини ифодалаш билан ўзаро боғлиқликда олиб борилади. Тест топшириқлар сони унга ажратилган назорат тури ва вақтга боғлиқ бўлади.

<i>Назорат тури:</i> Жорий Оралиқ Якуний	<i>Үтказиши вақти (дақықа):</i> 10-15 30-40 1- 1,5 соатгача	<i>Топшириқлар сони:</i> 10-15 25-30 50 ва ундан күп
---	--	---

Мазмун бүйича тест топшириқлари режалаштирилаётган үкүв материалини ўзлаштириш даражасига мос келиши зарур. Б.Л. Фарберман томонидан тавсия этилган бир қатор мисолларда тушунтирамиз.

### Тест топшириқларини ишлаб чиқиши намунаси

<b>Күзланаётган натижа: БМК ўзлаштириш даражаси</b>	<b>Текширувнинг мазмунли кўрсаткичлари</b>	<b>Мисол</b>
I. Ўкувчиликка оид (таниш бүйича ҳаракатланиши)	Эслаб қолиш, таниш ва қайта айтиб бериш билан боғлиқ бўлган билимларни текшириш— <i>таълим оловучи ўқув ахборотини муддат, далил, формула, қоида, қонунлар кўрининшида эслаши ва қайта тиклаши лозим</i>	Доиранинг майдони формуласини кўрсатинг: A. $2\pi R^2$ B. $\frac{\pi R^2}{2}$ C. $\pi R^2$ D. $2\pi R$
II. Тартиблиликка оид (алгоритм) (намуна, ўхшащлик бүйича ҳаракатланиши)	Амалиётда юзаки шаро-итларда билимлар (коида, қонунлар)ни амалий қўл-лаш кўникмаларини тек-шириш: <i>таълим оловучи аввал ўрганган намуна бўйича вазифа/топши-риқни бајарииши керак.</i>	Доира майдонини 2 см радиусли қилиб кўрсатинг: A. 25,12 B. 6,28 C. 12,56
III. Ижодий фикрловчиликка оид (эвристик) (харакатларни танлаш)	Мустақил ишлаб чиқилган иш тартиби: мантиқан тузилган, асосланган ўзаро боғлиқ бўлган тўғри хulosса чиқариш орқали бир хил бўлмаган топшириқларни ечиш учун ўзлаштирилган билимларни ўзгартира олиш кўникмаларини текшириш таълим оловчилар берилган топшириқ ва уни ечиш учун маълум бўлган қоидалар асосида мустақил иш тартибини тузиши керак	Ташки доира майдонини ички дора майдонига нисбатини кўрсатинг: $R = 4; r = 2$ . A. 3:1 B. 4:1 C. 6:1 D. 8:1
IV. Ижодкорликка оид (харакатларни излаш)	Топшириқни ечиш бир маъноли тўғри жавобни назарда тутгани сабабли, ушбу даражада тест назорати ўтказилмайди	

Биринчи топшириқни ечиш учун доира майдони формуласини күрсатинг, таклиф этилган 4 тадан тұғри жавобни күрсатиши. У билимларни I даражага мос келишини текширишга мүлжалланган. Бу паст даража, лекин үқув материалини үзлаштиришда мұхим даража ҳисобланади. Негаки, таълим бериш күпгина маълумотларни: вақт, омиллар, қоида ва бошқаларни эслаб қолиши мұхимлиги билан боғлиқ.

Бирок бу тест бүйіча юқори натижани, маълумотни тушунмасдан ёд олғанлар ҳам күрсатиши мүмкін. Шу боис, назорат тестлари таркибіда күникмаларни текширувчи топшириқлар ҳам бўлиши керак. Бу тест топшириқлари II дараждадаги үзлаштиришни текширишга мүлжалланган (2-мисол).

Ушбу тест топшириғини ечиш 4 ишни бажаришдан иборат:

1. Доира майдони формуласи  $S = \pi R^2$  ни эслаш.
2. Сон қиймати  $\pi = 3,14$  ни эслаш.
3. Радиус узунлиги квадратта  $2^2 = 4$  ни ошириш.
4. Доира майдони  $S = 12,56$  ни ҳисоблаш.

Тест таркибига III дараждадаги үзлаштиришни текшириш учун топшириқ киритиш тавсия этилади: таълим олувчилар қобилияти үзлаштирилган билимларни одатдагидан бошқача бўлган вазифаларни мустақил тузилган йўл бўйича мустақил қўллаш (3-мисол).

Берилган топшириқни турли йўллар билан ечиш мүмкін, яъни қуйидаги 6 ҳаракатни бажариш орқали:

1. Икки доира майдони муносабатлари (радиуслар квадрати) тўғрисидаги теоремани эслаш.
2. Ташқи доира радиуси квадратини ҳисоблаш:  $R^2 = 4^2 = 16$ .
3. Ички доира радиуси квадратини ҳисоблаш:  $r^2 = 2^2 = 4$ .
4. Катта доира майдони муносабатидан кичик доира майдонини айриш:  $16 - 4 = 12$ .
5. Ташқи майдонни ички майдонга муносабатини тузиш:  $12 : 4 = 3 : 1$ .
6. Олган муносабатни таклиф этилган жавоблар билан таққослаш ва тўғри жавоб (А)ни аниқлаш.

Шуни ажратиб күрсатиш лозимки, кўриб чиқилган намуналардаги тест топшириқлари фақат үзлаштирилган бир үқув бўлагини, яъни  $\pi R^2$  дан фойдаланиб доира майдонини ҳисоблаб топишни назорат қиласди. Бирок таълим олувчилар топшириқни ечиш жараёнида бир қатор изчилликдаги ҳаракатларни, яъни, эслаш-намуна бўйича ҳаракатларни бажариш маълум бўлган қоидалардан берилган топшириқ ва уни ечиш учун ҳаракат тартибини ишлаб чиқиши бажаришлари керак. Бу таълим олувчиларнинг машқи учун (баъзи ҳолларда баҳо қўймасдан, фақат үқув намуналариdek), биргина үқув материали бўйича үзлаштириш даражасини изчил оширишни таъминловчи тест топшириқларидан фойдаланиш имконини беради.

### 4.3. Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштириш тестларини ишлаб чиқиш ( В. Беспалъко бўйича)

<b>Тест мақсади</b>	<b>Тестлар тоифаси ва турлари</b>	<b>Хусусиятлари</b>	<b>Жавоблар</b>	<b>Тест топшириқларини ифодалаш намуналари</b>
Талабалар аввал ўрганган материални танишини текшириш (ўзлаштириш нинг I даражаси)	Таниб олишликка оид топшириқ	Бир вақтни ўзида (айтиб бериш учун) <i>топшириқ ва жавобдан</i> иборат бўлади	“Ҳа” “Йўқ”	... ҳисобланадими?
	Ажратиб олишликка оид топшириқ	<i>Савол ҳамда танлаш</i> учун жавоб <i>вариантларидан</i> иборат бўлади	1. 2. 3. 4.	...шулардан қайси бири... тўғрилигини кўрсатинг
	Таснифлашликка оид топшириқ	Мос қисмларни таққослаш топшириқларидан иборат бўлади	1-(Г) 2-(Б) 3-(А) 4-(В)	Мосликларни кўрсатинг (уларнинг тушунчаси ва белгиланиши)
Ташқи айтиб беришларсиз эсда қолганлар бўйича ўзлаштирилган маълумотларни қайта айтиб бериш ва шулар асосида намунавий топшириқлар ечиш кўникмаларини текшириш (ўзлаштириш нинг II даражаси)	Кўшимчалар қўйиладиган тестлар	Хоҳлаган шаклда: оғзаки, белгили, чизмаларда тақдим этилган фикрларни тўлдириш талаб этилади	Йўқ	... (формулани) тўлдиринг, (етишмаётган элементни)... кўрсатинг
	Тузилишлик(конс трукторлик)ка оид тестлар	Эсда қолганларни айтиб беришларсиз қайта такорор тиклашни талаб этади	Йўқ	Бу “(тушунча / ифодалаш кўрсатилади) нима?”... Чизма чизинг ... Учун формулани ёзинг
	Намунавий топшириқлар	Маълум бўлган қоидаларни қайта тиклаш ва уни изланаётган натижа учун қўллаш талаб этилади	1. 2. 3. 4.	Намунавий топшириқ
Ижодий фикрлаш кўникмаларини текшириш (ўзлаштириш нинг III даражаси)	Нооддий топшириқлар	Намунавий тартиб остидаги топшириқларни охирига етказиша, қўшимча маълумотларни қидириш учун, дастлабки шароитларни ўзгартириш талаб этади	1. 2. 3. 4.	Нооддий топшириқлар

### I. Режа

1. Усулнинг таълим бериш технологиясидаги ўрни ва вазифаси.
2. Таълим усуллари ва техникаларининг хусусиятлари.
3. Таълим усулларини танлаш.

### II. Асосий тоифа ва тушунчалар

Таълим усуллари, фаол усул, интерфаол усул, ақлий ҳужум усули, Инсерт, Пинборд техникаси, амалий вазиятларни ўргатувчи усул (Case – stadi), лойиҳалар усули, муаммоли вазиятлар усули, ишбилиармон ва рол (холат)ли ўйинлар, мунозара, сұхбат, амалий иш, машқ, тажриба усули, китоб билан ишлаш, кўриш усули, кўрсатиш, намойиш, йўриқнома бериш, хикоя, тушунтириш, маъруза

### III. Мавзуни ва алоҳида саволларни ўрганиш учун фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати

1. Бекмуродов А.Ш., Голиш Л.В., Пулатов М.Э., Хажиева К.Н. Проектная технология обучения в вузе: Методическое пособие. - Т.: ТГЭУ, 2009.
2. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие. //Под общ. ред. акад. С.С.Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
3. Дженни Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл. Обучение сообща: чтение и письмо для развития критического мышления. Учебная программа.- Бишкек: Фонд Сороса, 1999.
4. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. -Т.: Ўқитувчи, 2004.
5. Методы эффективного обучения взрослых //Учебно-методическое пособие. -М.: ИПК госслужащих, 1998.
6. Новые педагогические информационные технологии в системе образования: Учебное пособие. – М.: Академия, 2000.
7. Подласый М.Л. Педагогика. Новый курс. Учебник для студентов пед. вузов: В 2 кн. к.1: Общие основы процесса обучения.- М.: ВЛАДОС, 1999.
- 8.Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. - Т.: РТМ, 2000.
9. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. и др. Инструменты развития критического мышления. - Т.: Минвуз, 2002.
10. Харламов И.Д. Педагогика: Учебное пособие. 2-е изд.- М.: Высшая школа, 1990.

11. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-стади – иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологиялари: Илмий-услубий қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2009.
- 12.Хожиева К.Н., Иқтисодий олий ўқув юртидаги таълимнинг лойиҳали технологияси.: Илмий-услубий қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2009.
13. Шадмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории: Методическое пособие. - Т.: Центр “Янги аср авлоди”, 2004.
14. Шадмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д., Халикова Г.М. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. - Т.: ФАН, 2002.

#### **IV. Ўз-ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. “Таълим бериш усули” тушунчаси таърифини беринг.
2. Усулнинг таълим бериш технологиясидаги ўрни ва вазифасини айтиб беринг.
3. Таълим бериш групхлари ўртасидаги фарқлар тўғрисида гапириб беринг.
4. Таълим бериш усулларини аниқловчи, омилларни айтиб беринг.
5. Таълим бериш усуллари талабаларга ўқув ахборотини ўзлаштириш натижаларига таъсир этади деган тасдиқлашга ўз мулоҳазангизни беринг.
6. Биринчи групх усуллари: ҳикоя, тушунтириш, маъруза қилиш усули, кўрсатиш, намойиш, йўриқнома усулларини таълим бериш технологиясидаги ўрнини тушунтириб беринг.
7. Иккинчи групх усуллари: амалий иш, машқ, тажриба усули, китоб билан ишлаш усулларини таълим бериш технологиясидаги ўрнини тушунтириб беринг.
8. Учинчи групх усуллари: муаммоли вазиятлар усули, ишбилармон ва ролли (холатли) ўйинлар, мунозара, сұхбат усулларини таълим бериш технологиясидаги ўрнини тушунтириб беринг.
9. Тўртинчи групх усуллари: амалий вазиятларни ўргатувчи усул (Case-stadi), лойиҳалар усулини
10. Фаол таълим усуллари: ақлий ҳужум усули, инсерт, пинборд техникаларини таълим бериш технологиясидаги ўрнини тушунтириб беринг.

#### **1.УСУЛНИНГ ТАЪЛИМ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА ВАЗИФАСИ**

**Метод (усул)** - юононча сўздан олинган бўлиб, “Metodos”- бирор нарсага йўл маъносини англатади

**Таълим бериши усули** - белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли

Таълим бериш усули, таълимий мақсадни амалга ошириш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчи билан ҳамкорлик фаолиятининг мураккаб жараёнининг асоси ҳисобланади. Усуллар: ушбу таълим бериш давридан чиққанда таълим олувчи билиши, удаллаши ва қадрлаши лозим бўлган кўзланаётган натижаларга эришишни таъминлайди.

Усулларни танлашнинг **асосий қоидаси** → турлича эмас таълим бериш мақсадига мос келиши

Усулларга қўйиладган **асосий талаб** → натижа берадиган, фақат биттасини қўллаш.

Усулнинг асосий натижавийлигининг мезони → белгиланган вазифани ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва тежамкорлиги.

Таълим технологиясини лойиҳалашда усулни онгли танлаш, ҳар бирининг имкониятларини кўра билиш керак

Усулни танлаб, ўқитувчи ўзига савол беришни бошлайди:

→ Усулни қўллашдан сўнг натижалар қайси соҳаларда: Билимлар соҳасидами? Кўникмалардами? Малакалардами? Ёки кўрсатмада кўп бўлади.

→ Кейинги савол таълим беришнинг бажариладаган ишлар тартибига тааллуқли: “Талабаларнинг фаоллиги (ташаббус) қандай бўлиши керак?”

### **Таълим усулларининг натижавийлигини қайси мезонлар аниқлайди?**

*Яхши ёки ёмон усуллар мавжуд эмас. Усулнинг натижавийлигини бажарилган ёки бажарилмаган вазифа бўйича хулоса чиқариши мумкин.*

Қандай қилиб кенг тарқалган усуллар, жумладан ақлий ҳужум ёки гурухли мунозара натижавийлигини ўқув машғулотида ечиладиган топшириқлар билан боғлиқсиз, ёки аниқ амалий вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш (кейс-стади) усулининг натижавийлигини, ушбу усул қўлланилаётган ўқув машғулотининг мақсад ва вазифаларидан узилишда олдиндан баҳолаш мумкин.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, усулнинг **асосий натижавийлик мезонлари** қуйидагилар:

- белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва иқтисодийлиги;
- уни қўллашда соддаллик ва осонлик;
- нафақат энг яхши натижаларни таъминлаши, балки уларга эришишнинг юқори ишончлилигини таъминлай олиши.

**Фаол таълим бериш усули** - таълим олувчиларнинг билим фаолиятларини рағбатлантирувчи усулдир. У ёки бошқа муаммони ечиш тўғрисидаги фикрларни эркин алмашинувини назарда тутувчи сухбат асосида қурилади

Энг кўп тарқалган ва хусусиятга эга бўлган таълим усуллари қуидагилар ҳисобланади: *сұхбат, баҳс, ўйин, кейс-стади, лойиҳалар усули, муаммоли усул, ақлий ҳужум* ва бошқалар ҳисобланади

**Интерфаол (Interactive)** - сұхбатли.

**Интерфаол** таълим бериш - сұхбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим оловучи, таълим оловучи ва компьютернинг ўзаро ҳаракати амалга оширилади

Интерфаоллик таълим бериш соҳасида умуман янги ҳодиса, бунга биноан таълим берувчи:

- ўқитувчи, бошқа талабалар, маъмурият билан фақат шахсий учрашув йўли билан эмас, балки таълим жараёнининг барча субъектлари билан фаол ўзаро ҳаракат қилиши мумкин;
- мультимедиали обьектларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг мазмуни, шакли, ўлчови ва рангини ўзгарувчан бошқариш, уларни ҳар томондан кўриб чиқиш, шунга ўхшаш бошқа ҳаракатларни бажаришни, энг кўп кўргазмаликка эришишда тўхтатиш ва хоҳлаган жойида яна ишга тушириши мумкин.

Интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади.

Педагогикада таълим усулларини таснифлаш (тартиблаштириш, бир гурухга бирлаштириш)га турли ёндашишлар юзага келди. Улар тизимлаштиришни турли асосларида тузилган.

Таълим усулларини таълимий мақсадларга эришиш бўйича таълим берувчи (ўргатиш) ва таълим оловчини (ўрганиш) ҳамкорий фаолиятини йўли сифатида кўрсатиш улар хусусияти ва ўкув фаолияти натижалари бўйича қуидагича гурухлаштириш имконини беради:

1-гурух: тайёр ўзлаштирувчилик ўкув фаолияти ва таълим оловчиларга билимларни 1-даражада ўзлаштиришни таъминловчи усуллар;


2-гурух: эсда қолганларни тасвиrlовчи ўкув фаолияти ва таълим оловчиларга билим ва кўникмаларни 2-даражада ўзлаштиришни таъминловчи усуллар;

3-гурух: муҳокама қилувчи, қисман-изланувчилик ўкув фаолияти ва таълим оловчиларга билим ва кўникмаларни 3-даражада ўзлаштиришни таъминловчи усуллар;

4-гурух: мустақил изланувчилик фаолияти ҳамда 4-даражада билимларни ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар.

## Таълим усулларини таснифлаш

(таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳамкорий фаолиятини ташкиллаштириш йўли ва ўқув фаолияти натижалари асосида)



## **2. ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИ ВА ТЕХНИКАЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **2.1. Биринчи гурух таълим усуллари**

*Биринчи гурух таълим усуллари: тайёр ўзлаштирувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билимларни 1- даражада ўзлаштиришини таъминловчи усуллар.*

#### **МАЪРУЗА**

**Маъруза** – давомли вақт ичида ўқитувчи томонидан катта ҳажмдаги ўқув материалининг монологик баён қилиши

Усулнинг асосий *вазифаси* - таълим бериш. *Белгилари*: қатъий тузилма, оғзаки-мантиқий баён қилиш, берилаётган ахборотнинг кўплиги.

Маърузалар муҳим лаҳзаларини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкиллаштириш усулининг самарадорлик шартлари қўйидагилардан иборат:

- ✓ маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- ✓ таълим олувчиларга маъруза мавзусининг мақсади, вазифалари ва режани эшиттириш;
- ✓ ҳар бир режани ёритгандан сўнг қисқа умумлаштирувчи хulosаларни шакллантириш;
- ✓ маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтганда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- ✓ ёзиб олиш учун зарур жойларни ажратиб кўрсатиш (айтиб туриш);
- ✓ унинг алоҳида ҳолатлари батафсил кўриб чиқиладиган семинар, амалий машғулотлар билан маърузанинг тўғри келиши.

#### **ҲИКОЯ, ТУШУНТИРИШ**

**Ҳикоя** - ҳодиса, воқеа, ҳақиқат тўғрисида ўқитувчининг монологик хабар бериши одатда у назарий ҳолатларни аниқлаштириш, ўрганаётган материалга қизикишни уйғотиши учун кўлланилади.

Ҳикоя қилишга асосий талаб-материални ҳиссий етказиб бериш, санъаткорона, таъсиручан баён қилиш.

**Тушунтириши** – баён қилинаётган материалнинг турли ҳолатларини хона доскасига ёзиб тушунтириш, таҳлил қилиш, изоҳ бериш ва исботлаш орқали ўқув материалини баён қилиш

#### **ЙЎРИҚНОМА БЕРИШ**

**Йўриқнома бериш** – касбий тайёргарликда кенг фойдаланиладиган мустақил усул бўлиб, у талабаларга аниқ ҳаракатларнинг вазифаларини, уларни амалга ошириш йўлларини, амалий топшириқларни ечиш талабларини, кўнукмалардан иборат ҳаракатлар тартибини, маълум турга хос бўлган вазиятлар тавсифи ва уларни амалиётда қўллашни тушунтириш

Ўқув жараёнидаги ўрнига кўра йўриқнома бериш уч турда бўлади:

- 1) кириш ёки йўл-йўриқ бериш;
- 2) жорий;
- 3) якуний.

*Кириш йўриқномасини бериши қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:*

- талабаларга бажариладиган иш мазмуни, педагогик ўзаро ҳаракатнинг усул, восита ва шаклларини, техник ҳужжатлар ва якуний натижага, меҳнат маҳсулига бўлган талабларни етказиши;
- иш бажариш қоидаси ва изчилиги, алоҳида ҳаракатлар, усулларни тушунтириши;
- қийинчиликлар, хатоликлар, меҳнат хавфсизлиги тўғрисида огоҳлантириши.

*Жорий йўриқнома бериши қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:*

- ишни бажаришга қийналаётган талабалар ишини тўғрилаш;
- ҳар бир талаба ишини кузатиш;
- иш турларини бажариш ва иш натижалари вақтидаги мустақилликни ўрнатиш.

*Якуний йўриқнома бериши қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:*

- жамоавий ва гуруҳли меҳнат натижаларини баҳолаш;
- ўқув – билиш фаолиятнинг мустақиллик даражаси;
- меҳнат ҳаракатларини бажаришдаги алоҳида камчиликларни аниқлаш;
- касбий муҳим сифатлар, қўникма, ўзини тутишнинг одоб–аҳлоқий меъёрларини шаклланганлиги;
- баҳолар билан таништириши.

Йўриқнома бериш шаклига кўра оғзаки, ёзма, кўргазмали ва аралаш бўлиши мумкин. Ёзма йўриқнома беришда энг катта самарага эришиш мумкин бўлиб, бунда турли йўриқномали, ишлаб чиқаришли, ўқув–ишлаб чиқаришли ва ўқув–услубий ҳужжатлардан (йўриқномали, технологик, йўриқномавий–технологик ва ҳаракатлар харитаси, ишлар тартиби, қоидаси) фойдаланилади.

*Технологик ва йўриқномавий–технологик хариталар* ўқув–ишлаб чиқаришли ишларни бажаришда қўлланилади. Улар технологик изчиликтан ташқари, технологик талаф, тартиб, умумий ишларни бажариш воситалари, ишларни бажариш қоидасининг йўриқномали баёнидан иборат бўлади.

*Ҳаракатлар харитаси ва ишлар тартибидан* ёзма йўриқнома бериш: хизмат кўрсатиш, носозликларни ташхислаш, мураккаб жиҳозларни созлашни ўргатишда фойдаланилади. Улар ишлаб чиқариш фаолиятида бажариладиган турли ишлаб чиқаришли кўрсатма ва қоидаларни ўз ичига олади. Иш ўрнида ҳар бир талабани ёзма йўриқномадан фойдаланиши энг самарали ҳисобланади.

## **НАМОЙИШ**

**Намойиш** - таълим олувчиларни обьект ва ҳодисалар, жараёнларни уларнинг табиий кўринишда кўргазмали-ҳиссий таништириши

Бу усулнинг етакчи вазифаси ўқитиш ҳисобланади. Биз намойишдан ўрганилаётган ҳодисалар, ўзгарувчанликни очиб бериш учунгина фойдаланамиз, шу билан бирга бу усул таълим олувчиларни нарсаларни ташки кўриниши билан унинг ички тузилиши ёки ўхшаш нарсалар қаторида тутган ўрни билан танишиш учун хизмат қилиши мумкин.

Намойишни кўриб чиқилаётган объектни ёзув тахтасида схемали расм чизиш ёки кўрсатиш, чизмаларни чизиб олиб бориш мумкин, бу намойиш этилаётган объект асосидаги тамойилларни тушунишни енгиллаштиради.

Намойиш усулининг таълимий вазифаси самарадорлиги қуйидагиларни бажара олишни таъминлайди:

- объектларни тўғри танлаш;
- таълим олувчилар эътиборини намойиш қилаётган ҳодисанинг муҳим томонларига йўналтириш;
- таълим олувчилар намойиш қилинаётган объектни яхши кўришлари ва имкон бўйича на фақат кўз, балки барча сезиш аъзолари билан қабул қилиш;
- таълим олувчилар эътиборини имкони борича ўрганилаётган объектнинг муҳим томонларига жалб этиш;
- таълим олувчиларга ўрганилаётган объект сифатларини мустақил баҳолаш.

## **КЎРСАТИШ**

**Кўрсатиш** нарса, жараён ва ҳодисаларни уларни тасвирий кўринишда кўрсатиш ва қабул қилишни кўзлади

Бу усулнинг асосий вазифаси - ўргатиш. Кўрсатишнинг воситаларига схемалар, жадваллар, расмлар, суръатлар, альбомлар, хариталар, яssi моделлар хизмат қиласди.

## **ВИДЕОУСУЛ**

Кўриш усули ахборотни кўпроқ кўргазмали кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениялар, шунингдек ахборотни дисплей билан акс эттирувчи компьютерлар бўйича қабул қилишга асосланади

### **2.2. Иккинчи гуруҳ таълим усуллари**

*Иккинчи гуруҳ амалий таълим усуллари: эсда қолганларни тасвирловчи ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 2-даражада ўзлаштиришини таъминловчи, усуллар*

## **КИТОБ БИЛАН ИШЛАШ**

**Китоб билан ишлаш** усули: таълим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш ва қизиқтириш вазифаларини бажаради

Таълим олувчилик китоб билан ишлашлари мумкин:

- ўқув машғулотида сизнинг раҳбарлигингиз остида;
- уйда мустақил.

Уйда китоб билан ишлаш вазифасини ўқувчилар олдига қўйишдан аввал китоб билан мустақил ишлаш усулларига эга эканликларига ишонч ҳосил қилинг:

- унинг тузилиши билан танишиш;
- кўз югуртириб чиқиш;
- алоҳида бобларни ўқиш;
- саволларга жавоб қидириш;
- реферат ёзиш;
- таянч конспектлар тузиш;
- мантиқий тузилмавий чизмаларни тузиш;
- мисол ва топшириқларни ечиш, машқларни бажариш;
- назорат тестларини бажариш;
- материални хотираада сақлаш.

Агарда иш ўқув машғулотида олиб борилса, унда китоб бўйича ўрганадиган материални биз алоҳида қисмларга бўламиз ва уларни назорат қиласиз.

## **ЛАБОРАТОРИЯ УСУЛИ**

**Лаборатория усули** - бу шундай усулки, бунда таълим олувчилик таълим берувчи раҳбарлиги остида ва олдиндан тайёрланган режа бўйича тажрибалар ўтказадилар ёки амалий топшириқларни бажарадилар, шу жараёнда янги билимларни қабул қиласидилар ва англаб етадилар

Усулнинг асосий вазифалари - ўргатиш ва ривожлантириш. Бу усул таълим олувчиликка қўйидаги имкониятларни таъминлайди:

- жиҳоз билан ишлаш малака ва кўникмаларини эгаллаш;
- маълум бўлганларни текшириш ва мустақил тадқиқот йўлларини танлаш;
- амалий малакалаларни эгаллаш: ўлчаш ва хисоблаш; натижаларни қайта ишлаш ва аввалгилари билан солишириш.

Лаборатория усули мураккабдир. У маҳсус, қимматли жиҳозларнинг бўлиши, нафакат сизни, балки таълим олувчиликнинг ҳам пухта тайёргарлигини талаб этади. Ундан фойдаланиш куч ва вақтни сарфлаш билан боғлиқ. Шунинг учун, тажриба усулини режалаштираётганда, мустақил тадқиқотнинг таълим самарадорлигини оширишга ишонч ҳосил

қилиш зарур, чунки бунга бошқа соддароқ, тежамлироқ усуллар билан эришиш мумкин.

## **МАШК**

Ўрганилаётган материални амалиётда кўллаш мақсади билан муентазам ташкиллаштирилган кўп такрорланувчан ҳаракат

Усулнинг асосий вазифаси - таълимий ва ривожлантирувчи.

Машкнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- маҳсус;
- шарҳлашга оид;
- ёзма;
- оғзаки;
- ишлаб чиқариш.

### **2.3. Учинчи гуруҳ таълим усуллари**

*Учинчи гуруҳ таълим усуллари: муҳокама қилувчи, қисман-изланувчилик ўқув фаолияти ва таълим оловчиларга билим ва кўникмаларни 3-даражада ўзлаштиришини таъминловчи, усуллар.*

## **СУҲБАТ**

Суҳбат – диалогли (юононча: *dialogos* - икки ёки бир неча инсонлар орасидаги сўзлашув), таълим бериш ва ўрганишнинг савол–жавобли йўли

Усулнинг етакчи вазифаси - қизиқтириш: мақсадга йўналтирилган ва моҳирона қўйилган саволлар ёрдамида таълим оловчиларда берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини эслаш ва баён қилишга ҳаракат қилинади, ўқитувчи раҳбарлигига бошқа таълим оловчилар билан муҳокама қилинади. Таълим оловчилар ўқитувчи билан бирга қадамма-қадам мустақил фикрлаш, якунлаш, холосалаш ва умумлаштириш йўли билан янги билимларни англайдилар ва ўзлаштирадилар.

Суҳбатнинг афзаллиги яна шундаки, у таълим оловчилар фикрлашини фаоллаштиради ва билим кучини ривожланишига ёрдам беради.

Суҳбатлар вазифасига кўра қўйидагиларга бўлинади:

- кириш ёки ташкиллаштирувчи (дидактик вазифаси: таълим оловчиларни машғулотдаги ишга тайёрлаш);
- янги билимларни етказиш (дидактик вазифаси: таълим оловчиларни янги материал билан таништириш);
- синтезловчи ёки мустаҳкамловчи (дидактик вазифаси: таълим оловчилар билимларини тизимлаштириш, “мустаҳкамлаш”, эслаб қолиши ва фикрлаши).

Суҳбатлар ташкилий шакли бўйича ўқув ва “давра суҳбатига” бўлинади.

“Давра сұхбати” ўқув сұхбатидан әркін ҳолатда иштирокчилар жойлашиш тартиби ва асосийсі, улар фикрини навбат билдириши билан фарқланади.

Әңг муҳими саволларни түғри шакллантириш ва бериш. Улар үзаро мантиқий боғлиқликка эга бўлиши керак, ўрганилаётган савол моҳиятини очиб бериши, тизимда билимларни ўзлаштиришга ёрдам бериши керак. Саволлар мазмуні ва шаклига кўра таълим олувчиларнинг ривожланиш даражасига мос келиши лозим.

*Эсда тутинг:* осон саволлар фаол билиш фаолиятини рағбатлантирумайди, жиддий муносабат эса билишга рағбатлантиради.

### **Сұхбатнинг технологик харитаси**

Иш босқичлари ва мазмуні	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Тайёргарлик	Сұхбатнинг мавзуси, унинг мақсади, вазифа ва натижаларини аниқлади, асосий ва ёрдамчи саволларни шакллантиради, уни ташкиллаштириш ва олиб боришини ўйлаб чиқади: саволларни бериш тартиби, қандай боғлиқ ҳолатлар бўйича умумлаштириш ва хуносалар қилиш лозимлиги ва бошқ.	
2-босқич. Сұхбатга кириш	Қисқа шаклда ўқув сұхбатининг мавзуси, унинг вазифаларини эшиттиради, ушбу мавзу бўйича эга бўлган билим ва малакаларни эслатади. Сұхбат давомида таълим олувчиларнинг алоҳида мулоҳазаларини умумлаштиради. Сұхбатда ҳамма таълим олувчилар фаол иштирок этишларига ҳаракат қиласи.	
3-босқич. Сұхбат	Түғри жавобларни маъқуллайди, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаганларни шарҳлайди, аниқлади. Нотўғри жавоб берган таълим олувчининг ўзига хатосини топишни таклиф қиласи. Агар у буни қила олмаса, бошқа таълим олувчиларни ёрдамга чақиради	Саволларни диққат билан тинглайдилар, жавоб берадилар, ўзгалар жавобларини таҳлил қиласи, ўзларининг шахсий мулоҳазарини айтадилар
4-босқич. Хуноса	Усуллардан бирини танлаб, сұхбат натижаларини умумлаштиради: ўзи якун ясайди; йўналтирувчи саволлар ёрдамида сұхбат натижаларини “йигади”	
5-босқич. Якунлаш	Якун ясайди: таълим олувчиларнинг фаолиятини таҳлил қиласи ва баҳолайди	Ўз-ўзларини баҳолайдилар

### **БАҲС (мунозара)**

**Баҳс (мунозара)** - аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама шаклидаги таълим беришнинг фаол усули. Мунозара усули ҳамма вазифаларни бажаради

Бу усулдан қуидаги мақсадларда фойдаланилади:

- ✓ янги билимларни шакллантиришда;
- ✓ таълим олувчилар у ёки бу саволларни чукур ўйлаб қўриш, уларнинг моҳиятига киришни таъминлашда;
- ✓ таълим олувчиларни далил ва далилларга асосланган хulosалар орасидаги фарқни тушуниб етишга ўргатишида;
- ✓ ўзаро фикр алмашинув кўникмаларни шакллантиришда;
- ✓ таълим олувчиларга шахсий фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишига ёрдам бериш.

*Мунозара эркин бўлади, қачонки, у эркин ривожланса, бошқарувчан бўлиши мумкин. У фақат ўзлаштириш лозим бўлган мавзу ва саволларга тааллуқли бўлиши керак.*

### Маъruzada бошқариладиган мунозаранинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва мазмуни	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-bosqich. Тайёргарлик	Мунозара мавзуси, унинг мақсади, вазифа ва натижаларини аниқлайди, натижаларни шакллантиради; “Мунозара иштирокчисига эслатма” плакат/слайдни расмийлаштиради; мунозарани керакли маромда ушлаб турадиган саволлар ва оралиқ хulosаларни тайёрлайди; уни ўтказиш тартиби ва ташкиллаштириши лойиҳалайди: мунозарани қандай ва нимадан бошлаш; унда барча таълим олувчилар иштирокини қандай таъминлаш; мунозарани қандай якунлаш ва охирги хulosаларни аниқ шакллантириш	
2-bosqich. Кириш	Мавзуни эълон қиласи, унинг тузилишини баён қиласи, ўзининг мулоҳазаларини билдиради ва таълим олувчиларга ўзларининг фикрларини баён қилишни таклиф этади. Мунозара бошланишини қизиқтириш учун, тайёрлаб қўйилган бир неча саволларни беради	
3-bosqich. Асосий қисм	Мунозарани қизиқтиради, иштирокчиларни қоидани бажаришларини таъминлайди	Таклифлар киритадилар, муҳокама қиласидилар
4-bosqich. Якуний-таҳлилий	Мунозара сўнггида қисқача ва баҳосиз боғлиқли саволларни ажратади ва тузилмага солади, хulosалайди	Тинглайдилар, баҳолар билан танишадилар

## Семинар - мунозаранинг технологик харитаси

Иш босқич-лари ва мазмуни	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Тайёргарлик.	Семинар мавзуси, унинг мақсади, вазифа ва натижаларини аниқлайди; таълим олувчилар мунозарада эришиши мумкин бўлган, натижларни шакллантиради; мунозарада муҳокама қилиш муҳим бўлган муаммони ажратадилар, маъruzachi ва иштирокчи учун асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатини шакллантиради. 1) семинар олиб борувчиси, 2) эътиrozчи ва тақризчilarни, 3) мантиқчи, 4) руҳшунос, 5) экспертларни белгилайди ва уларга тайёргарликда ёрдам беради. Мунозара ўтказиш тартиби ва ташкиллаштиришни дастурлаштиради	Семинар бошловчиси таълим олувчилардан бирига семинар мавзуси бўйича маъруза килишни топширади
2-босқич. Кириш	Семинар мавзусини эълон қиласи, семинар олиб борувчини таништиради	Олиб борувчи маъruzachi, эътиrozчи, тақризчи, мантиқчи, руҳшунос ва экспертларни таништиради
3-босқич. Асосий қисм	Саволлар беради, алоҳида билдиришлар қиласи, маърузанинг асосий ҳолатини аниқлайди, фикрлашдаги қарама-қаршиликларни чеклади. Гапирилаётган фикрларда эркинлик ва қизиқувчанликни намоён қиласи, муаммонинг ишончли баёнини ишлатади	Маърузадан сўнг олиб борувчи эътиrozчи ва тақризчilarга сўз беради. Иштирокчilarни “Мунозара иштирокчilari эслатмаси” билан таништиради ва мунозара бошланишини эълон қиласи
4-босқич. Якуний-таҳлилий	Мунозара юзасидан қисқа ва баҳосиз боғлиқли саволларни ажратади ва тузилмага келтиради. Якуний хуласаларни шакллантиради. Иштирокчilarга баҳо беради	Олиб борувчи эътиrozчи, тақризчи, мантиқчи, руҳшуносга сўз беради

### Мунозара иштирокчisi учун эслатма:

- Мунозара муносабатларни аниқлаш эмас, муаммонинг ечиш усули бўлади.
  - Бошқаларга ҳам гапириш имконини бериш учун жуда узоқ гапирманг.
  - Сенинг ақлли фикрларинг мақсадга эришиш учун, сўзларни ўлчаб кўр, уларни ўйлаб гапир, ҳис-ҳаяжонларни назорат қил.
  - Эътиrozчи йўлини тушунишга ҳаракат қил, унга ҳурмат билан ёндаш.
  - Фақат мунозара бўйича гапир, ўзингни ўқимишлилигинг ва умумий билимидонлигинг билан ғурурланма.
  - Эътиrozчи айтган фикрларни бузмасдан ва ажабланмасдан рад эт.
- Кимнингдир кўнглини олиш ёки ўзининг чиқиши билан ўтказиб қўймок васвасаси билан кураш.

## **Семинар - мунозаранинг вазифали воситаси**

**Олиб борувчи** - таълим берувчининг барча мажбуриятларини олади, муҳокама боришига раҳбарлик қиласи, исботларни шарҳлаши ёки тушунча ва атамларни аниқ ишлатишни, муомалани тӯғрилашни қайтаради.

**Эътиrozчи/ Тақризчи** тадқиқотчилар мухитида қабул қилинган олқишилаш муолажасини келтириб чиқаради.

**Мантиқчи** - маърузачи ёки эътиrozчи фикрлашидаги қарама-каршилик ва мантиқий хатоларни ажратади, тушунчалардаги маъноларни аниқлайди, исбот ёки қайтариш йўлини, фаразни харакатланиш равонлигини таҳлил қиласи.

**Руҳшунос** - натижавий муомалани ташкиллаштиришга ва ўзаро ҳаракатга жавоб беради, ҳамкорликдаги ҳаракатларнинг келишганлигига ҳаракат қиласи, мунозарани зиддиятларга айланишига йўл қўймайди.

**Эксперт** - барча мунозаранинг натижавийлигини, илгари сурган фараз ва таклифларнинг тӯғрилигини, қилинган хulosаларни баҳолайди, мунозара га хисса қўшган аниқ иштирокчилар тӯғрисида фикрларни гапиради

## **АҚЛИЙ ХУЖУМ УСУЛИ**

**Ақлий хужум** (брейнстроминг-ақллар тўзони) - амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш.

Иштирокчилар ақлий хужум вақтида мураккаб муаммони ҳал этишга ҳаракат қиласидилар: уларни танқид қилишга йўл қўймай уни ҳал этишнинг кўпроқ шахсий ғояларини юзага келтирадилар, сўнгра кўпроқ оқилона/самарали/мақбул ва бошқа ғояларни ажратадилар, уларни муҳокама қиласидилар ва ривожлантирадилар, уларни исботлаш ёки қайtариш имкониятларини баҳолайдилар.

Бу усул ҳамма вазифаларни бажаради, лекин унинг асосий вазифаси - таълим олувчиларни ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларни муаммони мустақил тушуниш ва ечишга қизиқтириш ва уларда муомала маданияти, фикр алмашиниш малакаларини ривожлантириши, ташқи таъсир остида фикрлашдан озод бўлиш ва ижодий топшириқни ечишда бирламчи йўл фикрларини енгиб ўтишни тарбиялайди.

Анъанавий таълимда вазифани ечиш вақтида кўпгина таълим олувчилар ўз ғояларини айтишга ботина олмайдилар. Ўз таклифларининг хатолиги ва таълим берувчининг салбий муносабатидан, бошқа иштирокчиларнинг йўқ қилиб юборувчи танқиди ва кулгисидан асосли кўрқадилар.

### **Ақлий хужум қоидаси:**

Хеч қандай бирга баҳолаш ва танқидга йўл қўйилмайди!

Таклиф этилаётган ғояни баҳолашга шошма, агарда у ҳаттоқи ажойиб ва ғаройиб бўлса ҳам ҳамма нарса мумкин.

**Танқид қилма**, ҳамма айтилган ғоялар қимматли тенг кучлидир.

**Ўртага чиқувчини бўлма!**

**Туртқи беришдан ўзингни ушла!**

**Мақсад миқдор хисобланади!**

Қанча кўп ғоялар айтилса, ундан ҳам яхши: янги ва қимматли ғояларни пайдо бўлиши учун кўп имкониятдир.

**Агарда ғоялар қайтарилса, хафа бўлма ва ҳижолат чекма.**

**Тасаввурингни “жўш уришига” руҳсат бер!**

## **Баҳолаш тизими ва кичик гурухларда энг яхши ғояларни танлаш**

**Баҳолаш тизими ва кичик  
гурухларда энг яхши  
ғояларни танлаш**

1. Ҳар бир иштирокчи 5 баллик баҳони олади. У уларни ҳаммасини бирданига бир ғояга ёки иккига бўлиб бериши мумкин (2:3, 1:4) ёки учга (2:1:2) ва бошқ.

2. Ҳар бир ғоя бўйича олинган барча баллар жамланади

3. Барча ғоялар бир узун қоғоз варагига ёзилади. Агарда ғоялар такрорланса, унда аввал ёзилганинг ёнида белги қўйилади

4. Ғоялар умумий бални пасайишига қараб сараланади (масалан, 10дан 1) катта бўлмаган баллни тўплаган ғоялар ютиб чиқади. Тортишув ҳолатида овоз бериш мумкин

5. Иштирокчиларнинг энг муҳим ғоялари жамоавий ғоялар шаклида ифодаланади

## Ақлий ҳужум усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Ф а о л и я т	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Тайёргарлик	Ўқув машғулотида “ақлий ҳужум” ўрнини аниқлайди, унинг мақсадини шакллантиради, муаммони ва уни ечиш бўйича таклиф этилаётган ғояларни баҳолаш мезонларини аниқлайди	
2-босқич. Кириш	Мавзуни эълон қиласди, муаммо билан таништиради, уни ечишнинг излаш йўлини ва баҳолаш мезонини асослайди. Жамоавий ишлаш шароити ва ахлоқ қоидаси билан таништиради (эслатади). Иштирокчиларни 3-4 гуруҳга бўлади (АҲ жамоавий ўқитиш шароитида тўғри олиб бориш мумкин, лекин бу бошқарувни қийинлаштиради ва самарадорликни пасайтиради). Таълим олувчиларга руҳий қийинчилик ва кўрқувлардан қутулиш учун, мавзуга тўғри бориш билан боғлик бўлмаган, балки яқинроқ мавзудан олинган кутилмаган, қизиқ саволларга тез жавоблар излаш машқини ўтказади. Берилган муаммони эслатади ва бошлишга руҳсат беради	Хар бир гуруҳ баҳо ва мақбул/самарали/оқилюна ғоя-ларни қайд этиб бориши учун эксперт танлайди. Гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлаш-лари мумкин бўлган ҳолда ўтирадилар
3-босқич. Асосий қисм	Кузатади, йўллайди, рағбатлантиради. Ўзини тортишувга аралашишини, ўз нуқтаи-назарини айтишга йўл қўймайди. Чидаш, чидамлилик, хайрон бўлмасликни намоён қиласди. Керак бўлганда гуруҳни хайриҳоҳлик билан иш ҳолатига қайтаради	Муаммони ечиш бўйича ғоя ва таклифларни айтадилар, эксперталар эса уларни ёзадилар
	1-вариант. Айтилган ғояларни эксперталар билан муҳокама қилишни, уларни таклиф этилган мезонларга мос ҳолда баҳолаш ва танлашни ташкиллаштиради. Муаммони ечиш учун танланган ғояларни эксперталар гуруҳи тақдимотини ва уларнинг муҳокамасини ташкиллаштиради.	Эксперталар ишлаётган пайт-да, бошқа барча иштирокчилар мавзулар босқичи бўйича кроссворд ечадилар, ўқув ҳолатини муҳокама қиласидилар. Эксперталар танланган ғояларни тақдим этадилар. Ушбу ғоя муаллифлари ҳимояни олиб борадилар
	2-вариант. Фояни алоҳида баҳолаш ва энг яхшиларини жамоавий танлашни ташкиллаштиради	
4-босқич. Якун ясаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш	Якунларни умумлаштиради, гуруҳлар ишини таҳлил қиласди ва баҳолайди: ижобий, ижодкорликнинг юқори даражаси ҳолатлари, жамоавий фаолият муваффақиятларини кўрсатади	Ўз-ўзларини баҳолайдилар

## **И Н С Е Р Т**

**Инсерт** – самарали ўқиши ва фикрлаш учун матнда белгилашнинг интерфаол тизими.

**Инсерт** – аввалги билимларни фаоллаштириш ва матнда белгилаш учун саволларнинг қўйилиш муолажаси. Шундан сўнг матнда учрайдиган, ҳар турдаги ахборотларнинг белгиланиши.

**Инсерт** - матн билан ишлаш жараёнида таълим олувчига ўзининг мустақил билим олишини фаол кузатиш имконини таъминловчи кучли асбоб.

**Инсерт** - ўзлаштиришнинг мажмуали вазифаларини ечиш ва ўкув материалини мустаҳкамлаш, китоб билан ишлашнинг ўкув малакаларини ривожлантириш учун фойдаланиладиган ўқитиш усулидир.

### **Матнда белгилаш тизими**

- (✓) - мен биламан деганин тасдиқловчи белги;
- (+) - янги ахборот белгиси;
- (-) - менинг билганларимга, зид белгиси;
- (?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак белгиси.

## Инсерт усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич. Тайёргарлик	Ўқув машғулот мақсадини аниқлайди, унинг натижалари, таълим олувчилар фаолиятини баҳолаш мезонларини шакллантиради, керакли ўқув материалларини тайёрлайди	
2-босқич. Кириш	Ўқув машғулотининг мақсади, вазифалари унинг натижалари, таълим олувчилар фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таниширади.	Ёзид оладилар
3-босқич Асосий қисм	<p>Мавзуу бўйича мавжуд ахборотларни фаоллаштиради: “ақлий ҳужум” усули ёрдамида қуйидаги саволга жавоб беришларини таклиф этади: “Сиз... шу тўғрисида нималарини биласиз?”</p> <p>Ёзув тахтасида алоҳида сўз ёки сўз боғловчилари кўринишида ёзишни ташкиллаштиради. Олинган ахборотларни тоифалар бўйича тизимлаштиришни таклиф этади. Бунинг учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• тоифали жадвал тузилмасини жамоавий муҳокамасини ташкиллаштиради;</li> <li>• ёзув тахтасида жадвал чизишни ва унга (жамоавий/алоҳида) олинган ахборотларни киритишини таклиф этади.</li> </ul> <p>Ҳосил қилинган билимларни умумлаштиради: қуйидаги саволга жавоб беришларини таклиф қиласди: “Сиз қандай янгиликларни билишни хоҳлар эдингиз?”, “Сизга...шу тўғрисидаги билимлар нима учун керак?”</p> <p>Матнни тарқатади, уни ўқиб чиқишини ва инсерт усулидан фойдаланиб матн четида белгилар қўйишни таклиф этади.</p> <p>Ишнинг боришини кузатади. Ишнинг ўзаро текширувани ўtkазиш ва ўқиши пайтида пайдо бўлган саволларга жавоб беришни таклиф этади.</p> <p>Ихтиёрий белги бўйича гурухларга бўлади ва гурухли Инсерт жадвалларини тузишни ва уларга олинган ахборотларни киритишини таклиф этади.</p> <p>Натижалар тақдимоти бошланишини эълон қиласди</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар Жадвалнинг тузилмавий таркибий қисмларини ечишда иштирок этадилар. Унга ахборотлар “киритадилар”. Саволларга жавоб берадилар Жуфтликда ишлайдилар; ўрганилган материал бўйича фикр алмашадилар. Муҳокама вактида танлаб олинган ахборотларга асосланиб, гурухли жадваллар тузадилар . Гурух сардорлари натижалар тақдимотини ўtkазадилар. Бунда улар эътиборни асосий ахборотга қаратадилар, ўқиши давомида пайдо бўлган саволларни айтадилар</p>
4-босқич. Якун ясаш	Олинган ахборотни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим кўшимча ахборотни беради. Мақсадга эришиш муваффақиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди. Кейинги иш истиқболларини аниқлайди	

## **ПИНБОРД**

**Пинборд** (инглизчадан: *pin-* маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув сұхбатини амалий усул билан мослашдан иборат.

*Таълим берувчи:*

- Таклиф этилган муаммони ечишга ўз нүктаи назарини баён қиласы.
- Оммавий түғри ақлий ҳужумни ташкиллаштиради.

*Таълим олувлар қуидаги ғояларни:*

→ Таклиф этадилар, мұхокама қиласылар, баҳолайдилар энг күп мақбул (самарали ва бошқа ғояларни танлайдилар ва уларни қоғоз варағига асосий сўзлар кўринишида (2 сўздан кўп бўлмаган) ёзадилар ва ёзув тахтасига бириктирадилар.

→ Гурӯҳ аъзолари (таълим берувчи томонидан белгиланган 2-3 талаба ёзув тахтасига чиқадилар ва бошқалар билан маслаҳатлашиб:

- аниқ хато ёки қайтарилувчи ғояларни саралайдилар;
- тортишувларни аниқлайдилар;
- ғояларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгилар бўйича аниқлайдилар;
- шу белгилар бўйича ҳамма ғояларни ёзув тахтасида гурӯхлайдилар (карточка/ варақлар).

*Таълим берувчи:*

- Умумлаштиради ва иш натижаларини баҳолайди.

## Пинборд техникаси қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим оловччи
1-босқич. Тайёргарлик	Ўқув машғулотида пинборд ўрнини аниқлади, унинг мақсадини шакллантиради, муаммони ва уни ечиш бўйича таклиф этилаётган гояларни баҳолаш мезонларини аниқлади	
2-босқич. Мавзуни яхши ўрганиш	Мавзу тузилмасини аниқлади. Пинборд усулини тушунтиради. Ўзининг фикрларини айтади ва таълим оловчиларга ўз фикрларини айтишларини таклиф этади, мунозара бошланишини тезлатиш учун бир қатор саволлар беради. Кузатади. Берилган муаммони эслатади ва бошлишга руҳсат беради	Ҳар бир гурӯҳ баҳо ва мақбул/самарали/оқилона гояларни қайд этиб бориши учун эксперт танлайди. Гурӯҳ аъзолари ҳамкорликда ишлашлари мумкин бўлган ҳолда ўтирадилар
3-босқич. Якуний хulosани ёзма баён этиш	Маслаҳат, тавсиялар беради	Мунозара жараёнида ишлаб чиқилган, ўз фикрларини, асосий якуний хulosадек, кичик қоғозларга ёзадилар ва ёзув тахтасига бириктирадилар. Ўқув гурӯҳидан 2-3 вакиллар бошқа таълим оловчилар билан маслаҳатлашиб, маълумотни тизимлаштирадилар ва мазмунига кўра гурӯҳлайдилар. Кўрсатувчи чизиклар ёки бошқа белгилар ёрдамида уларнинг мосликларини кўрсатадилар
4-босқич. Умумлаштириш		
5 - босқич Якун ясаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш	Якунларни умумлаштиради, гурӯҳлар ишини таҳлил қиласи ва баҳолайди: ижобий, ижодкорликнинг юқори даражаси ҳолатлари, жамоавий фаолият муваффақиятларини кўрсатади	Ўз-ўзларини баҳолайдилар.

### ТАЪЛИМИЙ ЎЙИН

Ишбилармон ва рол (ҳолат)ли ўйинлар муаммоли топширикнинг бир тури. Фақат бундай ҳолатда матнли материал ўрнига, таълим оловчилар томонидан ўйналадиган саҳналаштирилган ҳаётий ҳолатлар ишлатилади

Ўқитиши усули сифатида у қўйидаги вазифаларни бажаради:

- **ўргатувчи:** умум ўқув малакаларни шакллантириш; ижодий қобилиятни ривожлантириш, шу жумладан, тушуниш, янги ҳолатларни шакллантириш ва

тахлил қилиш;

• **ривожлантирувчи:** мантикий фикрлаш, нутқ, атроф-мухит шароитига ўрганиш қобилятини ривожлантириш;

• **мотивацияли:** таълим олувчиларни ўқув фаолиятига унданың, мустақил ҳулоса қабул қилишини рағбатлантироқ;

• **тарбияловчи:** масъулиятлиликни, фикр алмашишликни шакллантириш.

Ўйин усуллари ва дарс шаклидаги машғулот ҳолатларини амалга ошириш куйидаги асосий йўналишларда содир бўлади:

• дидактик мақсад таълим олувчилар олдига вазифа кўринишида қўйилади;

• ўқув фаолият ўйин қоидаларига бўйсунади;

• ўқув материал ўйиннинг воситаси сифатида ишлатилади;

• ўқув фаолиятига дидактик вазифани ўйинга айлантирадиган мусобақа бўлаги киритилади;

• дидактик вазифани муваффақиятли бажариш ўйин натижалари билан боғланади.

### *Ишбилармон ўйинни ролли ўйиндан фарқи нимада?*

Ишбилармон ўйин иштирокчиларига ҳаётй ҳолатда қурилган ўйинли сюжет таклиф қилинади, бунда иштирокчилар олдига ягона умумий мақсад: таклиф этилаётган муаммони ечиш қўйилади.

Шу билан бир вақтда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши лозим. Шунинг учун ечимни ишлаб чиқиш жараённи алоҳидали-гурухли хусусиятга эга: ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифали мақсадига мувофиқ қарор қабул қиласи, ундан сўнг эса уни гуруҳ билан келишади. Алоҳида вазифали мақсад бажарилиши бутун гуруҳ қарор қабул қилиш натижаларига боғлиқ. Одатда, ишбилармон ўйин давомидаги муаоммони ечиш бир нечта босқичда (2 дан 10 гача ва бир ўйин кўп).

Иштирокчилар ҳаракатини баҳолаш якуний ва оралиқ натижалар бўйича амалга оширилади: оралиқ баҳолаш белгиланган мақсадни амалга оширишда уларнинг англаб етишини ошириш мақсадида бизга ўйин давомида иштирокчилар ҳаракатига таъсир кўрсатиш имконини беради, якуний натижани баҳолашда иштирокчиларнинг ташкилий фаолиятлари ва улар томонидан вазифали ролли мақсадни бажариш ҳисобга олинади.

Ролли ўйин, ишбилармонлик каби вазиятда кўрсатилган, муаммони ечишда иштирокчиларнинг фаол биргаликдаги ҳаракатларига асосланади. Мавзу қатнашчиларининг битта мажбурий мақсадлари бор - муаммони ечиш. Лекин алоҳидали мақсадлар, ишбилармон ўйиндаги каби келишиб олинмайди. Ролли ўйиннинг ҳар бир иштирокчилар мақсадлари - ғалаба қозониш, ўзини кўрсатиш. Вазиятли ўйин якунларини нафақат умумий мақсадга эришиш натижалари бўйича эмас ва балки ҳар бир иштирокчининг ролли мақсадларини амалга ошириш бўйича баҳоланади.

Сиз томондан ишлаб чиқилган ўйин ҳақиқий ҳаётга мумкин қадар яқин бўлиши, лекин иштирокчилар учун жуда мураккаб ва қийин бўлмаслиги керак.

## **Ишбилармон ўйин усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси**

Ишлар босқичи ва мазмуни	Ф а о л и я т	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Тайёргарлик	Мавзу танлайди, мақсад, вазифалар ва натижаларни шакллантиради; ўрганилаётган муаммони баён қиласи, қўйилган вазифани асослайди; ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқади; ўйин тартибини, вазият мазмуни ва қатнашувчилар хусусиятларини аниклади	
2-босқич. Кириш	Иштирокчилар учун йўриқномалар ва ўйиннинг аниқловчиларини тайёрлайди; натижаларни баҳолаш мезонларини аниқлади. Иштирокчи ва экспертларни йўллайди. Иш тартибини аниқлади, машғулотнинг бош мақсадини шакллантиради, муаммони қўйиш ва вазиятни танлашни асослайди. Иштирокчиларга материаллар солинган пакетларни: йўриқномалар, ўйнаш лозим бўлган қаҳрамонларнинг хусусиятлари, шунингдек вазиятли кўрсатмаларни тарқатади	Материалларни биргаликда муҳокама қиласидилар, ролларни тақсимлайдилар.
3-босқич. Ролларни бажаришга тайёргарлик	Кузатади, алоҳида маслаҳатлар беради	Олдиндан белгиланган вақтда қўйилган вазифани англаб етадилар ва ролга кирадилар: ҳар бир иштирокчи, сценарийда баён қилинган ўзининг ролли мақсадини амалга оширишни режалаштиради. Керак бўлганда қўшимча ахборотлар йиғади, маслаҳат учун олиб борувчи ва экспертлардан маслаҳат олади
4-босқич. Асосий қисм	Ўйин йўналишини ўзгартириш бевосита аралашиб ҳукуқисиз кузатади. Ўйиннинг оралиқ натижаларини баҳолашни амалга оширади (таъминлайди), шу билан бирга уларнинг англаб этишишларини ошириш мақсадида иштирокчилар ҳаракатига ўртacha таъсир кўрсатади	Ўйин шартларида ёзилган талаб бўйича, ролларни ўйнайдилар, бир-бирлари билан фаол ҳамкорлик қиласидилар. Шу билан бирга бунда ошкора бўлмаган ўйиндан чиқишини, таъқиқловчи, ўйинга суст муносабатда бўлиши бошқаларнинг фаоллигини бостириш ўзини тутиш этикаси ва регламентини бузмаслик қоидаларига амал қиласидилар

5-босқич. Таҳлил, мухокама, натижалар бўйича ўз- ўзини баҳолаш	Ўйин якуни муҳокамасига йўналтиради. Таҳлил аввал эълон қилинган кўрсаткич ва баҳолаш мезонлари билан чегараланади. Бунда иштирокчилар томонидан берилган мавзуни қабул қилиш, ролли мақсадларга эришиш даражасидан ташқари, иштирокчиларнинг қўл ҳаракатлари, мимика, уларни ўқитиш восьиталари билан ишлай олишларини танқидий кузатиш бўлиши мумкин	Экспертлар чиқишини эшитадилар, фикрлар билан алмашинадилар, ролли мақсадларга эришиш бўйича ўз хулосаларини ҳимоя қиласидилар. Ўз ҳаракатлари ва хулосаларини ўйин қаҳрамонлари ҳаракатлари билан таққослайдилар
6-босқич. Якун ясаш, ва баҳолаш	Эришилган натижаларни шарҳлади, хатоларни кўрсатади, машғулотнинг сўнгги якунини чиқаради, ўйиннинг ўқув фани мазмуни билан боғлиқлигини аниқлади	Тинглайдилар

## ВАЗИЯТЛАР УСУЛИ

**Вазиятлар усули** – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим оловчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган

Усульнинг етакчи вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- Тарбияловчи – фикр алмашиниш кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим оловчилар учун янада кўп долзарбли қиласиди.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қўйидагилардан иборат бўлади:

- номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади;
- номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун таълим оловчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо З таркибий қисмдан ташкил топади:

- маълум (ушбу берилган вазифадан).
- номаълум (топиш янги билимлар шаклланишига олиб келади).
- номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим оловчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим оловчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим оловчилар ушбу натижа қидирувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим оловчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агар таълим оловчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини

бilmай уни ечиш қидируви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазифанинг мураккаблиги (вазият “ўқув” муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим олувчилар даражасига мос қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма акборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган хар қандай қизиқишлардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гурӯҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгидаги ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажақдаги қасбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаш етишга ёрдам бўлади.

## **Вазиятлар усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси**

Иш босқичлари ва мазмуни	Ф а о л и я т	
	таълим берувчи	таълим олувчи
Тайёргарлик	Мавзу, муаммоли вазиятни танлайди, мақсад, натижалар ва баҳолаш мезонларини ифодалайди, технологик харитани, талабалар билан муаммоли вазиятларни белгилаш ва ечишни ишлаб чиқади.	
1-bosqich. Муаммога кириш	Муаммоли вазиятни (муаммони баён этади) яратади, талабаларни уларни ечишга йўналтиради; шу билан бирга уларни иш натижаларини баҳолаш мезонлари билан таништиради	Гурӯҳларга бўлинадилар; муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар
2-bosqich. Муаммога кириш	Муаммони тўғри тушунганикликларига ишонч ҳосил қилиш учун, бир гурӯхдан иккинчи гурӯхга ўтиб, мунозарани фаоллаштиради ва зарур бўлганда мақсадга йўналтиради. Талабаларга муаммоларни турлича мажмуали ҳал этиш мумкин эканлигини тушунтиради	Ушбу муаммони ҳал этишининг турли имко-нийатларини гурӯхларда муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиласи-лар, энг мақбулларини топадилар, ягона фикрни ифодалайдилар. Натижаларни маълум қиласи, бошқа гурӯх вариантларини муҳокама қиласи
3-bosqich. Натижаларни тақдим этиш	Дикқат билан тинглайдилар, саволлар берадилар	
4-bosqich . Умумлаштириш, якун ясаш	Баҳосиз ва қисқа равишда муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўлларини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хуносаларга эътибор қаратади	Энг мақбулларини аниқлайдилар

## 2.4. Тўртинчи гуруҳ таълим усуллари

Тўртинчи гуруҳ таълим усуллари: мустақил изланувчилик фаолияти ҳамда 4 даражада билимларни ўзлаштириши таъминловчи усуллар.

### ЛОЙИХАЛАР УСУЛИ

**Лойиҳалар усули** билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутивчи мажмуали ўқитиш усулини амалга оширади. Таълим олувчилар юқори даражада, бошқа ўқитиш усулларидан фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар

Лойиҳаларда ўқитиш нафақат натижалар, балки жараёнининг ўзи ҳам кимматли.

Лойиҳа фанлараро, бир фан ёки фан ташқарисида бўлиши мумкин.

### Лойиҳа усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва мазмуни	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
Тайёргарлик	Лойиҳа мавзулари ва мақсадини аниқлайди. Таълим олувчиларни лойиҳалаш ёндашуви моҳияти билан таништиради. Бир қанча мавзулар таклиф этади, лойиҳа мазмуни тўғрисида маълумот беради, улар доирасини шакллантиради, иш турлари, уларнинг натижалари ва баҳолаш мезонларини санаб ўтади	Гурухга бирлашадилар, лойиҳа мавзусини танлайдилар ва муҳокама қиласидилар. Керак бўлганда қўшимча ахборотлар оладилар. Мақсадни аниқлайдилар, лойиҳа бўйича иш натижаларини муҳокама қиласидилар
1-босқич. Режалаштириш	Фояларни таклиф этади, таклифларни айтади. Ахборот манбаи ва унинг йиғиши усуллари ва таҳлилини тавсия этади. Иш тартиби ва оралиқ босқичларни баҳолаш мезонлари ва умуман жараённи белгилайди	Харакат режасини танлайдилар: вазифаларни шакллантирадилар, йўналиш ва бажариш босқичларини, улар тартибини аниқлайдилар, вазифаларни гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлайдилар. Таълим берувчи билан натижаларни таҳлил этиш усулини (ҳисобот шаклини) маъқуллайдилар
2-босқич. Тадқиқ қилиш	Кузатади, маслаҳат беради, ахборот манбасини излашга ёрдам беради, ўзи ахборот манбаи ҳисобланади	Тадқиқотни бажарадилар. Ахборот тўплайдилар, оралиқ вазифаларни ечадилар,
3-босқич. Ахборот таҳлили. Хулосаларни шакллантириш.	Бутун жараённи бошқаради, қайтар алоқани ушлаб туради	Олинган ахборотни таҳлил қиласидилар, хулосаларни шакллантирадилар

4-босқич. Хисобот	Эшитади, оддий иштирокчи бўлиб, мақсадга йўналтирилган саволлар беради, қувватлайди ва рағбатлантиради	Хисоб берадилар. Иш натижаларини: оғзаки ҳисобот материалларини намойиш билан оғзаки ҳисобот, лойиҳа кўринишида ёзма ҳисобот шаклларида тақдим этадилар
5-босқич. Жараён ва натижаларни баҳолаш.	Муаммони ечишнинг тўлиқ даражасини, гурӯҳлар ҳаракати стратегияси, таълим олувчилар кучи, манбалардан фойдаланиш сифати, ижодий ёндашув, ишни давом эттириш имконияти, ҳисобот сифати ва бошқаларни баҳолайди	Жамоавий муҳокама орқали иш натижалари ва унинг бориши, шу жумладан муаммони ечишнинг тўлиқлик даражаси ва ҳаракат стратегиясини химоя қиласидилар, баҳолайдилар

## КЕЙС-СТАДИ

Таълим бериш вазияти- **кейс-стади** (case инглиз.- тўплам, аниқ вазият, stadi- ўрганиш) – бу усул, одатий ҳаётни ташкиллаштирувчи вазиятларни яратувчи ва таълим олувчилардан мақсадга мувофиқроқ ечим излашни талаб қилувчи, ҳаётдан олинган одатий вазиятларни ташкиллаштириш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланади.

**Кейс** - таълим олувчиларни муаммони ифодалашни ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи, бир гурӯҳ инсонлар ёки алоҳида шахсларни ҳаётий ташкиллашишидан олинган маълум шароитларини баёнли тақдим этилишидан иборат.

(2) қўшимча ахборотлардан, жумладан аудио, видео ва электрон етказувчилар ва ўқув-услубий материаллардан иборат.

### Ўқитиши вазиятининг долзарбилиги:

Аниқ вазият таълим беришни ҳақиқийликка боғлайди: кейс таълим олувчиларга вазиятни ташҳис қилиш, фаразларни ифодалаш, муаммоларни аниклаш, қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш бўйича аниқ босқичларни лойиҳалашда амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини беради.

Кейс таълим олувчиларга таҳлил илиш, тенглаштириш йўлларини қидириш ва муаммони ечиш эркинлигини беради.

Кейсни кўриб чиқиша таълим олувчилар таълим олиш жараёнини яратадилар ва жараёнда ўзаро ҳаракатда ҳақиқий фикр алмасиши ҳолатларини яратадилар.

## **Кейс-стади усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси**

Ишлар босқичи ва мазмуни	Ф а о л и я т	
	таълим берувчи	таълим олувчи
Тайёргарлик	Танишиш учун талабаларга кейс материаларини тайёрлайди ва аввалги машғулотларда тарқатади.	Кейс мазмуни билан танишадилар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (5 дақ.)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни олиб бориш режаси билан таништиради. Кейс аҳамиятини ва уни касбий билимларни ривожланишига таъсирини тушунтиради.	Диққат қиласидилар.
2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 дақ.)	2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида мавзунинг асосий тушунчалари бўйича тезкор-сўров ўтказади (илова). 2.2. Семинарда ишлаш тартиби, баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари билан таништиради (илова).	Саволларга жавоб берадилар. Муҳокама қиласидилар, аниқлаштирувчи саволлар берадилар.
3-босқич. Алоҳида ишлаш (20 дақ.)	3.1. Кейс материаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради, ишлаш қоидаси, вазиятларни таҳлил қилиш чизмаси, муаммоларни ифодаланишига эътибор беришларига қаратади. 3.2. Вазиятни мустақил таҳлил қилишни, муаммони ифодалашни, ечиш йўлларини аниқлашни, сўнгра уни ечиш топширигини беради	Кейс материаларини муҳокама қиласидилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар. Мустақил равища таҳлил қилиш варағини тўлдирадилар, муаммони ечадилар.
4-босқич. Кичик гурухларда ишлаш (20 дақ.)	4.1. Талабаларни кичик гурухларга бўлади ва топшириқ беради: вазиятни муҳокама қилиш ва таҳлил қилиб кўриш, гурух учун вазиятни таҳлил қилиш варагини тўлдириш, ечиш тартибини ишлаб чиқиши, топшириқни ечиш, тақдимотга тайёрланиш	Кейсни ечиш ва тақдимот варагини тайёрлаш бўйича харакатлар қиласидилар
5-босқич. Тақдимот (20 дақ.)	5.1. Тақдимот, муҳокама ва гурухлар тақдимотини ўзаро баҳолашни ташкиллаштиради. Жавобларни шарҳлайди, таҳлил қилиш ва муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хуносаларга эътибор қаратади. Кейс бўйича ўзининг жавобини ҳавола қиласи (илова)	Гурухлар тақдимот қиласидилар Бошқа талабалар мунозарада иштирок этадилар, саволлар берадилар

## Кейс ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш қоидаси

### 1. Кейс бўйича асосий вазифаларнинг қўйилиши

#### Саволларнинг мақсади:

Таълим олувчидаги кейс материалы бўйича билимини текшириш (“амалга ошириш тартибини ёзib беринг”).

Ҳал этиш ва ечиш учун асосий саволларни аниқлаш (таълим олувчилар тамонидан мустақил саволларни ишлаб чиқилиши мумкин).

Ўқув режаси мақсадларини бажариш (кейсни ўрганилаётган назария билан ўзаро боғлиқлик тўғрисидаги вазифалар).

### 2. Кейсни режалаштириши

- Кейс ишонувчан ахборотни ўз ичига олиши лозим.
- Файриоддий ва янгилари шарҳланиши лозим.
- Берилганлар аниқ бўлиши лозим.
- Жадвал, схема ва графиклар иложи борича тез-тез ишлатилиши лозим.
- Мумкин қадар аудио, видео воситалар ва компьютер техникаларидан фойдаланиш, шунингдек кейсни муҳокамасига кейс ходисаларининг ҳақиқий иштирокчиларини таклиф

### 3. Кичик – гурухларда кейс билан ишлашни ташкиллаштириши.

Иш вақти 15 дан 40 дақиқагача.

Таркиби: 4 дан 6 гача киши.

Таркиб ҳар доим ўзгариб бориши ёки доимий бўлиши мумкин.

Гурухлар алоҳида бўлмасликлари лозим.

Ҳар бир гурухда ечим ёзувлари ва имкониятларни танлаш учун (таълим берувчини назорати учун) (A4) катта блокнот бўлиши керак.

Ҳар бир гурух тақдимот учун жавобгар сардорни мустақил танлайди

### 4. Гуруҳ холосасининг тақдимоти.

Одатда сардорларнинг чиқиши 10-15 дақиқагача давом этиши мумкин. Уни бўлиш мумкин эмас, саволлар унинг чиқишидан сўнг берилади.

Мавзу бўйича: тақдимотни қандай ўтказиш (яни, кириш, асосий мазмун, резюме), ҳамма олдида тақдимотни ўтказишни ўрганиш бўйича дастлабки машғулот ўтказиш мумкин.

### 5. Умумий мунозара

Вақт кўпи билан 20-25 дақиқа.

Таълим берувчи - мунозара ташки-лотчиси саволлар беради, эътиrozлар қилиади, назарий материални эсга солади.

Ҳамма таълим олувчиларнинг иштироки мунозарага кенг қизиқтирилган бўлиши керак

### 6. Кейс билан ишлашни баҳолаши мезони

- I. Ҳолатни чуқурроқ таҳлил қилиш тартиби, назарий билиши.
- II. Муаммо холосасини асосланиши.
- III. ...

### 7. Таълим берувчининг вазифаси

Шархловчи ва маслаҳатчи вазифаси.

Натижаларни эмас, муҳокама таҳлилини ўтказади.

Кичик гурухлар тақдимоти, ҳаракатларини баҳолайди, назарий “муваффақиятсизликлар”ни аниқлайди ва б.

Ҳамма нарсани биладиган эмас, балки “супер-сардор” маслаҳатчи бўлиши керак.

Кейсда баён этилган, ҳолат нима билан ва қандай ҳал этилганини албатта гапиради.


### 8. Синов ишини топшириши

Қисқартирилган йўли – таълим берувчи томонидан топшириқ қўйилгандан сўнг кичик гурухларда иш олиб борилмайди – ўша захоти муҳокама қилинади ва натижалар бўйича таълим берувчи фикрини билдиради.

Назорат қилиш йўли – анъанавий имтихон ўрнига таълим олувчи кейс бўйича саволларга ёзма жавоб беради.

Кейс устида ишлаш бир ой ва ундан ҳам кўпроқ вақтни олиши мумкин. Таълим берувчи иш жадвали бўйича маслаҳат беради, битирув иши натижаларини (кейс мавзуси курс ишининг топшириғи бўлиши мумкин) таҳлил киласди

## Амалий вазиятни таҳлил қилишнинг йўналтирувчи чизмаси



### **3.ТАЪЛИМ БЕРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАНЛАШ**

Таълим бериш усулларини танлаш ва қўллашда қўпгина қуйидаги дидактик омилларни эътиборга олиш муҳим:

- *Мақсадни белгилаш:* 1) таълим бериш мақсади, 2) педагогик вазифалар, 3) ўқув фаолият натижалари.

• *Ўқув ахборот мазмуни ҳажми ва мураккаблиги:* мақсад ва ушбу ўқув фанини хусусияти, шу тариқа бу фанни шунчалик мураккаб деб қабул қилинган.

• *Таълим бериши усулларини ўқув ахборотини эгаллашларига таъсири.* Г. Майерга мувофиқ, 72 соатдан (уч суткадан) ўтганда, маълумотни эшитиш орқали қабул қилгандан сўнг тингловчи хотирасида 10%; кўриш орқали - 20%; кўриб ва эшитиш орқали - 50%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозарада - 70%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозарада, амалий имкониятларни қўлланилганда -90% ахборот қолади.

• *Таълим олувчиларни ўқув имкониятлари:* тайёргарлик даражаси, умумўқув малакаларни шаклланганлиги, фаоллиги, қизиқиши ва йўналтирилганлиги, ёши, ишлаш қобилияти, ўзига хос имкониятлари ва қобилиятлари.

• *Вақт сарфи:* 1) ўқув дастурида йил давомида ўқув фанига, унинг алоҳида мавзуларига ажратилган вақт, шунчалик чекланган бўлиши мумкинки, бу эса кўп вақт оладиган усулларни мақсадга мувофиқроқ жойларда қўллаш имконини беради; 2) вақт у ёки бошқа усулни тайёрлаш ва амалга оширишда меҳнат сарфини кетиш нуқтаи назаридан муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, бундай усулларни қўллашни режалаштиришда, ўзидан ушбу ташкиллаштириш йўлини амалга оширишга зарур тайёргарликка вақт ва куч етарли бўладими? деб сўраш керак.

• *Таълим бериши шароити:* баъзи усулларни амалга ошириш учун алоҳида шароитлар талаб этилади: таълим беришнинг техник воситалари, компьютер, маҳсус компьютер дастурлари, магнитли ёзув тахтаси, маҳсус жиҳозланган хона ва бошқ.

• *Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги, жамоадаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари* (ҳамкорлик ёки сўзсиз бўйсунишли).

• *Таълим олувчилар сони:* агарда у катта бўлмаса, таълим беришни фаол таълим усулларни қўллаб, жадаллаштириш мумкин.

• *Таълим берувчининг чуқур билимдонлиги ва шахсий сифатлари:* маъқул деб топилган усулларни қўллашни билиши ва уddaлаши, талабларга мос шахсий сифатларга эга бўлиши лозим.

*Кўшиимча омиллар:*

• Мавзуни ўрганишни (мустакил/ таълим берувчи раҳбарлиги остида) ташкиллаштириш йўли: *Қай тарзда?*

• Дидактик воситалар: *Қайсилари?*

• Фаолликни рағбатлантирувчи усуллар: *Қайсилари?*

• Назорат ва ўз-ўзини назорат: *Қайсилари?*

## **I. Режа**

1. Таълимни ташкиллаштириш шакллари: моҳияти ва мазмуни.
2. Гуруҳларда ҳамкорлиқда ишлашни ташкил этиш технологияси.
3. Ҳамкорликда ўзаро ўқиши.

## **II. Асосий тушунча ва атамалар**

Таълимни ташкиллаштириш шакллари, таълим шакллари, оммавий, жамоавий, гуруҳли ва якка тартибли.

## **III. Мавзуни ва алоҳида саволларини ўрганиш учун фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати**

1. Бутз М., Фальтус Р., Цохен Э. Работа в группах: Сб. Варшава: Фонд образования для демократии, 1994.
2. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии. - М.: Сентябрь, 1996.
3. Дженнин Стил, Керт Мередис, Чарльз Пимпл. Обучения сообща: Учебная программа; Обучения сообща: чтение и письмо для развития критического мышления. - Т.: Фонд Сороса – 1999.
4. Подласый М.Л. Педагогика. Новый курс: Учебник: В 2 кн. к.1.: Общие основы процесса обучения. - М.: ВЛАДОС, 1999.
5. Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. - Т.: РТМ, 2000.

## **IV. Ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. “Таълимни ташкиллаштириш шакллари” тушунчасини кенгроқ таърифлаб беринг.
2. Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорлиқдаги фаолиятини ташкиллаштириш шаклларининг фарқли белгиларини айтинг.
3. Гуруҳларни шакллантириш асосларини айтиб беринг.
4. Гуруҳлар қайси белгиларга караб шакллантирилишини тушунтириб беринг.
5. Гуруҳларда ишларни ташкил этиш қоидасини айтинг.
6. Гуруҳларда ишлар қандай баҳоланади ва якун чиқарилади?
7. Гуруҳларни мақбул жойлаштириш чизмасини тасвирланг ва асосланг.
8. ТТ “Илон изи” ва “Бирга ўрганамиз” техникасини ўрнини тушунтиринг.

## **1. ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ШАКЛЛАРИ: МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ**

**Таълим шакллари** (forma-лотинча-ташқи кўриниш) - бу усул ўқув жараёнини мавжудлиги, унинг ички моҳияти, мантиқи ва мазмунни учун қобик.

Таълим шакли ўқув жараёнининг шундай ташқи томонларини намоён қиласди, яъни:

### ***Унинг мавжуд бўлиши йўли: тартиб тартибот:***

- таълим оловчилар сони: оммавий, кичик гурухларда, якка ҳолда ўқитиши;
- ўқитиши вақти: 45- синф дарси, 90-бирлашган дарс, “танаффусиз дарс”;
- ўқитиши жойи: аудитория, лаборатория машғулотлари.

### ***Ўқув ишини ташкиллаштириши шакли:***

- маъруза, семинар, мустақил иш ва бошқалар.

Таълим берувчи ва таълим оловчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш йўллариумумий (фронтал), гурухли, якка тартибли.

### ***Таълим берувчи ва таълим оловчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириши шакллари:***

• *Оммавий иши* (фронтал) - барча таълим оловчилар олдига бир хил топшириқ бажариш мақсади қўйилади.


• *Жамоавий иши* (коллектив) - ҳам умумий ва гурухлига тааллуқли бўлиши мумкин:

1) олдинда турган иш режасини ҳамкорликда муҳокама қилиш; 2) мажбуриятларни бўлиш, ҳисобот шаклини танлаш; 3) хulosаларни муҳокама қилиш (тартиб билан алоҳида таълим оловчилар фикрлари тинглади ва муҳокама қилинади); 4) маъқул хulosаларни шакллантириш (умумий келишув билан).


- *Гурухли* - кичик гурухларда ҳамкорликда бир топшириқни бажариш.
- *Якка тартибли (индивидуал)* - ўқув топширигини якка ўзи бажариши.

## 2. ГУРУХЛАРДА ҲАМКОРЛИҚДА ИШЛАШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### I. Ташкилий боскич




**Бир турдаги гурухли иш** ўкув гурухлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади. **Табақалашган гурухли иш** гурухларда турли топширикларни бажаришни назарда тутади.




### Йўриқномага талаб

*Йўриқнома ўзида қуидагилардан иборат бўлиши зарур:*

- топшириқнинг аниқ ифодаланиши;
- кутилаётган натижаларга аниқ йўналтириш;
- тажрибада синалган бўлиши керак: бу йўриқномани аввал ўзи ёки ҳамкасбидан бажаришини илтимос қилиш керак;
- гурух топшириқни мустақил бажариш бўйича тўла тавсияномалар бўлиши керак;
- ҳар бир таҳлим олуви учун тушунарли қилиб ёзилиши керак.



## Гурухларни жойлаштиришнинг энг мақбул чизмаси



## II босқич. Гурухли ишни бажаришга киришиш

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчилар
<p>1. Билим орттиришлик вазифани (муаммоли вазиятни таклиф қилади) белгилайди, таълим олувчилар билан биргалиқда уни ечиш йўли ва тартибини муҳокама қилади.</p> <p>2. Иш якуни бўйича қандай натижалар кутулишини тушунтиради.</p> <p>3. Гурухларда ҳамкорлиқдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қилади. Ҳар бирининг ва бутун гурухнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.</p> <p>4. Таълим олувчиларни гурухларга бўлади.</p> <p>5. Гурухлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарақатади. Топшириқни бажаришда (керак бўлганда), қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.</p> <p>6. Ёзув тахтасида гурухли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзди ёки тарқатади. Таълим олувчилар билан бу йўриқномани муҳокама қилади, ҳаммалари уни тушунганларига ишонч ҳосил қилади.</p>	<p>Вазифани муҳокама қиладилар</p> <p>Ўқув материаллари ва йўриқнома билан танишадилар</p>

## III босқич. Гурухли иш

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчилар
<p>Кузатувчи сифатида иштирок этади.</p> <p>Бироқ бунда у:</p> <p>1) ишлаётган гурухларни назорат қилади, лекин уларга раҳбарлик қилмайди: таълим олувчилар ўзлари учун жавобгарлар. Хато қилсалар ҳам, ўзлари ишлашларига рухсат беради;</p> <p>2) аниқ топшириқни бажариш учун зарур бўлган, алоҳида бўлиб ишлашга, кўнималарни шаклланишига эътиборини қаратади;</p> <p>3) таълим олувчиларга ишни бажарганликларини маълум қилишларини таклиф қилади ва очик саволлар бериди уларга ёрдам беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳодисаларни таҳлил қилиш учун - “Қандай?”;</li> <li>• Фикрларни билдириш учун “Нима учун бу усул яхши ёки ёмон?”;</li> <li>• Эшиттириб ўйлашга, бошқаларни тинглашга, олинган ахборотдан маълумотларни танлаб олишлари учун “Агарда,...? Қандай бошқа усуллар мавжуд?...бошқалар ўйлайдики, ...Кўллашимиз мумкин;</li> </ul> <p>4) иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим, аниқ ва самимий танбех қилади</p>	<p>Гурухларда ишини режалаштиради</p> <p>Гурухлар ичида топшириқни тарқатади</p> <p>Алоҳида топшириқни бажарадилар.</p> <p>Алоҳида бажарилган иш натижаларини муҳокама қиладилар.</p> <p>Гурухли ишнинг умумий натижасини ифодалайди ва уларни тақдимотга тайёрлайди</p>

### **Гурухлар ишида тарқоқсизликни олдини олиш йўли:**

- Гурухлар ишини ҳар доим бошқариб туриш керак: мавзудан четга чиқиш таълим олувчилар учун йўлдан чиқиш.
- Гурух сардорларига эътибор бериш керак.
- Ишни бажариш учун зарур бўлган, барча материаллар тушунарли бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш.

#### **IV босқич. Якун ясаш, таҳлил ва баҳолаш**

Фаолият	таълим берувчи	таълим олувчилар
<p>1. Бажарилган иш натижалари түғрисида маълумот бериш учун гурух вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезон ва кўрсаткичларини эслатади.</p> <p>2. Натижалар текширувини ўтказади:</p> <p>гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади;</p> <p>ёки буни аввалдан тайинланган назоратчи қилиши мумкин;</p> <p>ёки материалга тааллуқли бўлган, топшириқни бажариш вақтида ўзлаштирилганлар бўйича, тест ўтказади;</p> <p>ёки берилган материал бўйича бошқалар маълумот олганликларини аниқлаш учун, ҳар бир гуруҳ ўзаро текшириш учун савол бериши ёки тайёрлаши мумкин. Бунда гуруҳ аъзолари тестга тайёрланишларида бир-бирларига ҳамкорликда ёрдам беришларига рухсат беради.</p> <p>3. Гуруҳ ишини таҳлил қиласи, топшириқ бажарилишининг якунини қиласи, эришилган мақсад түғрисида хуносалар чиқаради.</p>		Гуруҳ вакиллари иш натижалари түғрисида маълумот берадилар

### **3. ҲАМКОРЛИҚДА ЎЗАРО ЎҚИШ**

#### **3.1. Ҳамкорликдаги ўқиши: тамойил ва қоидалари**


Ҳамкорликдаги ўқиши: тамойил ва қоидалари

- 1) гурухга битта топшириқ;
- 2) битта рағбат: гурух барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гурух аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндинисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;
- 3) ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулиятилиги;
- 4) ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуслари асосида ташкил топади;
- 5) муваффақиятга эришишда teng имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштиришга, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўқишига берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан teng баҳоланади.

**Ҳамкорликда ўқиётганлар учун асосий қоидалар:**

- топшириқни биргаликда оддий бажариш эмас, балки биргаликда ўқиши;
- мусобақалашиш эмас, балки ҳамкорлашиш;
- биргаликда ишлашга ўрганиш, ўқиши ва ижод;
- ҳар доим бир-бирига ёрдам қилишга, муваффақият кувончи ёки муваффақиятсизлик аччигини бирга тортишга тайёр бўлиш

### 3.2. “Илон изи” “Appa” техникаси



**“Илон изи” (“Appa”) техникасининг технологик харитаси**

Иш босқич лари	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим оловчиги
1	Лавҳаларнинг мураккаблиги ва ҳажми бўйича тенг бўлинган ўқув материали стида ишлаш учун 4-6 кишидан иборат бўлган гурӯхларни шакллантиради.	
2	Олдинда турган иш хусусиятини тушунтуради, эксперт ва рақларини тарқатади - ҳар бир гурӯх аъзоси умумий ишнинг алоҳида қисмини олади ва ўзининг ўқув материали соҳасининг эксперти бўлади.	<p>Ҳар бир гурӯх аъзоси эксперт варағига мос равишда ўқув материалидан керакли маълумотни топади.</p> <p>Мутахисслар учрашуви-ҳар хил гурӯхларда фақат бир материални ўрганаётганлар билан учрашадилар ва эксперталар сифатида ахборотлар билан алмашидилар, ўзларининг саволларини ишлайдилар, дастлабки ўзларининг гурӯх аъзоларига ушбу ахборотни самаралироқ баён этишни биргаликда режалаштирадилар.</p> <p>Мутахисслар ўзларининг дастлабки гурӯхларига қайтадилар, ҳар бири ўзининг топширигининг қисми тўғрисида маъруза қиласди (худди арранинг бир тишидай).</p> <p>Умумий мавзу бўйича бир-бирларига саволлар берадилар ва билимларни баҳолайдилар ёки таълим берувчи томонидан барча мавзулар бўйича тестларни бажарадилар</p>
3	Иш якунидан сўнг гурӯхлардаги ҳоҳлаган таълим оловчига мавзу бўйича ҳоҳлаган саволга жавоб беришиши таклиф этади.	Саволларга жавоб берадилар

### 3.3. “Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усулининг

#### “Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усулининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1	Ўқиганлик даражаси бўйича 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил гурухларни шакллантиради	
2	Ҳар бир гурухга умумий мавзунинг қисмини - бир топшириқ беради, бу бўйича барча ўкув гуруҳлари ишлайди. Таянч (эксперт вараклар)ни тақдим этади	Гурух ичида умумий топшириқ бўлинади
3	Топширикни бажариш муваффақиятини, муомала маданиятини назорат қиласди	Ҳамма алоҳида топширикни бажарадилар ва барча мавзулар бўйича мустақил ишлайдилар. Гурух аъзоларини кичик маърузаларини тинглайдилар. Умумий маърузани ифодалайдилар
4	Гурухлардаги иш якунини ва натижалар тақдимотини эълон қиласди	Гурух сардорлари ёки ҳамма гурух маъруза тақдимотини ўtkазадилар.
5	Гурух натижаларининг таҳлили ва баҳолашини ўтказади, ғолиб-гурухни аниклади.	

### 3.4. “Ўйланг - жуфтликда ишланг - фикр алмашинг” техникаси

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

#### “Ўйланг - жуфтликда ишланг - фикр алмашинг” техникасидан фойдаланган ҳолда гурухларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.



2. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, бир - бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишга ҳаракат қиласди.



3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришни таклиф қиласди.

Қуидаги ўқув топшириқларини бажариш учун 3 гурұхға бўлининг:

1. Мустақил хоҳлаган шаклда “ҳамкорликдаги ўқиши”, “ўзаро ўқиши”, “биргаликда ўқиши” тушунчаларига, сизнинг фикрингиз бўйича, муносиб тавсиф ва белгиларни ёзинг.

2. Гурӯҳда биргаликда ёзилганларни муҳокама қилинг ва ушбу тушунчаларни бирга таққослаб таҳлил қилишга ҳаракат қилинг (график ташкил этувчилидан фойдаланишингиз мумкин).

3. Сиз учун учта ўқиши техникасидан қайси бири маъқул? Ўз жавобингизни асослаб беринг.

Ушбу мавзу бўйича гурӯҳ билимини акс этадиган кўргазмали тақдимотни тайёрланг.

Бошқа гурӯҳ аъзоларининг билимини текшириш учун саволларни тайёрланг.

### **I. Режа**

1. Таълим воситалари: тушунча ва мазмуни.
2. Графикли организерлар техникаси.

### **II. Асосий тушунча ва атамалар**

Таълим воситалари, таълимнинг техник воситалари (ТТВ), ёрдамчи таълимий воситалар (ЁТВ), ўқув-услубий материаллар (ЎУМ), Инсерт жадвали, кластер, тоифалаш ва концептуал жадваллар, Б/БХ/Б жадвали, Венна диаграммаси, SWOT - таҳлил жадвали, “Нима учун?”, “Балиқ склети”, “Каскад”, “Пирамида”, “Нилуфар гули” схемаси, “Қандай?” диаграммаси.

### **III. Мавзуни ва алоҳида саволларини ўрганиш учун фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати**

1. Дженини Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл/ Обучение сообща: чтение и письмо для развития критического мышления. Учебная программа.- // Бишкек: Фонд Сороса 1999.
2. Гулямов С.С. и др. Дистанционное экономическое образование. – Т.: Шарк, 2004.
3. Методы эффективного обучения взрослых. Учебно-методическое пособие. - М.: ИПК госслужащих, 1998.
4. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс: Учебник. В 2 кн. Кн.1: Общие основы. Процесс обучения. – М.: ВЛАДОС, 1999.
5. Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. -Т.: РТМ, 2000. - 46 б.
6. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. и др. Инструменты развития критического мышления. - Т.: Минвуз, 2002.

### **IV. Ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. “Таълим воситалари” тушунчасини асосланг. Унинг таълим бериш технологиясидаги ўрнини тушунтиринг.
2. Таълим беришнинг техник воситалари, ёрдамчи таълим воситалар, ўқув-услубий материаллар нима учун зарурлигини тушунтиринг.
3. Таълим воситаларини танлаш нимага боғлиқ эканлигини тушунтиринг.
4. Графикли ташкиллаштирувчиларга: Инсерт жадвали, кластер, тоифалаш жадвали, Б/БХ/Б жадвали, SWOT - таҳлил жадвали, “Нима учун”, “Балиқ склети”, “Поғона”, “Пирамида”, “Нилуфар гули” схемаси, “Қандай” диаграммаси хусусиятларини аниқ мисолларда тушунтиринг.

# 1. ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ: ТУШУНЧА ВА МАЗМУНИ

**Таълим воситалари** - ўқув материалини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

## **Таълим воситалари:**

1. Таълим беришнинг техник воситалари (ТТВ);
2. Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ);
3. Ўқув-услубий материаллар (ЎУМ).


**Таълимнинг техник воситалари (ТТВ)** - ўқув материалини кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материалини тушунишларига ва яхши эслаб қолишиларига имкон беради.

**Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ)** – графиклар, чизмалар, намуналар ва х.к. бошқ.

**Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ)** - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

Талабаларни ўқув - билиш фаолиятларини жадаллаштиришга ёрдам берувчи ҳар турдаги *таълим воситаларини танлаши ва улардан фойдаланиши қўйидагиларга боғлиқ*: 1)мақсадни белгилаш; 2) асосий билим манбаига; 3) таълим усулига; 4) ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблигига; 5) талабаларни ўқув имкониятларига.

## 1.1. Таълим воситаларининг таснифи



## 1.2. Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар

Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар:

- мақсадни белгилаш;
- ўқув ахборот мазмуни;
- таълим воситалари;
- етакчи билим манбаи;
- ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблиги.

## 1.3. ЎУМ турлари ва улардан фойдаланишнинг хусусиятлари

ЎУМ турлари	Хусусиятлари		
	қўлланилиши	мазмуни	расмийлаштириш
Йўриқ нома бериш	Алоҳида, жуфтликда ва гурухли иш доирасида гурухли топшириқни бажаришда	Бажариш учун тақдим этилаётган топшириқнинг аниқ ифодаланиши. Вақтга ва иш шаклига, кутилаётган натижага, натижани тақдим этиш шаклига, унинг баҳолаш мезонига қаратилиши.	Тузилмавийлик, аниқлик
Эслатма	Материални мустаҳкамлашда, дарс якунида ва мустақил қўллаш учун	Машғулотда ўтилган асосийларининг энг қисқа умумлаштирилиши	Қисқа тузилмавийликда асосий мазмунни баён этилишидан иборат; қисқа таклифлар, аниқ фикрлар, мисоллар; матн ўрнида чизма, расм, жадвал ва бошқалардан фойдаланиш.
Назорат варағи	Эгаллаган билимларни текширишда	Фикрлаш учун саволлар ва янги билимларни қўллаш	Ўқитувчи текширув натижаларини киритиш учун бўш жой бўлиши керак.
Тезислар	Машғулот олдидан - ёрдамчи қўлланма сифатида; Ўқув машғулот вактида - якун чиқаришда, машғулотга тайёрланган материални мустаҳкамлаш учун; - қисқа қайд этиш учун фаол воситадек; - ўқув машғулотидан сўнг - билимларни мустаҳкамлаш учун маълумотномадек.	Мавжуд машғулот мазмунига мос келиши ва уни тўлдириш зарур	Қисқалиги: имкони борича бир варақ А4. Талабалар шахсий фикрларини ёзишлари учун бўш жой бўлиши зарур.

## 2. ГРАФИКЛИ ОРГАНАЙЗЕРЛАР ТЕХНИКАСИ

**Графикли органайзерлар (ташкил этувчи)** – фикрий жараёнларни күргазмали тақдим этиш воситаси.

### 2.1. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситалари

График ташкил этувчининг тури, аҳамияти ва хусусиятлари

Ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг жараёнли тузилмаси

#### “ИНСЕРТ” жадвали

Мустакил ўқиш вактида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Инсерт жадвалини тўлдириш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида ўзлари

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар - жадвал устунларига “киритадилар” матнда белгиланган қуйидаги белгиларга мувофиқ:  
“V”- мен билган маълумотларга мос;  
“-“ - мен билган маълумотларга зид;  
“+” - мен учун янги маълумот;  
“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

#### Инсерт жадвали

V	+	-	?

#### КЛАСТЕР

(Кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли-барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун канадайдир бирор асосий омил атрофига гояларни йигиши.


Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасавурларни эркин ва очик жалб қилишга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варагининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади

Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзib қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиклар ёрдамида бирлаштирилади. Бу “йўлдошларда” “кичик йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки гоялар тугагунича давом этиши мумкин.

Мухокама учун кластерлар билан алмашинадилар.

## *Кластер*



### **Кластерни түзиш қоидаси**

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Гоялари сифатини мұхокама қилманд фактат уларни ёзинг.
2. Хатни тұхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омылларға эътибор берманг.
3. Ажратылған вақт тугагунча ёзиши тұхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тұхтаса, у ҳолда қачонки янги ғоялар келмагунча қофозга расм чизиб туринг.

### **ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ**

Тоифа-хусусият  
мұносабатларни  
намоён қилувчи (умумий) аломат.

Ажратылған аломаттар асосида  
олинган маълумотларни  
бирлаштыришни таъминлади.

Тизимли маълумотларни  
келириш, тизимлаштыриш  
кўникмаларини ривожлантиради.

Тоифали шархлашни түзиш қоидаси билан  
танишадилар. Ақлий хужум / кластер түзиш/ янги  
ўқув материали билан танишишдан сұнг, кичик  
гурухларда, олинган маълумот лавҳаларини  
бирлаштыриш имконини берадиган тоифаларни  
излейдилар.

Тоифаларни жадвал кўринишида  
расмийлаштирадилар. Ғояларни / маълумотларни  
тоифага мос равишда бўладилар. Иш жараёнида  
тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин.  
Янгилари пайдо бўлиши мумкин.


Иш натижаларининг тақдимоти

### **Тоифалаш шархини тузиш қоидаси**

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Битта мини - гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

### **Тоифалаши жадвали**

#### **Т о и ф а л а р**



### **Концептуал жадвал**

...тушунчаларга ёндашувлар	Тавсифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқалар

**Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ-** Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим.

Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гурухларда жадвални расмийлаштирадилар.

“Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.

Маъruzani тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.

Мустақил/кичик гурухларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

### ***Б/БХ/Б жадвали***

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

## **2.2. Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг йўл ва воситалари**

**ВЕННА ДИАГРАММАСИ - 2** ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши кўйиш учун қўлланилади.



Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.


Диаграмма Венна тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурхларда диаграмма Веннани тузадилар ва кесишмайдиган жойларни (x) тўлдирадилар

Жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққосладилар ва тўлдирадилар

Доираларни кесишувчи жойида, икки/уч доиралар учун умумий бўлган, маълумотлар рўйхатини тузади.

### ***Венна диаграммаси***





“SWOT – таҳлил” жадвалининг номи инглизча сўзларнинг бош ҳарфларидан тузилган:

**Strengths** – кучли томони, ташкиллаштиришнинг ички манбалари мавжудлиги назарда тутилади;

**Weakness** – кучсиз томони ёки ички муаммоларнинг мавжудлиги;

**Opportunities** – ташкиллаштиришдан ташқарида ривожланиш учун мавжуд, имкониятлар;

**Threats** – ташқи муҳитда ташкиллаштиришни муваффакиятига таъсир этувчи хавф-хатарлар.


### “SWOT - таҳлил” жадвали


<b>S</b>	<b>W</b>
<b>O</b>	<b>T</b>

Қоидага кўра, SWOT – таҳлил муваффакиятиуни ташкиллаштиришига боғлиқ бўлмай, балки муҳокаманинг натижалари келгусидаги аниқ таклиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқиша ҳисобга олиниши мумкин. Бундаги кетма-кетликлар қуидагида бўлиши керак:

	<i>Таҳлил тарқиблари</i>	<i>Натижаларни амалга оширишининг хусусиятлари</i>
<b>S</b>	Кучли томонлари (ташкиллаштиришнинг ички манбалари)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- барқарор ривожланишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қиласи;</li> <li>- янги лойиҳалар асоси ҳисобланади;</li> <li>- тўсиқларни енгиб ўтишининг йўли бўлиши мумкин.</li> </ul>
<b>W</b>	Кучсиз томонлари (ташкиллаштиришнинг ички муаммолари)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ташкиллаштириш фаолияти айнан шуларни енгиб ўтишга йўналтирилган бўлиши лозим;</li> <li>- янги лойиҳалар учун энг муҳим мақсад ҳисобланади;</li> <li>- ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида албатта ҳисобга олинishi зарур</li> </ul>
<b>O</b>	Имкониятлар (ташқаридан)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча кўрсаткичи ёки ташқи манба бўлиб хизмат қиласи,</li> <li>- улар ташкиллаштиришнинг мақсади билан ёки қанчалик муросага келишиши билан қанчалик мос келишини ҳисобга олиш зарур бўлади;</li> <li>- янги лойиҳаларнинг асоси ёхуд ҳамкорликни излаш манбаси бўлиши мумкин.</li> </ul>
<b>T</b>	Хавфлар (ташқаридан)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ҳар бир янги лойиҳада ҳисобга олинishi зарур;</li> <li>- уларни енгиб ўтиш ёки бетараф этиш йўллари ишлаб чиқилиши керак;</li> <li>- баъзида мантиққа мос келмайдиган “рақиблар” “иттифоқчиларга” айланиши бўлиши мумкин.</li> </ul>


### **2.3. Муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишини режалаштиришнинг йўллари ва воситалари**







## “Нима учун?” чизмасини түзиш қоидалари

1. Айлана ёки түғри түртбұрчак шакллардан фойдаланишиң үзингиз танлайсиз.
  2. Чизманинг күринишини - мулоҳазалар занжиринитүғри чизиқлами, түғри чизиқларының өзінде орналасып, олардың мөлдөмдүктерін сипаттауда көз аспада.
  3. Йұналиш құрсақтың орталығынан жағынан жаңынан салынғанда оның қалыптасуынан көрсетілгенде оның өзінде орналасып, олардың мөлдөмдүктерін сипаттауда көз аспада.



## **“Балиқ скелети” чизмаси**





Сизга муаммолар ишларни керак? шакида ишларни билимайди. Муаммо асосан “Буни қандай қилиш керак?” ишларни керак? – муаммони ишларни асосий савол ўсюбланади.

Иерархия диаграммаси муаммо шакида бутунлигича умумий ишларни билишга имкон берадиган саволлар мантиқий занжири тузади.

### Куйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунувчи “Қандай?” диаграммаси

Равишда “Қандай?” саволини қўйиш орқали сиз фақат этишининг барча имкониятларини тадқиқ этибгина қолмай, алга ошириш усуllibарини ўзм өрганасиз.

Стратегик даражадаги савол билан иш бошлайди. Муаммони ўсюб (қўйи) даражаси биринчи навбатдаги ўзракатлар рыйхатига тозим бўлади.

Кандай?  
Кандай?  
Кандай?  
Кандай?  
Кандай?

Кандай?  
Кандай?  
Кандай?  
Кандай?  
Кандай?

Кандай?  
Кандай?  
Кандай?  
Кандай?

Савол схемада бир қанча “шохлар”да қайтарилса, демак Кандай?  
имдир. У муаммони ишларни тузади.

Ларни график кирнишда қайд этишини ъвингиз ишларни тузади. Кандай?  
Кандай?  
Кандай?  
Кандай?  
Кандай?

Из тығыри савол берсангиз ва оптимистик бўиссангиз, у ирлда  
техника) ишларни тузади. Кандай?  
Кандай?  
Кандай?  
Кандай?

### **“Қандай?” диаграммасини қуриш қоидалари**

1. Күпгина ҳолларда муаммони ечишда “німа қилиш керак”ligи тұғрисида үйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишда “буни қандай қилиш керак?”, “қандай”асосий саволлар юзага келишидан иборат бўлади.

“Қандай” саволларининг изчил берилиши қуйидагилар имконини беради:

- муаммони ечиш нафақат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириш йўлларини ҳам тадқиқ қилиш;
- қуйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунадиган ғоялар тузилмасини аниқлайдилар.

Диаграмма стратегик даражадаги саволлар билан ишлашни бошлайди. Муаммони ечишнинг пастки даражаси биринчи галдаги ҳаракатларнинг рўйхатига мос келади.

2. Барча ғояларни ўйлаб ўтирасдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезликда ёзиш керак;


3. Диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин.

4. Агарда чизмада савол унинг “шохларида” бир неча бор қайтарилса, унда у бирор мухимликни англатади. У муаммони ечишнинг асосийси бўлиши мумкин.

5. Янги ғояларни график кўринишда: дараҳт ёки каскад кўринишидами, юқоридан пастгами ёки чапдан ўнгда қайд қилинишини ўзингиз ҳал этасиз.

6. Агарда сиз ўзингизга тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлади

### **Тузилмавий-мантиқий чизма “Погона”**



### **Тузилмавий-мантиқий чизма “Погона”ни қуриш қоидалари**

1. “Погона”ни тузиш жараёнида тизимли схеманинг таркибий қисми ва элементларини силжитиш мумкин – бу у ёки бу ҳолатни қайта фикрлаш имконини беради.

2. Агарда сиз ғояларни ишлаб чиқишда тор йўлакка кириб қолсангиз, у холда бир-икки даражада юқорига қайтинг ва мухим нарсани унутмаганингизга ҳамда бошқача нимадир қилиш мумкин эканлигини кўриб чиқинг.

3. Сиз чапдан ўнгга ёзишга ўргангансиз. “Каскад” қуришни ўнгдан чапга қараб тузишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун асосий ғояни чап тарафда эмас, балки ўнг тарафда жойлаштиринг.

### “ПИРАМИДА” чизмаси -


Гояларни куйидан юқорига босқичма-босқич тақдим этиш воситаси.

Тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради ва фаоллаштиради

Чизмани тузиш коидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурхларда чизма тузадилар: аввал асосий муаммони (гоя, вазифа) ёзадилар, сўнгра кичик муаммоларни, уларнинг ҳар биридан эса, кичик муаммони батафсил кўриб чиқиш учун “кичик шохчаларни” чиқарадилар. Шунга асосан ҳар бир гоялар ривожланишини батафсил кузатиш мумкин.

Иш натижаларининг тақдимоти

### “Пирамида” чизмаси



да сизга муаммолар ўзл этишда “Нима қилиш керак?” шақида былийди. Муаммо асосан “Буни қандай қилиш керак?” “Қандай?” – муаммони ўзл этишда асосий савол ўзобланади.

ерархия диаграммаси муаммо шақида бутунлигича умумий былишга имкон берадиган саволлар мантиқий занжирини ташкил эти.

равиша “Қандай?” саволини қўйиш орқали тишининг барча имкониятларини тадқиқ этибди. Муаммони ўзл марказига ёзадилар. Марказий түрбурчакларга ёзилган гояларни, атрофидаги жойлашган саккизга тўрт бурчакларнинг

ратегик ғарнадаги саволларни ишлайди. Муаммони ўзл марказига ёзадилар. Марказий түрбурчакларнинг атрофидаги жойлашган саккизга тўрт бурчакларнинг

и (куйи) даражада биринчифа авбатмада шарқатларни ташкил этибди. Муаммодек кўрилади

### “НИЛУФАР ГУЛИ” чизмаси -

Муаммони ўзл марказига ёзадилар. Марказий түрбурчакларнинг

кўринишини намоён қиласи.

Унинг асосини тўққизта катта

тўрт бурчаклар ташкил этади.

Тизимли фикрлаш, таҳлил

қилиш кўникмаларини

ривожлантиради ва

иёч қатон фойдаланишидади: унга

ва уларни бўваро солиштирмай тозакда барча

кичилик шохчаларни ташкил этибди.

Иш натижаларининг тақдимоти

вол схемада бир қанча “шохлар”да қайтарилса, демак Узбекистонниң муаммодек кўрилади. Унинг мушъими

арни график къринишда қайд этишини ъвингиз ўзл этишини ташкил этибди. Юқоридан пастга ёки чапдан ынгга. Энг мушъими батан къиңи миқдордаги фойдали гоялар ва муаммо ечимларини берадиган усул энг мақбул усул ўзобланади.


тығри савол берсангиз ва оптимистик былсангиз, унга (тактика) ўзл қандай муаммо ечимини топиб беришни

арда сизга муаммолар ўзл этишда “Нима қилиш керак?” шақида

Чизмани тузиш коидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурхларда чизма тузадилар: аввал асосий муаммони (гоя, вазифа) ёзадилар, сўнгра кичик муаммоларни, уларнинг ҳар биридан эса, кичик муаммони батафсил кўриб чиқиш учун “кичик шохчаларни” чиқарадилар. Шунга асосан ҳар бир гоялар ривожланишини батафсил кузатиш мумкин.

Иш натижаларининг тақдимоти

### **“Нилуфар ғули” чизмаси**



### **“Нилуфар” ғули чизмасини тузиш қоидалари**

Амалий нуқтаи назардан барча гояларни ихчам деб тасаввур қилинг (битта-иккитаси билан чегараланинг), бу ҳам ақл учун фойдали машқ ҳисобланади.

Сизга катта қофоз варағи зарур бўлади. Доимо ўзингиз мушоҳадаларингиз натижасини бир варақ қофозда кўриш фойдали ҳисобланади. Қарама-қарши ҳолда эса сизга бир варақдан бошқасига сакраб юришингизга ва бунда зарурий бирор муҳим нарсани унтишингизга олиб келади.

**I. Режа**

1. Маъруза - ОУЮ таълим ташкиллаштиришнинг асосий шакли.
2. Маърузада ўқитиш технологиясининг жараёнли тузилмаси.
3. Маърузаларда таълим бериш технологияси.

**II. Асосий тоифа ва тушунчалар**

Маъруза, кириш маъруза, якуний маъруза, умумлаштирувчи маъруза, муаммоли маъруза, қўшилган маъруза, олдиндан кўзланган хатоликлар билан маъруза, маслаҳат маъруза, ахборотли маъруза, маърузаларда таълим технологияси

**III. Мавзуни ва алоҳида саволларини ўрганиш учун фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар и педагогик маҳорат - Т.: ТДПУ, 2003.
2. Ахунова Г.Н. Образовательная технология по курсу “Маркетинг в сфере образования” // Из серии “Технологии обучения в экономическом образовании”.- Т.: ТГЭУ, 2005
3. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах / Учебное пособие / Под общ ред. Акад. С.С. Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
4. Дженнин Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл. Обучение сообща: чтение и письмо для развития критического мышления. Учебная программа - Бишкек: Фонд Сороса – 1999.
5. Методы эффективного обучения взрослых: Учебно-методическое пособие. - М.: ИПК госслужащих, 1998.
6. Реан А, Бордовская Н, Розум С. Психология и педагогика. - СПб.: Питер, 2003.
7. Ў.Қ. Толипов, М. Усмонбоева. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Т.: Фан, 2005
8. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. и др. Инструменты развития критического мышления. - Т.: Минвуз, 2002.
9. Шадмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории: Методическое пособие. - Т.: Центр “Янги аср авлоди”, 2004.
10. Шадмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д., Халикова Г.М. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. - Т.: ФАН, 2002.

#### **IV. Ўз-ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар**


1. Нима учун маъруза ТТ элементи ҳисобланади? тушунтириб беришга ҳаракат қилинг.
2. Маърузага, таълим бериш усуллариdek тавсиф беринг.
3. Маъруза усулининг самарадорлик шартларини айтинг ва уларнинг кенгайтирилган тавсифларини беринг.
4. Маърузага, таълим беришни ташкиллаштириш шакллариdek тавсиф беринг.
5. Маъруза шаклидаги таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириб беринг.

### **1. МАЪРУЗА - ОЮ ТАЪЛИМ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛИ**

Маъруза - ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланиб, куйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

- йўналтирувчилик-талабаларни ўқув материалининг асосий ҳолатларига, уни келгуси иш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига диққат қилишларига имкон беради;
- ахборотлилик- ўқитувчи маъруза вақтида ҳолат, асосий илмий далиллар ва хуносалар моҳиятини очиб беради;
- методологиклик- маъруза вақтида ўқитиш усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асослари намоён этилади;
- тарбияловчилик-маъруза ўқув материалига ҳиссий-баҳолаш муносабатида бўлишни уйғотиш;
- ривожлантирувчилик - билим олиш қизиқишиларини, яъни мантиқий фикрлаш ва исботлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

## 1.1. Маърузанинг самарадорлик шартлари



## 1.2. Педагогик техникани қўллаш

### Педагогик техника

Аудитория бўйича ҳаракат қилиш лозим, ҳамма вақт кафедра орқасида турманг, меъёридан оширмасдан имо-ишорадан фойдаланинг

Материални жонли тилда, мисоллар ва таққослашлар билан баён килинг

Ўз фанига бўлган қизиқишини ва талабалар нимани ва қандай ўзлаштиришларига бефарқ эмаслигини кўрсатиш лозим, бунда ўз ишига масъулиятлилик уларни руҳлантиради

Ўқув материалини баён қилишнинг мақбул суръати (температура)ни танлаш лозим: у таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаларига мос келиши лозим ва маъruzанинг асосий ҳолатларини ёзиб олишга имкон бериш учун у жуда тез бўлиши керак эмас

### Маъruzага талабалар иштирок этиш элементини киритиш зарур:

Саволлар бериш ва талабалар жавобларидан фойдаланиш, бунда уларнинг аҳамиятини кўрсатиш

Вақтинча эркин фикр алмашишга рухсат бериш, бу зўриқишини пасайтиради ва ҳиссий куч беради

Аниқ ҳолатларни, жумладан муаммоли вазиятларни аниқлаш, ҳар кунги ҳаётдан мисоллар келтириш

Талабаларда саволлар беришга қизиқишини уйғотиш

.  
Аввал ўрганилганлар билан, яъни янги ҳолат ва далилларни таққослаш

Материални тушунишнинг дабдабали ва аниқловчи саволларини қўллаш

н ...

### 1.3. Маъруза шаклида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари

<b>Маъруза шакллари</b>	<b>Ўзига хос хусусиятлари</b>
Маълумотли	<p>Маърузанинг энг анъанавий тури.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> ўқув маълумотини баён қилиш ва тушунтириш</p>
Умумлаштирувчи қисқа маълумотли	<p>Курсни ёки унинг катта бўлимларини баён этилган назорат ҳолатлари негизини, аввалом бор илмий-тушунчавий ва концептуал асос ташкил этади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> Илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш. Ички ва фанлараро алоқаларни ёритиб бериш.</p>
Муаммоли	<p>Янги билимлар савол / вазифа / вазиятларни муаммолиги орқали амалга оширилади. Бунда талабалар билими ўқитувчи билан ҳамкорликда ва сухбатда тадқиқотчилик фаолиятига олиб келинади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотини ёритиб бериш; муаммони аниқлаш уни ечиш / жамлаш ва анъанавий ва замонавий нуқтаи назарни таҳлил қилишни ташкиллаштириш</p>
Кўргазмали	<p>Бундай маърузанинг олиб борилиши кўрилаётган материалларни очиқ ҳолда ва қисқа шарҳлашга олиб келинади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> маълумот мазмунини таълимнинг техникавий воситалари ёки аудио техникалар ёритиб бериш</p>
Бинарли	<p>Бундай маърузани олиб борилиши икки ўқитувчи / 2-мактаб вакиллари / олим ва амалиётчилар, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги сухбатни намоён қиласди</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотларни икки томон нуқтаи назарларини таққослаш орқали ёритиб бериш</p>
Олдиндан кўзланган хатоликлар билан	<p>Ўқитувчи онгли равишда йўл қўйган мазмунли, методологик хатоларни: талабалар томонидан топишга қаратилган. Маъруза якунида талабаларнинг ташҳиси ва қўйилган хатоликлари таҳлили олиб борилади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги материал мазмунини ёритиб бериш; талабаларни таклиф этилаётган маълумотни доимо назорат қилишларига қизиқтириш</p>
Анжуман	<p>Ўқитувчи томонидан тайёрланган дастур миқёсида, олдиндан белгиланган муаммо ва маъруза тизими билан илмий-амалий машғулот олиб борилади.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> янги ўқув маълумотини ёритиб бериш, талабаларни янги ўқув маълумотини излаш ва тизимлаштиришга ҳаракат қилдириш</p>
Маслаҳатли	<p>Турли йўл билан ўтказилиши мумкин. 1. “Савол-жавоб”. Ўқитувчи маъруза давомида бутун курс ёки бўлим бўйича талабаларнинг саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоб-мунозара”. Янги маълумотни нафақат баён этади, балки ва қўйилган саволларга жавоб излаб топишни ташкиллаштиради.</p> <p><i>Педагогик вазифалар:</i> талабалар билимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, уларни янги маълумотлар билан тўлдириш</p>
n...	

## **2. МАЪРУЗАДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ ЖАРАЁНЛИ ТУЗИЛМАСИ**

**I босқич.** Ўқув машғулотига кириш - ўқув машғулотининг мавзусини ифодалаш, мустақил ўқиши учун мавзу, мақсад, вазифа ва маъруза режаси, адабиётларни, ушбу мавзу бўйича калитли тоифалар ва тушунчаларни, ўз-ўзини текшириш учун савол ва топширикларни маълум қилиш.

**II босқич.** Асосий, ахборотли - маъруза машғулоти режасига қатъий риоя қилиш, ўқув машғулотининг технологик харитасига биноан таълим мақсадларини амалга ошириш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг тартибий ҳаракатлари.

**III босқич.** Якуний – натижавий - якуний хулосалар қилиш, ушбу мавзу бўйича асосий ўқув ахборотига таълим олувчилар эътиборини қаратиш. Ўзаро баҳолаш ва ўзининг фаолияти ҳақида фикр юритишни ташкиллаштириш; бажарилган ишни келгуси касбий фаолияти учун аҳамиятлилиги тўғрисида маълум қилиш.

## **3. МАЪРУЗАЛАРДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

### **3.1. Кириш маърузасида таълим бериш технологияси**

Анъанавий таълим бериш тизимида ўқув материалини тузиб чиқишининг бирлиги “мавзу” ҳисобланади. Талаба учун ўқув материалининг ҳақиқий бирлиги бўлиб, ўқув машғулоти хизмат қиласи, мавзу эса уни ўрганишнинг ўқитувчи томонидан эълон қилинадиган фақат номланишидир.

Шу боис, талабалар алоҳида ўқув бирликлари ўртасидаги алоқа ва ўзаро алоқани аниқ англамасдан мавзуни ўрганадилар: бу ерда ўқув материалини “бўлаклаб-мазувий” ўрганиш хусусияти кўриниб турибди.

Ҳозирги вақтда ўқув материалини тузилмага солиш модул асосида амалга оширилмоқда. Бу ҳам талабада бирданига ҳаракатнинг тўлиқ йўналишини, яъни барча қисмлар (ўқув ёки модул бирликлар) ўртасидаги алоқаларни аниқлаш улар томонидан берилган ўқув материали чегарасида БМК изчилликда эгаллаш дегани эмас.

Ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантиришнинг психологик назариясига мувофиқ, бу муаммо ўқитиш тузилмасига қизиқтирувчи босқични киритиш орқали ҳал этиш мумкин. Унинг вазифаси - таълим олувчиларда кутилаётган ўқув материалини эгаллаш учун қизиқиш (бизнинг ҳолатда-ўқув фани/курс) таъминлаш, модомики ҳаракатнинг тўлиқ йўналиши ўқув материалини барча ташкил этувчилари ўртасидаги алоқани аниқлаши мумкин.

Олий мактабда таълим фан/курснинг қизиқтирувчи босқичи кириш маърузаси ҳисобланади. Унинг мақсади-ўқув фани/курси тўғрисида биринчи умумий тасаввурни бериш ва талабалрни иш жараёнида, олдиндаги ўқув

фаолияти натижаларига ва уларни назорат тизими ва баҳолашига йўналтириш ҳисобланади.

*Педагогик вазифалар қуийидагилардан иборат:*

- талабаларни фан/курснинг аҳамияти, вазифаси ва унинг ўрни, ўқув фанлар тизимида ҳамда қасбий тайёргарлигидаги ўрни билан таништириш;
- тузилмага қисқача шарҳ бериш, фанни ва амалиёт ривожланишини, бунда машҳур олимларнинг номини айтиб, бу соҳадаги эришилган ютуқларни ёритиб бериш;
- ушбу билимлар соҳасидаги тадқиқот истиқболлари йўналишларини баён этиш;
- фан/курс доирасида услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини ёритиш;
- тавсия этилаётган ўқув - услубий адабиётлар таҳлилини амалга ошириш;
- ҳисобот/баҳолаш шакллари ва вақтни аниқлаш.

### **3.2. Мавзувий маъruzаларда таълим бериш технологияси**

#### **Мавзувий маъruzаларда таълим бериш технологиясининг вариантлари**

*(Талабаларга олдиндан маъруза матнлари берилган)*

**I босқич.**

1.1. Маъруза мавзусини эълон қиласи, (талабаларга тарқатилган матнда мавжуд) асосий савол, аҳамиятли тушунча ва сўзларни эслатади.

1.2. Маъруза машғулотининг кутилаётган ўқув натижалари ва уни олиб бориш режаси билан таништиради.

**II босқич.**

2.1. *Вазифани эслатади:* Инсерт техникасидан фойдаланиб, маъруза матнини ўқиб чиқиш. Танишиб чиқиш учун ўртоғи билан матн алмашишни таклиф этади.

*2.2. Талабаларни эркин бўлиши белгиси бўйича гурухларга бўлади.*

**1 - вариант**

- Мавзу бўйича “эксперт” бўлишларини маълум қиласи.
- Эксперт варакларини тарқатади - уларнинг матнини кодоскоп орқали намойиш этади ва шарҳлайди.
- Гурухларда иш бошланганини маълум қиласи: жамоавий ёки жуфтликларга бўлинib саволларга жавоб тайёрлайдилар.
- Тақдимот бошланганлигини эълон қиласи.

Гурух сардори/гурух аъзолари улар томонидан ўзлаштирган материални намойиш этувчи материаллардан фойдаланиб баён қиласидилар; бошқа гурух таклифига қўшилишлари ёки қўшилмасликларини асослайдилар; саволларга жавоб берадилар.

Ўқитувчи маслаҳатчи вазифасини бажаради.

## **2 - вариант**

• Хар бир гурух аъзоси мавзу бўйича “эксперт” бўлишларини ва бошқаларни ўқитишиларини (“Илон изи” техникаси) маълум қиласди.

• Саволлар микдорига боғлиқ ҳолда, ўзлаштириладиган материал бўйича, барча талабаларга ишлашлари кутилаётган, эксперт гурухи рақамини (1, 2, 3, 4, 5) тарқатади.

• Ўзларини рақамларига мос равишда кичик гуруҳларга бирлашишларини айтади. Гуруҳларга эксперт рақамини тарқатади, уларнинг матнини кодоскоп орқали экранга чиқаради ва шарҳлайди. Худди шундай иш натижаларининг баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.

• Гуруҳларда иш бошланганини маълум қиласди: жамоавий ёки жуфтликларга бўлиниб, ўрганаётган материални камроқ график/жадвал шаклида тақдим этишга ҳаракат қилиб, саволларга (бундай ҳолатда натижалар албатта жамоавий муҳокама қилинади), жавоб тайёрлайдилар.

• Экспертлар ўзларининг дастлабки гуруҳларига қайтадилар ва бошқаларни ўқитадилар.

• Ўқитувчи томонидан таклиф этилган “ўзини текшириш учун саволлар рўйхати”га асосланиб, ўкув материалини ўзлаштириш даражаси текширувини олиб боради.

Ўқитувчи, агар иш 1-вариант бўйича бажарилган бўлса, ҳар бир гурух тақдимотининг якуни бўйича хulosалар қиласди, талабалар диққатини асосийга қаратади. Ўкув материалини ўзлаштириш даражасини текшириш мақсадида тезкор-савол беради.

Агар иш 2-вариант билан бажарилган бўлса, умумлаштирувчи хulosалар қиласди, талабалар диққатини асосийга қаратади. Ўкув материалини ўзлаштириш даражасини текшириш мақсадида тезкор-савол беради.

## **III босқич.**

3.1. Хulosса қиласди, талабалар диққатини асосийга қаратади.

3.2. Гуруҳларга ўзаро баҳолашнинг якунини маълум қилишларини айтади натижаларни шарҳлайди. Келгусидаги касбий иш фаолиятлари учун бажарилган ишларнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтади.

3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва тушунтиради.

## **Мавзувий маъruzada таълим бериш технологиясининг варианлари**

*(Талабаларга олдиндан маъруза матнлари берилган)*

**I босқич.** Маъруза мавзусини эълон қиласди, (талабаларга тарқатилган матнда мавжуд) асосий савол, аҳамиятли тушунча ва сўзларни эслатади. Маъруза машғулотининг кутилаётган ўкув натижалари ва уни олиб бориш режаси билан таништиради.

## **II босқич.**

2.1. Танлаган вариантга (олтитадан биттаси) мувофиқ ҳаракат қиласди.  
(Вариантни танлаш мақсадни белгилаш, вақт, ўкув ахборот мазмуни

ҳажмига боғлиқ):

- *Жалб савол* ва топшириқлар беради:

- билимларни долзарблаштириш ва қайта такрорлашга (масалан, “Мавзу бўйича қандай билимларга эгасиз?” ... айтиб беринг, ... баён этинг);
- дикқатни фаоллаштиришга (“Сиз нима деб ўйлайсиз, ... сизнинг келгуси касбий иш фаолиятингизда зарур бўладими?”);
- талабаларни билганлари билан ва ушбу босқичда улар ўзлаштиришлари керак бўлганлар ўртасидаги алоқани аниқлаш.

- *Муаммоли саволлар* беради:

- уларни ечишни мустақил излашлари мақсади билан талабаларни қарама-қаршиликка олиб келувчи бир қатор саволлар;
- муаммони турли томондан кўриб чиқиладиган, саволлар;
- “*Oчиқ*” саволлар беради (ёзув тахтасида тестни ёзиш/экранга чиқариш) ва “Ўйлаб кўришни/жуфтликларга бўлинишни/фикарлар билан алмашишни” таклиф этади.

- Қисқа, бир маънога эга жавоблар (“Ҳа” ва “Йўқ”, “Тўғри” ва “Нотўғри”) беришни талаб этувчи, мавзунинг муҳим жиҳатларини ёритувчи бир қатор саволларни беради.

- “*Кутиши йўлдоши*” техникасини қўллайди.

- “*Ақлий ҳужум*” усулини қўллайди.

- *Графикли ташкилотчилар*: “Б/БХ/Б” жадвали, Инсерт жадвали, кластерлар, тоифали жадвални қўллайди.

2.2. Ўзининг хоҳишига кўра, уни олиб боришнинг хоҳлаган шаклини танлаб маъруза ўқийди. Бунда у қўйидагилардан фойдаланилиши мумкин:

- Қўйидаги графикли ташкилотчиларни: муаммолар сабабини аниқловчи диаграмма; хронологик жадвал; кластер; тоифали жадвал; тузилмавий-мантиқий чизма; Т-чизма ва бошқалар.
- таълимни ташкиллаштиришнинг шундай шаклларини, яъни оммавий, жамоавий ёки гурухларда жуфтликлардаги ишлаш.

### III босқич.

3.1. Хулоса қиласи, талабалар дикқатини асосийга қаратади.

3.2. Агар II босқичда “Кутиш йўлдоши” техникаси қўлланилган бўлса, унда талабаларга асосий тушунча ва атамаларни таклиф этилган маълумот ва уни баён этиш тузилмасининг қўлланиш тартиби билан уларнинг башпоратларини таққослашни таклиф этади. Натижаларни шарҳлайди.

3.3. Келгусидаги касбий иш фаолиятлари учун бажарилган ишларнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтади.

3.4. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради ва шарҳлайди.

### 3.3. Маърузаларда намунавий моделлар ва технологик хариталар

#### *МАЪЛУМОТЛИ КИРИШ - МАЪРУЗАСИДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАЛАР*

##### **Маълумотли кириш - маързасида таълим технологияси модели**

<i>Вакт: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 25 та</i>
<i>Ўқув машгулотининг шакли</i>	<i>Маълумотли кириш - маъруза</i>
<i>Ўқув машгулотининг тузилиши</i>	
	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўқув курси ва машгулот мавзусига кириш</li> <li>2. Билимларни фаоллаштириш - ақлий ҳужум</li> <li>3. Маъруза матнини тарқатиш</li> <li>4. Маързани power Point тартибида олиб бориш.</li> <li>5. Асосий атамаларни аниқлаш-пинборд</li> <li>6. Якунлаш. Баҳолаш</li> </ol>
<i>Ўқув машгулот мақсади:</i> Ўқув фани тўғрисида умумий тасаввурларни бериш	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолият натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- ... фаннинг аҳамияти ва вазифалари, уни ўқув фанлар тизимида тутган ўрни билан таништириш;</li> <li>- ... ўқув фани тузилишини ва тавсия этилаётган ўқув-услубий адабиёт-ларни шарҳлаш;</li> <li>- ... назария ва амалиёт соҳасидаги ютуқларни ёритиш;</li> <li>- ... фан миқёсидаги услубий ва ташкилий ишлар хусусиятлари, муддат ва баҳолаш шаклларини очиб бериш;</li> <li>- ... ташкиллаштириш, ...жараённинг умумий чизмасини тавсифлаш;</li> <li>- ... жараённи ташкиллаштиришнинг асосий босқичларини ифодалаш;</li> <li>- ... жараённи тушунтириш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ...фаннинг аҳамияти ва вазифаларини ифодалайдилар;</li> <li>- ... ўқув фани тузилишини ва тавсия этилаётган ўқув-услубий адабиётларни шарҳлайдилар;</li> <li>- ... назария ва амалиёт соҳасидаги ютуқларни ёритадилар;</li> <li>- ... фан миқёсидаги услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини, муддат ва баҳолаш шаклларини очиб берадилар;</li> <li>- ... жараённинг умумий чизмасини тавсифлайдилар;</li> <li>- ... жараённи ташкиллаштиришнинг асосий босқичларини ифодалайдилар;</li> <li>- ...жараённи тушунтирадилар.</li> </ul>
<i>Таълим усуллари</i>	<i>Маъруза, пинборд, ақлий ҳужум</i>
<i>Таълимни ташкиллаштириши шакли</i>	<i>Оммавий, жамоавий</i>
<i>Таълим воситалари</i>	<i>Маъруза матни, компьютер, графикили ташкил этувчилар</i>
<i>Таълим бериши шароити</i>	<i>Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона</i>
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	<i>Оғзаки сўров: тезкор - сўров.</i>

## Маълумотли кириш - маърузасининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич. Ўкув машғулотига кириш (20 дақ.)	<p>1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва қутилаётган натижаларни етказади. Экранга фаннинг тузилмавий-мантиқий чизмасини (№ илова) чиқаради, мавзуларнинг ўзаро алоқасини ёритади, уларга қисқа тавсиф беради, фан миқёсида бажариладиган услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини тушунтиради.</p> <p>Рейтинг-назорат тизими, жорий, оралик, ва якуний назоратни баҳолаш мезонлари (№ илова) билан таништиради.</p> <p>Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.</p> <p>1.2. Биринчи ўкув машғулоти мавзуси, мақсад ва ўкув фаолият натижаларини айтади.</p> <p>1.3. Ақлий ҳужум усули ёрдамида ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади. Ақлий ҳужум усули қоидасини (№ илова) эслатади. Барча айтилаётган таклифларни ёзув тахтасига ёзib боради. Ушбу иш машғулот якунида тугатилишини маълум қиласди.</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Тушунчаларни айтадилар</p>
2-босқич. Асосий (50 дақ.)	<p>2.1. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади ва унинг режаси, асосий тушунчалар билан танишишни таклиф қиласди.</p> <p>2.2. Слайдларни Power point тартибида (№ илова) намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий ҳолатларни баён қиласди. Жалб қилувчи саволлар беради; мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хуносалар қиласди; энг асосийларига эътибор қаратади; берилаётган маълумотларни дафтарга қайд этишларини эслатади.</p> <p>2.3. Ёзув тахтасида ёзилган тушунчаларга қайтишни таклиф этади. Талабалар билан бирга фанга тааллукли бўлмаган ва қайтарилювчи маълумотларни олиб ташлайди, муҳим асосий тушунчаларни (Пинборд) киритади (№ илова).</p>	<p>Ўқийдилар.</p> <p>Тинглайдилар, жадвал ва чизмаларни дафтарга кўчириб оладилар. Саволлар берадилар.</p> <p>Асосий тушунчаларни муҳокама қиласдилар. Маълумотларни дафтарга қайд қиласдилар.</p>
3-босқич. Якуний (10 дақ.)	<p>3.1. Мавзу бўйича якун ясайди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Гурухлар ишини баҳолайдилар,</p> <p>3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонлари билан таништиради</p>	<p>Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар.</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p>

**МУАММОЛИ - МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ ВА  
ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАЛАР**

**Муаммоли - маърузада таълим технологияси модели**

<i>Вақт: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 25-50 та</i>
<i>Ўқув машгулотининг шакли ва тури</i>	Муаммоли маърузада
<i>Маърузада режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1.</li> <li>2.</li> <li>3.</li> </ol>
<i>Ўқув машгулот мақсади:</i> ... тўғрисида умумий тасаввурларни шакллантириш	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - ...моҳиятини тушунтириш; -...ҳаракатланиш шартлари турларини, асосларини, иқтисодий ўрни ва вазифаларини тавсифлаб бериш; - ...баҳолашни асосий усул ва кўрсаткичларини очиб бериш; - ...иборат бўлган, муаммони ифодалаш; -...муаммоларни кўрсатиш; -...муаммони ечиш жараёнининг изчиллигини тушунтириш; - ...муаммони ечиш йўлларини излаш имконини тақдим этиш.	<i>Ўқув фаолият натижалари:</i> - ...моҳиятини тушунтирадилар; -...ҳаракатланиш шартлари турларини, асосларини, иқтисодий ўрни ва вазифаларини тавсифлаб берадилар;  - ...баҳолашни асосий усул ва кўрсаткичларини очиб берадилар; - ...иборат бўлган, муаммони ифодалайдилар; - ...муаммоларни кўрсатадилар;  -...муаммони ечиш жараёнининг изчиллигини тушунтирадилар; -...муаммони ечиш тўғрисида яқуний хулосалар қиласадилар.
<i>Таълим усуллари</i>	Маърузада, муаммоли усул, ақлий хужум, мунозара, биргаликда ўқиш, тезкор-сўров, тақдимот
<i>Таълимни ташкиллаштириши шакли</i>	Оммавий, жамоавий, гурухли
<i>Таълим воситалари</i>	Маърузада матни, компьютер, кўргазмали материаллар, чизмалар, маркер, скоч
<i>Таълим берииш шароити</i>	Гурухларда ишлашга мўлжалланган, маҳсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб, муаммони ечиш бўйича ўқув топширигини бажариш

## Муаммоли маърузанинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақ.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказади. Машғулот муаммоли маъруза шаклида боришини маълум қиласди.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар
2-босқич. Асосий (70 дақ.)	<p>2.1. Талабалар билимини сухбат шаклида фаоллаштиради (№ илова). Билимларни фаоллаштириш жараёнида ўқув муаммосини ечиш бўйича изланувчилик фаолиятида фаол иштирок этишлари учун талабаларнинг эгаллаган билимлари етарлилигини аниқлайди.</p> <p>2.2. Фаоллаштирилган билимлар асосида талабаларни машғулотда ечиладиган муаммога “олиб киради”, ва уни ифодалайди. Уни ечишни ташкиллаштиради. Талабалар билан бирга таҳлил қиласди, уларда пайдо бўлган қийинчиликларни аниқлайди.</p> <p>2.3. Муаммони ечиш йўлларини излашни ташкиллаштиришга ўтади: биринчи кичик муаммони ифодалайди, сўнгра муаммоли саволларни бериб ва улар жавобларини муҳокама қилиб, талабаларни уни ечиш йўлини излашга, яъни биринчи оралиқ хуносага олиб келади. Шу тарзда кейинги муаммоларни ечиш йўлларини излашни ташкиллаштиради. Машғулотни ташкиллаштириш учун ёрдамчи савол ва хуносалар (№ илова), кўргазмали материаллардан (№ илова) фойдаланади.</p> <p>2.4. Талабаларни кичик гурҳларга бўлади, тақдимот учун қофозларни, маркерларни тарқатади; муаммони ечиш “Ечимлар дарахти” тасвирлашни, беради. Гурухларда иш бошланганлигини маълум қиласди.</p> <p>2.5. Тақдимот бошланганлигини маълум қиласди, гурухлар чиқишларини бошқаради. Тақдимот якунлайди, энг яхши муаммони ечишнинг тузилмавий-мантиқий чизмасини дафтарга кўчириб олишни айтади ва якуний хуносани қиласди</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Муаммони ечиш бўйича ўз фикрларини берадилар.</p> <p>Кичик муаммони ечиш бўйича фикрлар билдирадилар, мунозара қиласилар, таҳлил қиласилар, хуносачиқарадилар.</p> <p>Гурухларда тузилмавий-мантиқий чизма “Ечимлар дарахти” тасвирлайдилар.</p> <p>Гурух вакиллари тақдимот қиласилар, якуний хуносани берадилар, дафтарга ёзадилар</p>
3-босқич. Якуний (10 дақ.)	<p>3.1. Мавзу бўйича якун қиласди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ (№ илова) беради.</p>	Тинглайдилар. Топшириқни ёзадилар.

**АНЖУМАН-МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ  
ВА ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАЛАР**

**Анжуман-маърузада таълим бериш технологияси модели**

<i>Вақт:</i> 2 соат	<i>Талабалар сони:</i> 25-60 та
<i>Ўқув машгулот шакли</i>	Анжуман - маързуза
<i>Ўқув машгулот режаси</i>	1. 2. 3.
<i>Ўқув машгулот мақсади:</i> ... тўғрисида билимларни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - ... тушунчалар билан таништириш; - ... тавсифини бериш; - ... тушунтириб бериш; - ... мазмунини очиб бериш.	<i>Ўқув фаолият натижалари:</i> - ... тушунчаларни таърифлайдилар; - ... таснифлаб берадилар; - ... тушунтириб берадилар; - ... мазмунини очиб берадилар.
<i>Таълим усуллари</i>	Анжуман-маързуза, мунозара, тезкор-сўров.
<i>Таълимни ташкиллаштириши шакли</i>	Оммавий, жамоавий, индивидуал.
<i>Таълим воситалари</i>	Маърузалар тизими, кўргазмали материаллар (слайдлар), лазерли проектор, ахборотли таъминот.
<i>Таълим бериши шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланишга мўлжалланган хона.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: тезкор-сўров, назорат сўровлари

**Анжуман- маърузанинг технологик харитаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
Тайёргарлик	<p>Маъруза мавзулари (№ илова), маърузага тайёрланиш учун тавсия этилаётган адабиётлар рўйхатини беради.</p> <p>Маърузачиларга мавзуларни беришни, тақризчи ва оппонентларни аниқлашни ташкиллаштиради.</p> <p>Маърузачиларга танлаган мавзу бўйича реферат режасини батафсил тузиш топширигини беради, маслаҳат беради, олиб борувчи, тақризчи, экспертлар вазифасини ва маъруза қилишга ажратилган вақт, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.</p> <p>Барча талабаларга маъруза ва қўшимча материаллар мазмунини ўрганиб чиқиш ва</p>	<p>Маърузачилар мавзуни танлайдилар ва унинг режасини тузадилар.</p> <p>Қолганлар маъруза ва қўшимча материаллар мазмунини ўрганадилар, маърузачиларга саволлар тузадилар.</p> <p>Маърузачилар ўзгартиришлар, тўлдиришлар киритадилар, реферат ёзадилар, кўргазмали материал тайёрлайдилар</p>

	<p>саволлар тузиш топширигини беради.</p> <p>Маърузачилар билан маъруза қилиш услуби ва тузилишини мухокама қилади, маъруза мазмунига ўзгартирышлар киритади</p>	
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (5 дақ.)	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кўзланаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади. Олиб борувчини таништиради.</p> <p>1.2. Билимларни фаоллаштириш учун дикқатни жалб қилувчи саволлар “...?” беради, тезкор-сўров ўтказади.</p> <p>1.3. Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари (№ илова), баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (№ илова).</p>	<p>Дикқат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар ва жавоб берадилар.</p> <p>Ишга ажратилган вақт, мунозара ўтказиш қоидалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар</p>
2-босқич. Асосий (60 дақ.)	<p>2.1. Талабаларни тайёрлаган маъруза ва маълумотлар билан таништиришларини ташкил этади. Материал мазмунини мантиқан ёритиб берилишини дикқат билан кузатади.</p> <p>2.2. Такризчиларга сўзга чиқиши ва саволлар беришни таклиф этади.</p> <p>2.3. Маъруза мазмунини жамоа бўлиб мухокама қилиш жараёнини ташкил этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- оппонентларга ўз фикрларини билдиришлари, қўшимча саволлар беришни таклиф қилади;</li> <li>- саволлар беради (№ илова);</li> <li>- маърузанинг асосий моҳиятини аниқлаштиради;</li> <li>- билан ишонувчанлик руҳида суҳбатлашади.</li> </ul> <p>2.4. Ҳар бир маърузани қисқача умумлаштириш билан якунлайди.</p>	<p>Маърузачи маълумот билан таништиради</p> <p>Такризчи маърузанинг ижобий жиҳатларини, кучсиз томонларини айтиб ўтади.</p> <p>Оппоненлар ўз фикрларини айтадилар. Саволлар берадилар. Мунозаларда иштирок этадилар.</p> <p>Мунозара иштирокчилари жамоавий равища маъруза мазмунини мухокама қиладилар, мунозара қиладилар.</p>
3-босқич. Якуний (10 дақ.)	<p>3.1. Ўқув фаолияти натижаларига якун ясади. Фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. Маъруза-анжуман маърузачилари ва иштирокчилари тайёргарлигини, мунозаралардаги фаоллигини баҳолайди. Олинган билимларни келажакдаги касбий ва ўқув фаолиятидаги аҳамиятини кўрсатади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради (№ илова)</p>	<p>Тинглайдилар, аниқлаштирадилар, вазифани ёзиб оладилар</p>

**I. Режа**

1. Семинар - ОЎЮда таълимни ташкил этиш шакли.
2. Семинар машғулотларида таълим бериш технологиясини лойихалаш ва режалаштириш.

**II. Асосий тоифа ва тушунчалар**

Семинар, семинар турлари, бошқариш, самарадорликни баҳолаш, савол - жавоб техникаси.

**III. Мавзуни ва алоҳида саволларини ўрганиш учун фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар и педагогик маҳорат - Т.: ТДПУ, Низомий, 2003.
2. Ахунова Г.Н. Образовательная технология по курсу “Маркетинг в сфере образования”./ Из серии “Технологии обучения в экономическом образовании”.- Т.: ТГЭУ, 2005.
3. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие // Под общ. ред. акад. С.С. Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
4. Дженин Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл. Обучение сообща: чтение и письмо для развития критического мышления. - Бишкек: Фонд Сороса: 1999.
5. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. - Т.: Ўқитувчи, 2004.
6. Методы эффективного обучения взрослых: Учебно-методическое пособие. - М.: ИПК госслужащих, 1998.
7. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. и др. Инструменты развития критического мышления. - Т.: Минвуз, 2002.
8. Шадмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории: Методическое пособие. - Т.: Центр “Янги аср авлоди”, 2004.

**IV. Ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Нима учун? семинар ТТ қисми ҳисобланишини тушунтиринг.
2. Семинар, ўқув машғулотини ташкиллаштириш шаклига асосланган тавсиф беринг.
3. Асосий семинар турларини айтинг.
4. Ҳар бир семинар қандай хусусиятларга эга?

5. Ўқитувчи томонидан семинарни бошқаришни танлаши қандай омилларни аниқлади? У йўл нимада намоён бўлади?

6. Семинар самарадорлигини баҳолашда қандай мезонларга амал қилиш керак?

7. Ўқитувчи семинарда бажарадиган вазифа ва уни амалга ошириш воситасини айтинг.

8. Таълим беришнинг савол-жавоб техникаси нимада намоён бўлишини айтиб беринг.

9. Семинар машғулотининг технологик харитасини ишлаб чиқинг ва асослаб беринг.

## 1. СЕМИНАР - ОЮ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ШАКЛИ

**Семинар** - таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол сухбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулотни ўқитиш шакли.

Семинар қўйидаги мақсадларга эришиш учун қўлланилади:

- назарий материални тартибга солиш;
- кўникмаларни ҳосил қилиш;
- билимларни назорат қилиш.

Таълим берувчи семинарни самарали ўтказиш учун қўйидагиларни хисобга олиш зарур:

- ўзининг тайёргарлиги, бунда савол ва жавоб техникасига эга бўлиши;
- ўқув гурухининг ҳолати: унинг мотивацияси, унинг ташкил этиш хусусияти;
- ўқув жараёнининг техник жиҳозланиши.

Семинар шаклидаги машғулотга ўтиш ўзаро ҳаракатни эшиттириш (трансляция) схемасидан мулоқотга ўтишни, монологдан диалогга ўтишни англатади.

Тайёргарлик ва семинарни олиб бориш бир қатор саволларга жавоб беришни талаб этади:

1. *Нима учун?* - Вазифа ва семинарни олиб бориш умумий қилиб олганда таълим бериш мақсадларига мос бўлиши керак.

2. Семинар шаклида олиб бориш технологиясини *Қандай қилиб?* - ишлаб чиқиш керак

3. Семинар вақтида муҳокама қилиш керак бўлган, материал мазмунида - *Нимани?* ишлаб чиқиш зарур.

4. Семинарни олиб бориш вақтида, яъни хисобга олиш муҳим бўлган омиллар- *Нимани хисобга олган ҳолда?* елгиланиши зарур.

5. Семинарни бошқариш учун унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ундан фойдаланиш мумкин бўлган, таъсир этиш воситасини-*Қандай йўл билан?* аниқлаш мумкин.

Ўқув дастурининг мақсад ва қўлланиш соҳаларига мувофиқ асосий уч турдаги семинарларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

**1) таълимий** - асосан қўйидагиларга йўналтирилган бўлади:

- назарий билимларни тартибга солиш, фаоллаштириш ёки уларни мустақил ривожлантиришга;
- ўзлаштирилган билимларни амалий қўллаш кўникмаларини шакллантиришга.

**2) ривожлантирувчи** - таълим олувчиларда муаммоли кўриш, таҳлилий қобилиятлар ҳамда башорат қила олиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган.

## 1.1. Семинар машғулотларининг ўзига хос хусусиятлари



## 1.2. Семинарни педагогик бошқариш, унинг самарадорлигини баҳолаш



## 1.3. Семинар машғулоти самарадорлигини баҳолаш



## **2. СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЛОИХАЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ**

### **2.1. Билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича таълим технологияси**

Бундай семинарларни ўтказишнинг асосий йўли таълим олувчилар томонидан тайёрланган маъруза ва маълумотларни жамоавий муҳокама қилишни ташкиллаштиришдан иборат бўлади.

Бундай **семинарлар самарадорлиги** таълим олувчиларни семинарга тайёрланиш сифати билан аниқланади. Маъруза ва янгиликлар билан чиқувчи, таълим олувчиларнинг тайёргарлиги аҳамиятга эга бўлади.

#### **1. Тайёргарлик босқичи**

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчилар
Олдиндаги семинар учун маъруза/янгиликлар мавзулар рўйхатини таклиф этади. Ўқув фанини бундан кейин ўзлаштиришда, замонавий ижтимоий/иқтисодий ва бошқа келгусидаги касбий фаолиятларидаги муаммоларда тўлиқ йўналиш олишда уларнинг муҳимлигини тушунтиради. Семинарга тайёрланиш учун адабиётлар рўйхатини тавия этади. Мавзулар танлашни ташкиллаштиради. Танланган мавзу бўйича рефератнинг батафсил режасини тузиб чиқиш вазифасини беради. Фақат маъруза қилаётган талабалар тайёргарлигини таъминлаб қолмай, балки барча семинар иштирокчиларига: семинар машғулоти мавзусига боғлиқ бўлган маъруза мазмунни ва қўшимча материалларни ўрганиш вазифасини беради, ўзлаштирилган билимлар ва белгиланган мавзулар муҳокамасини назорат қилишга тайёр бўлишларини айтади.	Семинарга тайёрланаадилар. Маъруза/янгиликлар мавзусини танлаганлар реферат режасини тузадилар
Реферат режасини муҳокама қиласидилар	
	Тезлиқда бошланғич ғояга ўзгартириш, аниқликлар, тўлдиришларни киритади. Реферат ёзадилар.
Тайёрланган реферат мазмуни билан танишади. Зарур ҳолатда талабалар рефератни тўлдиришлари учун саволлар, шунингдек маъруза қилаётганда жавоб беришлари учун саволлар ҳам беради	
Семинарда маъруза қилишнинг тузилиши ва усулини муҳокама қиласади	

**2. Амалга оширувчи босқич: семинар**

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчилар
<p><b>1. Семинарга кириш.</b></p> <p>1.1. Мавзу мұхокамасини эслатади, уларнинг аҳамиятини ва долзарбилигини, маъруза материалы билан боғлиқлигини асослайди.</p> <p>1.2. Таълим олувчиларни материалга мос равища: (1) аввалдан тайёрланган саволлар бўйича, мазмунли аниқ жавобларни назарда тутивчи, суҳбатли шаклда, (2) матнни тўғриловчи назорат ёрдамида билимларни <i>фаоллаштиради</i>. Билимларни фаоллаштириш жараёнида семинарда кейинги маърузаларни тушунишлари учун талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларнинг етарлигини ва уларни мұхокамадаги иштирокларини аниқлайди. Билимлар етарлича тўлиқ бўлмаганида зарур бўлган билимларни уларни шахсий баён этиш/талабалар билан суҳбат шаклида ўзлаштириш/аниқлаштириш/ўзгартириш-ларни (иккинчи вариант самаралироқ хисобланади) ташкиллаштиради.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар, саволлар берадилар</p>
<p><b>2. Асосий қисм.</b></p> <p>2.1. Талабаларни тайёрлаган маъруза ва янгиликлари тақдимотини ташкиллаштиради.</p> <p>Маъруза жарёнида ўқув материалини мантиқий ёритиб беришни, уни баён этиш йўли, тингловчиларнинг таъсирланишини диққат билан кузатади. Маъруза ёки янгиликлар мазмуни тингловчиларни қизиқтирмай қўйган ҳолда, ёки аксинча, маъруза вақтида кўтарилиган савол юқори қизиқишини уйғотса, маъruzачини маълум вақтгача хушмуомалалик билан тўхтади ва семинарни жамоавий мұхокама йўлига ўтказади.</p> <p>2.2. Маъруза мазмунининг жамоавий мұхокамасини ташкиллаштиради. (Бу семинарнинг энг аҳамиятли қисми бўлгани сабабли, талабалар фаол билиш фаолиятига жалб қилинадилар).</p> <p>Бунда бу мазмун: семинар иштирокчиларини маъruzачига берган саволлар мазмуни бўйича ва ўқитувчини талабаларга берган саволларига (одатда, агарда уларнинг ўзлари саволлар бермаганларида ёки уларнинг саволлари мавзу мазмунини алоҳида томонларига тааллуқли бўлса, талабаларга саволларни тавсия этади) жавоблари бўйича талабаларга қай даражада тушунарли бўлганини баҳолаш.</p> <p><i>Семинарни секин-аста ташкиллаштирилган мунозара шаклига ўтказади.</i></p> <p>Ҳар бир маъруза мұхокамасини кисқа умумлаштириш, маъruzанинг асосий ҳолатлари ва мұхокама (мунозара) натижаларини қайд этиш билан тутатади</p>	<p>Талабаларни тайёрлаган маъруза ва янгиликлари тақдимоти.</p> <p>Маъруза мазмунини жамоавий мұхокама қиладилар, баҳслашадилар</p>

### **Маъруза мазмунни бўйича саволларни икки гурухга бўлиш мумкин:**

- мазмунни аниқлаштиришига йўналтирилган, саволлар: маърузани айрим баёнини тақорорлаш талаб этилади;

- мазмунни келгуси ривожланиши билан боғлиқ бўлган, саволлар: маърузани тўлдиришни талаб этади.

Ўқитувчи аввало 1-гурухдаги саволлар муҳокамасини, сўнгра жамоавий 2-гурух саволларига жавобларни топишни ташкиллаштиради.

### **Семинарда мунозарани ташкиллаштириш қўйидагиларни назарда тутади:**

- семинар жараёнида берилган саволларга эркин фикр айтишлари ва талабалар томонидан ўзларининг жавобларни асослаб беришларини таъминлаш;
- бошқа талабалар томонидан мос жавобларнинг тушунишни таъминлаш;
- аниқлик киритиш, тўлдириш, ўзгартиришларни тушунишни таъминлаш;
- берилган саволларга тасдиқловчи жавоблар беришни ташкиллаштириш.

### **3. Яқуний босқич**

#### **Ф о л и я т**

##### **таълим берувчи**

##### **таълим олувчилик**

###### **Семинарни яқунлаши:**

Семинар машғулоти мавзуси мазмунни бўйича яқун ясайди:

- берилган саволларни муҳокама қилишда жавоблардан иборат бўлган хulosаларни ифодалайди;
- жавобни излаш келгуси семинарларда ёки талабаларни мустақил иш жараёнида ташкиллаштириладиган муаммони айтади;
- семинар маърузачи ва иштирокчилари тайёргарлигини, уларни мунозара вақтидаги фаоллигини баҳолайди;
- семинар натижавийлигининг умумий баҳосини беради;
- кейинги семинар машғулот мақсадларини аниқлайди.

Саволлар берадилар, баҳолар билан танишадилар, муаммо билан танишадилар

## **2.2. Муаммоли турдаги семинарда таълим технологияси**

Семинар машғулоти мавзуси тез ечимга эга бўлмаган, муаммо шаклида талабаларга тақдим этилади.

Муаммоли саволлар тизимини ишлаб чиқиш талабаларни пухта ўйлаган ва имконли жавобларини ҳисобга олишни назарда тутади. Яхши лойиҳаланган технологияда ҳам, семинар вақтида дастлабки режадан, талабаларнинг алоҳида хусусиятлари улардаги ўзаро боғланган билимларнинг даража ва ҳажми турличалиги сабабли, четга чиқишлар бўлиши мумкин.

**1. Тайёргарлик босқич**

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчиликар
<p>1.Муаммони ифодалайди.</p> <p>2. Якуний хulos - муаммони энг мувофиқ ечими якунини ифодалайди.</p> <p>3. Муаммонинг тўлиқ ечимини таъминлайдиган, кичик муаммоларни ифодалайди.</p> <p>4. Бунда тўғри жавоблар муаммонинг ечимини таъминлайдиган муаммоли саволларни ифодалайди.</p> <p>5. Муаммони ечишда иштирок этиши учун мухим бўлган талабалар билимини фаоллаштириш учун савол ва топшириклар рўйхатини тузади.</p> <p>6. Талабаларнинг билимларини фаоллаштириш асосида уларни муаммога “олиб кириш” йўллари ва воситаларини аниклади</p>	

**2. Амалга оширувчи босқич: семинар**

Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчиликар
<p><b>1. Семинарга кириш.</b></p> <p>1.1. Мавзу мухокамасини эслатади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини, маъруза материали билан боғлиқлигини асослайди.</p> <p>1.2. Таълим олувчиликарни материалга мос равишда: (1) аввалдан тайёрланган саволлар бўйича, мазмунли аниқ жавобларни назарда тутувчи, сухбатли шаклда, (2) матнни тўғриловчи назорат ёрдамида билимларни <i>фаоллаштиради</i>. Билимларни фаоллаштириш жараёнида семинарда кейинги маърузаларни тушунишлари учун талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларнинг етарлилигини ва уларни мухокамадаги иштирокларини аниклади. Билимлар етарлича тўлиқ бўлмаганида зарур бўлган билимларни уларни шахсий баён этиш/талабалар билан сухбат шаклида ўзлаштириш/аниқлаштириш/ўзгартиришларни (иккинчи вариант самаралироқ ҳисобланади) ташкиллаштиради</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p>

<p><b>2. Асосий қисм</b></p> <p>2.1. Фаолаштирилган билимлар асосида талабаларни машғулотда ҳал этиладиган муаммога, “олиб киради” ва уни ифодалайди.</p> <p>2.2. Муаммони ечишни бошлашдан аввал, талабалар белгиланган муаммони қабул қила олишларини таъминлаш мақсадида, уни дастлабки ечиб кўришни ташкиллаштиради. Талабалр билан биргаликда тавсия этилаётган ечимларни мухокама қиласди, уларда пайдо бўлган қийинчиликларни аниқлайди ва таҳлил қиласди.</p> <p>2.3. Муаммони ечиш йўлларини излашни ташкиллаштиришга ўтади: биринчи муаммони ифодалайди, сўнгра муаммоли саволлар орқали ва уларга берилган жавобларни мухокама қилиб талабаларни уни ечиш йўлларига, яъни биринчи оралиқ хulosага олиб келади. Шу тартибда кейинги кичик муаммоларни ечиш йўлларини излашни ташкиллаштиради.</p> <p>2.4. Якуний хulosани ифодалайди</p>	<p>Тинглайдилар. Муаммони ечиш бўйича ўз фикрларини айтадилар. Муаммоларни “юзаки” ечиш мумкинмаслигини англаб етадилар. Кичик муаммоларни ечиш бўйича ўз фикрларини билдирадилар, мунозара қиласдилар, таҳлил қиласдилар, муаммони энг мақбул ечиш йўли бўйича хulosалар қиласди</p>
--	---

3. Якуний босқич	
Ф а о л и я т	
таълим берувчи	таълим олувчиilar
<b>3. Семинарни яқунлаши.</b> Семинар машғулоти мавзуси мазмуни бўйича якун ясади: 3.1. Талабалар томонидан бажарилган, иш натижаларини баҳолайди. 3.2. Семинар иштирокчилари тайёргарлиги, уларни мунозара вақтидаги фаоллигини баҳолайди. 3.3. Семинар натижавийлигининг умумий баҳосини беради. 3.4. Кейинги семинар машғулот мақсадларини аниқлайди	Саволлар берадилар

<p><b>Муаммоли саволга жавоб излашни ташкиллаштириш изчиллиги:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• муаммоли саволнинг берилиши;</li> <li>• берилган саволга жавобларни излаш ва асослаш бўйича талабаларнинг фикрлаш ҳаракатларини ташкиллаштириш;</li> <li>• жавобларнинг танқидий таҳлил қилиш, уларнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлашни ташкиллаштириш;</li> <li>• мос келувчи томонларни ишлаб чиқиш - энг тўғри жавобларни тушиб чиқиш мақсадида ўзлари ўртасида жавобларни таққослашни ташкиллаштириш;</li> <li>• кейинги муаммоли саволни беришга ўтиш.</li> </ul>
--

### **2.3. Муаммоли семинарда таълим бериш технологияси модели ва технологик харита**

#### **Муаммоли семинарда таълим бериш технологияси модели**

<i>Вакт:</i> 2 соат	<i>Талабалар сони:</i> 15-30 та
<i>Ўқув машгулот шакли</i>	<i>Муаммоли семинар</i>
<i>Ўқув машгулот режаси</i>	1. 2. 3.
<i>Ўқув машгулот мақсади:</i> ...бўйича билимларни мустаҳкамлаш, ... тўғрисида муаммоли вазифаларни ечиш малакаларини ривожлантириш	<i>Ўқув фаолият натижалари:</i> -... маълумотларни тизимга соладилар;  -...бўйича муаммоли вазифаларни ечишни, таҳлил қилишни ўргатиш; -...имкониятларни илгари суриш, уларни баҳолаш, яқуний хуносалар қилишни ўргатиш.
<i>Таълим усуллари</i>	Муаммоли усул, сухбат, мунозара, ақлий хужум
<i>Таълимни ташкиллаштириши шакли</i>	Оммавий, жамоавий, гурухли.
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, А32 ўлчамдаги қофозлар, маркерлар, скоч, ўқув материаллар.
<i>Таълим берииш шароити</i>	Гурухларда ишлашга мўлжалланган хона.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: тезкор-сўров

## Муаммоли семинарнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 дақ.)	<p>1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказади. Машғулот муаммоли семинар шаклида боришини маълум қиласди.</p> <p>1.2. Талабалар билимини сухбат шаклида фаоллаштиради (№ илова). Билимларни фаоллаштириш жараёнида ўқув муаммосини ечиш бўйича изланувчилик фаолиятида фаол иштирок этишлари учун талабаларнинг эгаллаган билимларини етарлилигини аниқлади</p>	Тинглайдилар, ёзизб оладилар
2-босқич. Асосий (55 дақ.)	<p>2.1. Талабаларга муаммоли топшириқни ўқиб беради (№ илова).</p> <p>2.2. Муаммони ечиш йўлларини излашни ташкиллаштиришга ўтади: биринчи кичик муаммони ифодалайди, сўнгра муаммоли саволларни бериб ва улар жавобларини мухокама қилиб, талабаларни уни ечиш йўлини излашгага, яъни биринчи оралиқ хулосага олиб келади. Шу тарзда кейинги муаммоларни ечиш йўлларини излашни ташкиллаштиради.</p> <p>2.3. Талабаларни кичик З гурҳларга бўлади, муаммоли топшириқни ечиш вазифасини беради. Ўқув материаллари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини тарқатади (№№ илова). Тақдимот учун қоғозларни, маркерларни тарқатади, ақлий хужум қоидасини эслатади. Гурӯхларда иш бошланганлигини маълум қиласди.</p> <p>2.4. Тақдимот бошланганлигини маълум қиласди, гурӯхлар чиқишлиарини бошқаради. Тақдимот вақтида жавобларга изоҳ беради, тўғри ечимларга эътибор беради, хатоларни кўрсатади. Талабалар билан биргаликда жавоблар тўлиқлигини баҳолайди, саволларга жавоб беради.</p> <p>2.5. Тақдимот якунлайди, муаммони ечишда юзага келган қийинчиликларни кўрсатади</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Муаммони ечиш бўйича ўз фикрларини берадилар.</p> <p>Кичик муаммони ечиш бўйича фикрлар билдира-дилар, мунозара қиласидилар, таххил қиласидилар, хулоса чиқарадилар.</p> <p>Гуруҳ вакиллари тақдимот қиласидилар, якуний хулосани берадилар.</p> <p>Тинглайдилар</p>
3 босқич. Яқуний (10 дақ.)	<p>3.1. Мавзу бўйича якун қиласди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини каратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ (№ илова) беради</p>	Тинглайдилар.

### **I. Режа**

1. Талабаларнинг мустақил фаолиятларини педагогик бошқаришнинг моҳияти.
2. Умумўқув кўникма ва малакаларга эга бўлиш - талабаларнинг мустақил фаолиятлари асоси.
3. Ўқув фани бўйича ўқув-услубий мажмуя (ЎУМ).

### **II. Асосий тоифа ва тушунчалар:**

Мустақил фаолият, умумўқув кўникма ва малакалар, ўқув-услубий мажмуя, режа-топшириқ, эришилган ютуқларни баҳолашни жамловчи варақ.

### **III. Мавзуни ва алоҳида саволларини ўрганиш учун фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. - Т.: ТГПУ, 2003.
2. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004.
3. Пидкастый П.И. Организация учебно-познавательной деятельности студентов. – М.: Педагогическое общество России, 2005.
4. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. и др. Инструменты развития критического мышления. Т.: Минвуз, 2002.
5. Ходиев Б.Ю, Голиш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности студентов: Учебно-методическое пособие для студентов. – Т.: ТГЭУ, 2006.

### **IV. Ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар**

1. Талабаларнинг мустақил фаолиятлари мазмuni нимадан иборат?
2. Талабалар эгаллаши лозим бўлган асосий умумўқув кўникма ва малакаларини айтинг, улар мазмунини ёритинг.
3. Талабанинг ўқув-услубий мажмуасини таркибий қисмлари ва мазмунли кўрсаткичларини айтинг.
4. Сизнинг фикрингизча ўқув-услубий мажмуасини аҳамияти нимадан иборат? Жавобингизни асосланг.
5. Режа-топшириқ моделини чизма кўринишида тасвирлаб беринг ва унинг мазмунли кўрсаткичларини ёритиб беринг.
6. Ўқув машғулотига режа-топшириқ ва ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқинг.

## **1. ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ПЕДАГОГИК БОШҚАРИШНИНГ МОҲИЯТИ**

Талабаларнинг ўқув фаолиятлари сифати ва жадаллашуви таълим бериш сифатини, балки шунга мос равишда, мутахассислар тайёрлаш натижаларини ҳам аниқлаб беради.

Модомики талаба таълим тизимиға субъект сифатида кирса, унда бошидан унинг қобилияти мустақил, онгли ва мақсадли ҳаракат қилишини назарда тутади:

- ўзининг ҳаракатини режалаштириш - ўз мақсадини танлаш, уларга эришишнинг йўл ва воситаларини аниқлаш;
- берилган топшириқларни ечиш учун ўз имкониятларини бирлаштириш-ташкиллаштириш;
- ўз фаолиятини назорат қилиши ва мос равишда баҳолаш- ўзининг кейинги ҳаракатларини ўзи назорат қилиши ва ўзини ўзи баҳолашни амалга ошириш.

Талаба томонидан мустақил ишни бажаришда уларнинг фаолияти тизимида кўрсатилган ҳар бир элементларнинг муваффақиятли

- режалаштириш;
- ташкиллаштириш;
- мониторинг ва баҳолаш;

Шундан сўнг ўқитувчи томонидан қуидаги қоидалар амалга оширилади:

- талаба нафақат ўқув машғулотининг мақсадини, балки унинг якунида тахминан қандай ўқув натижаларга эришиш мумкинлигини ҳам билиши зарур;
- ўқув натижаларига эришиш йўллари кўрсатилганда - берилган ишга маълум бўлган усул ёки техникани ўрганиш ва қўллашни ёки ишлар тартиби бўйича батафсил йўриқнома ёки кўрсатмани айтиб бериш мумкин;
- талаба назоратнинг шакли ва тури: ёзма-эссе, хисбот, реферат ва бошқалар, оғзаки-тақдимот, саволларга жавоб бериш ва бошқалар, шунингдек ҳар бир ўқув топширигини баҳолашни сифат ва миқдорий мезонлари билан таништирилган бўлиши зарур;
- ўзини ўз текшириш учун ҳар бир ўқув машғулотига тавсия этилаётган топшириқ (тест, савол, вазифа ва машқлар) жорий педагогик назоратни ва талаба томонидан кўзланаётган таълимий мақсадларга эришиш даражасини доимий ўзи баҳолашни таъминлайди;
- “Ўқув фани бўйича талабани ўқув натижаларининг ютуқлар варағи” ишлаб чиқиши. У талаба томонидан рейтинг балларнинг тўпланиши тўғрисида тезкор маълумотларни олишнинг воситаси хисобланади.

## **2. УМУМЎҚУВ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРГА ЭГА БЎЛИШ - ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТЛАРИНИНГ АСОСИ**

Замонавий таълим технологияларини амалга ошириш шароитида талаба қўйидаги умумўқув (ҳар қандай ўқув фанини муваффақиятли ўзлаштириш учун зарур бўлган) кўникма ва малакаларга эга бўлиш керак:

1) маълумот билан мустақил ишлаш: асосий ҳолатларни аниқ, чизмавий ва изчилликда конспект кўринишида қайд этиш; ўқув топшириқ ва вазифаларни ечиш учун зарур бўлган ахборотларни топиши, таниши, тушуниши, танқидий баҳолаши, уни йиғиш ва реферат, ҳисобот, белгиларда, шунингдек графикли ташкил этувчилар кўринишида тақдим этиш; берилган талабларга мувофиқликда ўзининг шахсий илмий матнини (мақола, маъруза, тезис) яратиш;

2) тақдим этиш малакалари: ўқув топшириғини бажариш натижалари бўйича сўзлаётганда ўзини дадил тутиши, турли кўргазмали воситалардан фойдаланиши;

3) ўқитувчи билан талабани ўқув ўзаро ҳаракатини ташаббуслаш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва муроса йўлини топиш, суҳбатга киришиш, ҳақиқат бўйича саволлар бериш, далилий жавоблар бериш, мунозара қоидаларига риоя этиб уни олиб бориш, тортишувларда иштирок этишнинг мулоқотлашув малакалари;

4) гуруҳли ўзаро ҳаракатга тайёрлиги ва қобилиятида – ўқув топшириғини бажариш бўйича ҳамкорлик фаолиятини жамоавий режалашда, умумий вазифани ечишда ҳамкорий мулоқот ва ўзаро ҳаракат, ўзаро ёрдам ва ўзаро баҳолашда намоён бўладиган ҳамкорликда ишлаш малакалари;

5) муаммоли маърузада фаол иштирок этишни ва таълимий вазиятларни (Кейс-стади) ва бошқаларни ечишни таъминловчи муаммоли вазифаларни таҳлил қилиш, ўқув топшириғини ечишнинг оддий бўлмаган йўлларини топиш, ғояларни ишлаб чиқиш ва хulosаларни қабул қилиш малакалари;

6) ахборот излаш, йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун замонавий компьютер ва ахборот технологияларини қўллашнинг амалий малакалари.

*Бироқ буларга талабани ўргатиш керак!*

## **3. ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА (ЎУМ)**

Талабаларга ўқув фанини мустақил фаолиятда ўрганиш ва билимлар сифатини доимий ўзи текширишини ташкиллаштиришда ёрдам бериш учун мўлжалланган.

**ЎУМ тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари  
СЎЗ БОШИ.**

ЎУМ бу қисмида,

- берилган ўқув фанини ўрганишга киришишида ўқитувчини талабага мурожаати;
- ЎУМ тузилиши;

- унинг мазмунига қисқача тавсифи берилади.

## **I БЎЛИМ. ЎҚУВ ФАНИГА КИРИШ.**

Қуйидаги ўқув маълумотли материаллардан иборат:

1) ўқув фанини ўрганишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари;

2) мутахассислик бўйича талабалар томонидан фан мазмунини муҳим ўзлаштириш даражасига давлат таълим стандартларининг талаблари;

3) фаннинг ўқув дастури: ўқув вақтининг умумий ҳажми ва уни мавзулар ва иш турлари бўйича тақсимланиши кўрсатилади, ўқув фанининг мавзувий мазмунни изчилликда баён этилади;

4) фан бўйича назорат шакли ва рейтинг баҳолаш;

5) асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати;

6) фан бўйича билимларни якуний текшириш саволлари.

## **II БЎЛИМ. ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА РЕЖА-ТОПШИРИҚ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ.**

Берилган ўқув машғулоти тўғрисида маълумотни, жумладан кўзланаётган ўқув натижалар, мустақил иш учун топшириқлар; уларни бажаришни таъминловчи ўқув материал ва услугубий тавсиялар; ўқув ютуқларини ўзи текшириши учун тест, топшириқ ва саволлардан иборат. Талабани ўқув машғулотига мустақил тайёрланишида ва ўқув жараёни вақтида унинг мустақил фаолиятини ташкилий-дидактик таъминлаш вазифасини бажаради. Ўқув ютуқларини доимий ўзи назорат қилишини таъминлайди.

### **ФАН БЎЙИЧА ГЛОССАРИЙ.**

Асосий тоифа ва атамалар луғати иборат.

### **ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЛАБАНИ ЎҚУВ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЮТУҚЛАР ВАРАГИ.**

Талаба томонидан рейтинг баллар тўпланиши тўғрисида тезкор маълумотларни олишни таъминлайди.

### **3.1. Ўқув фани бўйича талабага мўлжалланган ЎУМ ишлаб чиқишининг воситалари**

Талабанинг ЎУМ қўйидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши керак:

1) ўқув маълумотининг мақсади, тузилиши, мазмuni ва ҳажми;

2) талабага ДТС томонидан белгиланган, берилган шароитда ва ўқув режасида белгиланган вақтда таълим мақсадларига эришишни кафолатловчи фан бўйича таълим технологияси.

### **РЕЖА – ТОПШИРИҚ**

Режа – топшириқ ҳар бир ўқув машғулоти учун тузилади. Жадвал кўринишида бажарилиб, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- Мавзунинг номи, ўқув машғулоти шакли ва тури.
- Ўқув машғулотининг тузилиши/олиб бориш режаси.
- Ўқув машғулоти мақсади.

- Талабанинг ўқув фаолияти натижалари - таълим бериш натижасида талаба бажариши лозим бўлган харакатлар. Улар аниқ ва феълларда (...айтади, ....санаб беради, .... таснифлайди ва х.к.) ифодаланиб, олинган натижаларни бир хил маънода ва ҳаққоний баҳолаш, уларни белгиланган мақсадга мос келишини аниқлаш имконини беради.
- Мустақил тайёргарлик учун топшириқ. Улар қисқа маслаҳат ва уларни бажариш бўйича тавсияномалардан иборат бўлган- айтиб беришлар билан берилиши мумкин.
- Назорат шакли: кузатув-ўқув топшириқларини бажариш-савол-жавоб шакли-тест ва бошқ.
- Ўқув фан бўйича талаба олиши мумкин бўлган, энг юқори балл. Ўқув фан бўйича талаба олиши мумкин бўлган, ҳақиқий балл.

## **ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

Ўқув-услубий материаллар ўқув машғулоти мақсади ва мазмунидан ташқари, таълим бериш технологиясига мувофиқ қуидагиларни ўз ичига олади:

- Ўқув материаллар: маърузанинг қисқа (таянч) чизма ва жадвал кўринишидаги ёзмалари.
- Ўқув грухси учун топшириқ, уларни бажаришнинг кўрсаткич ва баҳолаш мезонлари.
- Тарабалар ўқув иш жараёнида амал қилишлари лозим бўлган ахборот берувчи материаллар: (ақлий хужум, груухларда ишлаш) қоидаси; (эссе, реферат ёзишга) талаблар; (кейс ва бошқ.) материаллар.
- Ўзини текшириш учун топшириқлар (тест, савол, топшириқ ва машқлар). Жорий педагогик назоратни ва талаба томонидан кўзланяётган таълимий мақсадларга эришиш даражасини доимий ўзи баҳолашни таъминлайди. Оралиқ ва якуний назоратнинг савол ва топшириқларини ўз ичига олади.

*Ўқув-услубий материаллар ҳажми чегараланмайди. Лекин улар катта ҳажсли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли рамсийлаштирилган бўлиши керак.*

### **3.2. Режа - топшириқ модели**

**Мавзу (№) ... (номи).....**

#### **Маъruzага (семинар/амалий машғулотга) РЕЖА - ТОПШИРИҚ**

<i>Маъруза режаси/семинарда муҳокама учун саволлар/семинар (амалий машғулот) режаси</i>		
1. 2. 3.		
<i>Машғулот мақсади: ...шакллантириши / мустаҳкамлаши /ривожлантириши</i>		
<i>Талабаларнинг ўқув фаолият натижалари:</i>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>• ...ифодалайдилар;</li> <li>• ...ёритиб берадилар;</li> <li>• ... очиб берадилар;</li> <li>• ... таснифлайдилар;</li> <li>• ... тушунчага таъриф берадилар;</li> <li>• ... очик тавсиф берадилар.</li> </ul>		
<i>Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:</i>		
<b>1. Топшириқ.</b> <i>Эслатма.</i> 1) 2)		
<b>Топшириқ ... ( Билимларни ўзини - ўзи текшириши: саволларга жавоб бериш)</b> <i>Эслатма: ( IV. 2 қаранг)</i>		
<i>Назорат шакли:</i> Кузатув / ўқув топшириқларини бажариш / саволларга жавоб бериши / тест ва бошқ.	<i>Энг юқори балл:</i> ... (тезкор - сўровга тўғри жавоб) <i>Ҳақиқий балл:</i>	<i>Ўқитувчи имзоси:</i>

---

---

**II-ҚИСМ**  
**МАШГУЛОТЛАРДА ЗАМОНАВИЙ**  
**ҮКИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

---

---

---

---

**“ТИФ субъектлари аудити” фанидан оралиқ назорат учун  
мұлжалланған кейс-технология**

**КЕЙС**

***Аудиторлык хulosаси: бухгалтерия  
хисобининг ҳолати ҳақида барча ҳақиқатлар***  
**М.Э. Пўлатов**

---

## ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Берилган кейснинг мақсади:** Талабаларда корхона фаолиятининг комплекс аудитини ташкил этиш, унинг натижалари асосида ҳисобот тузиш, аудиторлик хulosасини тайёрлаш бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш, ўтилган мавзулар бўйича эгалланган билимларини текшириб кўришдан иборат.

**Кутилаётган натижалар:**

- ўрганилаётган мавзу бўйича амалий кўникмаларга эга бўлади;
- корхона фаолиятини аудит қилишининг типик жиҳатларини ўрганади;
- аудит текшируви натижасида ҳисобот ёзиш ва чизмаийлаштириш кўникмалари шаклланади;
- амалий вазиятда аудиторлик хulosасини тузишни ўрганади;
- ҳар бир фаолият тури бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш кўникмалари шаклланади;
- конкрет қарорлар қабул қилишни ўрганади.

**Кейсни муваффақиятли бажариш учун талаба қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

- касса ҳисоби ва ҳисботи;
- ҳисоб –китоб счёти муомалаларининг юритилиши;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби;
- товар-моддий бойликлар ва асосий воситаларнинг ҳаракати ҳисоби;
- бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар ҳисоби;
- дебитор ва кредитор қарзлар ҳисоби;
- корхонанинг молиявий натижаси ҳисоби;
- қимматли қоғозлар ҳисоби;
- молиявий ҳисботнинг юритилиши тартиби;
- аудиторлик ҳисботи;
- аудитор хulosасининг турлари.

**Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолияти асосида ишлаб чиқилган.**

**Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи:**

“Текстайл” қўшма корхонаси 2007 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган фаолият учун тайёрланган аудиторлик ҳисботи.

**Кейснинг типологик хусусиятларига қўра характеристикаси:** мазкур кейс кабинетли кейс тоифасига кириб, сюжетли ҳисобланади. Ҳолат корхонанинг таҳлилий қўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг обьекти “Текстайл” қўшма корхонаси ҳисобланади. Ушбу кейс маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий, ўрта ҳажмдаги кейс – технология ҳисобланади.

**Дидактик мақсадларга қўра** тренинг кейс ҳисобланади, шунингдек бу кейс талабалар билимини оралиқ назоратда текшириш учун белгиланган.

Ушбу кейс магистратура босқичи талабалари учун “Тиф субъектлари аудити”, бакалавриатда “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”, “Амалий аудит” фанларида фойдаланилиши мумкин.

# I. КЕЙС

## “АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ: БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИННИНГ ҲОЛАТИ ҲАҚИДА БАРЧА ҲАҚИҚАТЛАР”

### КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, иқтисодий субъектларни ҳар томонлама қўллаб–кувватлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бунда хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби замон талаблари асосида ташкил этилиши, ундан фойдаланувчилар учун холис маълумотларнинг ўз вақтида аудиторлик хулосалари билан таъминлаб борилиши хорижий ҳамкорлар томонидан маҳаллий иқтисодиётга инвестиция сафарбар этишида муҳим аҳамиятга эга.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида олиб борилаётган барча хўжалик операциялари ўз вақтида, тўғри ҳисобга олиб борилиши, улардаги ишлаб чиқариш жараёнининг меъёрий-хуқуқий хужжатларга мос равища ташкил этилиши, молиявий ҳисботларнинг хорижий ҳамкорлар учун объектив маълумотлар билан шакллантирилиши аудитдан кўзланган асосий мақсаддир. Аудит жараёнидан кўзланган мақсадга эришиш учун аудиторлар томонидан олиб борилган текширув натижалари белгиланган тартиблар асосида ҳисбот шаклида чизмалаштирилади. Бу ҳисботда келтирилган маълумотлар таҳлил қилиниб, корхона фаолиятини келгусида бенуқсон ташкил этиш имконини берувчи тавсиялар тақдим этилади. Шунингдек, аудит натижаси сифатида аудиторлик хулосаси шакллантирилади. Бу хулосанинг объектив тузилиши ҳамда бериладиган тавсиялар корхона келгуси фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга.

*Кейс ечими орқали қуйидаги натижаларга эришиши мумкин:*

- Корхона асосий фаолиятининг барча йўналишларини аудит нуқтаиназаридан таҳлил қилиш имконини беради.
- Фаолият йўналишларидаги камчиликлар бирма-бир кўрсатиб берилади.
- Фаолият йўналишлари бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилади.
- Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, келгусида бенуқсон фаолият юритиш, ишлаб чиқариш тизимини оптималлаштириш, бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш имкониятлари очиб берилади.
- Аудиторлик хулосаси шакллантирилади.

Кейсда “Текстайл” қўшма корхонаси аудиторлик текширувидан ўтказилиши натижасида тузилган аудиторлик ҳисботи келтирилмоқда.

### Топшириқ:

1. Аудиторлик ҳисботига асосан ҳар бир ҳисоб йўналишлари бўйича вазият таҳлилини жадвал қўринишида амалга ошириинг.

2. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқинг.

3. Аудитор ҳисоботи ва тавсиялар асосида аудитор хulosасини тузинг.

“Текстайл” қўшма корхонасида ўтказилган аудиторлик текшируви натижасида аудиторлик ҳисоботи лойиҳаси тайёрланиб, ҳозирча йўл қўйилган камчиликлар таҳлили ва аудиторлик хulosаси ишлаб чиқилмаган.

## **1. Тошкент шаҳар “Текстайл” қўшма корхонасининг 2007 йил молиявий ҳисботлари бўйича**

### **АУДИТОРЛИК ҲИСБОТОТИ**

**2008 йил 26 январь**

**Тошкент шаҳри**

### **Кириш**

Ушбу аудиторлик ҳисботи Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2003 йил 5 декабрдаги №00897 - сонли лицензиясига асосан фаолият кўрсатувчи Ўзбекистон Республикаси Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “GOODWILL” аудиторлик фирмаси томонидан 2008 йил 5 январдаги №5/2 - сонли шартномага асосан ўтказилган аудит натижаларига мувофиқ тайёрланди.

1. Аудитнинг мақсади ва услуби:

1.1. Шартномага мувофиқ ушбу аудитнинг мақсади жамиятнинг 2007 йил якуни бўйича молиявий ҳисботлари ва бухгалтерия балансининг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш.

1.2. Аудит Ўзбекистон Республикаси “Аудит миллий андозалари”га мувофиқ аудиторлик хulosаси бериш учун етарли маълумотга эга бўлиш даражасида режалаштирилди.

1.3. Аудит учун тақдим этилган ҳисбот ва маълумотларнинг тўғрилиги учун мазкур жамият маъмурияти масъулдир. Биз томондан ушбу ҳисботлар бўйича билдирилган фикрлар учун масъулиятни зинмамизга оламиз.

1.4. Аудит ўтказишида қуйидаги материаллар ва маълумотлардан фойдаланилди:

а) Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунлари, Республикамиз Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

б) Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозалари;

в) корхонанинг 2007 йил якуний молиявий ҳисботлари ва бухгалтерия хужжатлари;

г) бошқа бўлимдан олинган маълумотлар.

Текширув ўз қамровига олган даврда жамият молиявий ҳўжалик фаолиятига масъул мансабдор шахслар сифатида қуйидагилар ишлаганлар:

1. Раджабов Б.Р. – бошқарув раиси. Барча бухгалтерия хужжатларида биринчи имзо ҳуқуқига эга.

2. Мўминжонова С. – жамият бош ҳисобчиси. Барча бухгалтерия хужжатларида иккинчи имзо ҳуқуқига эга.

Корхона Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман Солиқ инспекциясидан солиқ тӯловчи сифатида рўйхатдан ўтган ва 200343485-сонли ИННга эга. АТФ Банк “Асака” Тошкент шаҳар бўлимида 2021000902200680001 ҳисоб рақамига эга.

Аудит текшируви 2008 йил 15 январда бошланиб, 2008 йилни 26 январида тугатилди.

## **2. ТАҲЛИЛ ҚИСМИ**

### **2.1. Муқаддам ўтказилган текширишлар**

Тошкент шаҳар “Текстайл” акциядорлик жамиятининг 2006 йил хўжалик молиявий фаолияти 2007 йил 11 январда тузилган 01/3-сонли шартномага асосан “Маслаҳатаудит-М” аудиторлик фирмаси томонидан аудиторлик текшируви ўтказилган.

Аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар жамият маъмурияти томонидан тўлалигича бартараф қилинган. Бундан ташқари жамиятнинг 2004-2005-2006 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича 2007 йилнинг август ойида Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси инспекторлари М. Тургунов, А. Пардаевлар ва Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан тайинланган мутахассис Б. Ўринбоев томонидан Солиқ қонунчилиги бўйича текшириш ўтказилиб, натижаси бўйича далолатнома тузилган. Текшириш натижаси бўйича аниқланган хато ва камчиликлар жамият бошқаруви томонидан бартараф қилиниб, келгусида хато ва камчиликларга йўл қўймаслик борасида чора-тадбирлар кўрилган.

### **2.2. Касса ҳисоби ва ҳисботи бўйича таҳлил**

Тошкент шаҳар “Текстайл” акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 2 июндаги “Нақд пул маблағларининг эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги №230 – сонли қарорининг ижроси ва Касса интизомига риоя қилиш, кассага кирим қилинган нақд пул маблағларининг мақсадли ишлатилиши кўриб чиқилганида қўйидаги далиллар аниқланди:

Мазкур жамият кассасига 2007 йил давомида банкдан иш ҳақи учун 31514669 сўм олиниб, 31113302 сўм харажат қилинган. Болалар нафақаси учун 2285280 сўм олиниб, 2285280 сўм харажат қилинган, пенсия ва касаллик варақаси учун 1902905 сўм олиниб, 1896872 сўм, сафар харажати учун 2807720 сўм олиниб, 2807720 сўм харажат қилинган, мукофот пули учун 1125000 сўм олиниб, 1125000 сўм харажат қилинган. Овқат пули учун 1023600 сўм олиниб, 143100 сўм харажат қилинган. Дивиденд тўлови учун 2694567 сўм олиниб, 2116926 сўм харажат қилинган. Мазкур жамиятнинг кассасида 2008 йил 1 январь ҳолатига дивиденд тўлови учун олинган нақд пулдан 577601 сўм қолдиқ мавжуд бўлган.

Жамият кассасидан чиқим қилинган нақд пул маблағлари касса чиқим қайдномалари ва патталарига асосан жамият бошқарув раиси ва бош ҳисобчиси томонидан тасдиқланган ҳолда чиқим қилиниб ойма-ой ҳисботлар тузилиб борилган.

### **2.3. Банк муомалаларининг юритилиши таҳлили**

Жамият Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман ДСИдан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган ва 200343485-сонли ИННга эга. АТФ Банк “Асака” Тошкент шаҳар бўлимида 20210000902200680001 ҳисоб рақами билан юритилиб ҳисоб-китоб ишлари мемориал ордерларда ойма-ой кирим ва чиқим бўйича жамланиб ҳисботлар олиб борилган, банк кўчирмаларига расшифровкалар қилинган.

Мазкур жамиятнинг 2007 йил 1 январь ҳолатига банкдаги ҳисоб рақамида 94 481 298, 06 сўм пул маблағи қолдиғи мавжуд бўлган, йил давомида банкдаги ҳисоб рақамига жами 334 868 065 сўм пул маблағи кирим қилиниб, 422 679 975,80 сўм чиқим қилинган. 2008 йил 1 январь ҳолатига банкдаги ҳисоб рақамида 6 669 567,26 сўм пул маблағи қолдиғи мавжуд.

Банк ҳисботи бўйича қайд этилган маълумотларни тасдиқловчи банк кўчирмаси бош китоб қолдиғи билан мос келади.

### **2.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш таҳлили**

“Текстайл” акциядорлик жамиятига 2007 йилда маҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тасдиқланган штатлар жадвалига, шартномага асосан иш ҳақи ҳисобланиб, ишчи ва хизматчилар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисобчи томонидан ойма-ой ҳисботлар юритилиб борилган.

Жорий йилда мазкур жамиятда ишлайдиган ишчи ва хизматчиларга жами 46 255,9 минг сўм ҳисобланмалар ҳисобланиб, жумладан иш ҳақига 41 938,3 минг сўм, мукофотга 1125,0 минг сўм, касаллик варақаси ва дикрет пули учун 2277,0 минг сўм ва овқат пулига 1847,4 минг сўм ҳисобланган.

Жамиятнинг 2007 йилни январь ҳолатига ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан жами 2171,1 минг сўм кредиторлик қарзи мавжуд бўлиб, йил давомида жами ҳисобланмалари 46 255,0 минг сўм, жами ушланмалар эса, 44530,7 минг сўм, 2008 йил 1 январь ҳолатига 3896,3 минг сўмлик кредиторлик қарзи мавжуд, яъни бу кредиторлик қарзи 2007 йилни декабрь ойи учун ҳисобланган бўлиб ҳали тўлов муддати ўтмаган.

### **2.5. Товар моддий бойликлар ва асосий воситаларнинг ҳаракати таҳлили**

“Текстайл” акциядорлик жамиятининг 2007 йилнинг 2 январидаги 01-сонли буйруғига асосан жамият маъмурияти томонидан белгиланган маҳсус комиссия тузилиб, мазкур жамиятга қарашли барча мавжуд асосий воситалар ва инвентарларни 2008 йил 1 январь ҳолатига бўлган қолдиғи саноқдан ўтказилиб, далолатномалар чизмалаштирилган. Моддий жавобгар шахслардан камомад ёки ортиқча товар моддий бойликлари борлиги аниқланмаган.

Жамият маъмуриятининг 2008 йил 11 январдаги 05-сонли хати ва розилигига кўра, барча мавжуд товар моддий бойликлар бўйича саноқ йўқламаси ўтказилганлиги ҳисобга олиниб, товар-моддий бойликлар бўйича саноқ йўқламаси ўтказилмади.

Жамият балансида 2006 йилни 1 январь ҳолатига асосий воситалар баланс қиймати 823323 минг сўм, қолдиқ қиймати 871924 минг сўм, эскириш қиймати эса 741615 минг сўм, 2007 йилни 1 январь ҳолатига қолдиқ қиймати

81708 минг сўм, йил охирига қолдиқ қиймати эса 130339 минг сўмни ташкил этади.

2007 йил давомида жами 48645 минг сўмлик асосий воситалар кирим қилиниб, 45 минг сўмлик асосий воситалар чиқум қилинган.

## **2.6. Бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар таҳлили**

“Текстайл” акциядорлик жамияти 2007 йил давомида асосий фаолиятдан 83445 минг сўм даромад кўрган бўлиб, шунга халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчилари тўлайдиган 7,5 %лик 6258,4 минг сўм ягона солиғи ҳисобланган. Ягона солиқ тўловини қайта ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан 10510 минг сўм даромад олинган бўлиб, унга 10 %ли 1051 минг сўм ягона солиғи ҳисобланганлиги аниқланди, ягона солиқ тури бўйича 2007 йилни 1 январь ҳолатига 4326,4 минг сўм солиқ инспекциясига қарзи бўлган бўлиб, йил давомида 6258,4 минг сўм ҳисобланган ва 9318,4 минг сўм тўлаб берилган. 2008 йил 1 январь ҳолатига 1266,4 минг сўм тўлаб берилмаган қарз мавжуд.

Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича 2007 йил давомида жами 46225,9 минг сўм иш ҳақи ва бошқа тўловларга ҳисобланган бўлиб, шундан касаначилар иш ҳақи 6517,3 минг сўм, касаллик варақаси 1345,2 минг сўм, овқат пули 1847,4 минг сўм, чегирилиб қолиниб 43063,3 минг сўм солиқ тўлов базаси қилиб олинди, 2,5 % ушланмага 1076,6 минг сўм ҳисобланди. 24 %ли тўловга эса 36546,0 минг сўм база қилиб олинниб, унга 8771,0 минг сўм ҳисобланди.

## **2.7. Дебитор ва кредитор қарзлар таҳлили**

Мазкур жамиятда амалдаги ҳисоб-тўлов тартибларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-тўловларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида”ги 1154-сонли Фармонига риоя қилиниши кўриб чиқилганида қўйидаги далиллар аниқланди.

2007 йилни 1 январь ҳолатига дебиторлик қарзи миқдори жами 5219,3 минг сўм, кредиторлик қарзи эса 14023,3 минг сўм бўлган.

2008 йилни 1 январь ҳолатига келиб дебиторлик қарзи 14878,2 минг сўм, кредиторлик қарзи эса 47236,0 минг сўмни ташкил этиб, шундан тўлов муддати ўтиб бўлган кредиторлик қарзи 877,2 минг сўмни ташкил этади.

## **2.8. Корхонанинг молиявий натижаси даромадлар ва харажатлар таҳлили**

“Текстайл” акциядорлик жамиятининг тақдим этган ҳисоботига кўра йил якуни бўйича жами даромади 93955 минг сўм бўлиб, шундан маҳсулот сотишдан кўрган даромади 83445,0 минг сўм, асосий фаолиятининг бошқа жараёнларидан кўрган даромади эса 10510,0 минг сўм. Жами харажатлар эса 82247,0 минг сўмни ташкил этади. Жумладан, ишлаб чиқариш таннархи 52184,0 минг сўм, маъмурий харажатлари 17570,0 минг сўм ҳамда асосий фаолиятнинг бошқа харажатлари 12493,0 минг сўмни ташкил этади.

Мазкур жамиятнинг солиқ тўлангунга қадар молиявий натижаси 11708,0 минг сўмни ташкил қилиб, солиқ ва йиғимлар тўловидан кейин соф фойдаси 5450,0 минг сўмни ташкил этади.

### **2.9. Бухгалтерия ҳисоботининг юритилиши таҳлили**

Бухгалтерия ҳисоботини юритишда, бухгалтерия ҳисоботларини ва молиявий ҳисоботларни тузишда Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунига ва амалдаги “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарт”лариға ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Солик кодекси”га, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги №54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”га тўлиқ амал қилинишини тавсия этамиз.

Бундан ташқари ушбу ҳисоботда кўрсатилган барча камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар қайта кўриб чиқилиб, лозим бўлса қўшимча ёзувлари киритилиши тавсия этилади.

## **II. ТАЛАБАЛАР УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМАЛАР**

### **Кейсни мустақил ечиш учун кўрсатмалар. Баҳолаш мезонлари**

Ишни ташкил қилиш босқичлари	Тавсиялар	Баҳолаш мезонлари (максимал)
1. Кейс билан танишиш	Аввалига кейс билан танишиш керак. Ўқиб чиқиш пайтида кейсни таҳлил қилишга уринманг	-
2. Берилган вазият билан танишиш	Берилган ахборотни яна бир бор ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим кўринган бўлим қисмларини ажратинг. Аудиторлик ҳисоботида тасвиrlenган далилларнинг асосий жойларини ўзингизга белгилаб олинг	-
3. Муаммо ва ундан келиб чиқувчи кичик муаммоларни шакллантириш	Муаммони шакллантиришда ўтилган мавзулар бўйича назарий билимларингиздан фойдаланинг	3 балл
4. Ҳисоботни таҳлил қилиш ва ташхис қўйиш	Муаммони акс эттирувчи асосий хусусиятлар: 1. Аудиторлик ҳисоботининг ўрнатилган меъёрлар асосида тузилганлиги 2. Корхона ҳисоб йўналишларидағи ҳолат таҳлили 3. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш имкониятларининг мавжудлиги	1 - 2 балл 2 - 2 балл 3 - 1 балл
5. Ечимни ишлаб чиқиш ва асослаб бериш	Берилган топшириқларни бажариш (пастда келтирилган жадвални тўлдиринг) ва аудиторлик хulosасини ишлаб чиқиш	2 балл

## **Ҳисоб йўналишлари таҳлилиниң натижалари ва тавсиялар**

	<b>Ҳисоб йўналиши</b>	<b>Камчиликлар</b>	<b>Тавсиялар</b>

### **Кейс билан ишлашни баҳолаш мезонлари**

86-100% / 8,6 - 10 баллгача – “аъло”

71-85% / 7,1 – 8,5 баллгача – “яхши”

55-70% / 5,6- 7 баллгача – “қониқарли”

### **Гурухларнинг ишлашини баҳолаш жадвали**

Гурух	Баҳолаш мезонлари	
	<p>Тақдимот (мазмуни, маъноси ва хулосаларнинг исботи учун)</p> <p>Аъло – 2 балл</p> <p>Яхши – 1,5 балл</p> <p>Қониқарли – 1 балл</p> <p>Қониқарсиз – 0,5</p>	<p>Муаммоли масаланинг ёчими (тўғрилиги ва ёчимнинг кетма-кетлиги учун)</p> <p>Аъло – 2 балл</p> <p>Яхши – 1,5 балл</p> <p>Қониқарли – 1 балл</p> <p>Қониқарсиз – 0,5 балл</p>
1.		
2.		

## **III. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ**

### **Муаммо:**

Ўтказилган аудиторлик текшируви асосида ҳаққоний, конструктив жиҳатдан талабга жавоб берувчи аудитор хулосасини ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

### **Вазифалар:**

- корхона ҳисоб йўналишлари бўйича берилган аудитор ҳисоботини батафсил ўрганиб чиқиш;
- ҳар бир ҳисоб йўналиши бўйича юз берган асосий маълумотларни аниқлаш;
- ҳисобот давомида кўрсатилган камчиликларга танқидий ёндашиш;
- ҳисоб йўналишлари таҳлили жадвалини тўлдириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- аудиторлик хулосасини шакллантириш.

## Ҳисоб йўналишлари таҳлили натижалари ва тавсиялар

	Ҳисоб йўналиши	Камчиликлар	Тавсиялар
1	Касса ҳисоби ва ҳисботи таҳлили	Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, банкдан барча тўловлар учун олинган нақд пул маблағлари ўз йўналиши бўйича тўлалигича мақсадли фойдаланилмаган ҳамда ой охирида белгиланган миқдордан зиёд кассада нақд пул қолдиғи қолишига йўл кўйилган	Жамият бошқарув раиси ва бош ҳисобчига келгусида мақсадли олинган нақд пулларни ўз йўналиши бўйича ҳаражат қилишини йўлга кўйиш ҳамда ой охирида белгиланган миқдордан ортиқча кассада нақд пул қолдини қолдирмаслик, шунингдек нақд пул маблағлари қолдиқларини банкка қайта топшириш чоратадбирларини кўриш тавсия этилади
2	Банк муомалаларининг юритилиши таҳлили	Иш жараёни тартибли ташкил этилган	-
3	Меҳнатга ҳақ тўлаш таҳлили	Юқорида қайд этилган далилларга асосланиб шуни қайд этиш лозим бўладики, мазкур жамиятда 2003 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17 ноябрь 1999 йилдаги 504-сонли ҳамда 19 март 2002 йилдаги 88-сонли “Иш ҳақини ўз вақтида тўланishi учун Вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш юзасидан чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг ижросига етарли даражада эътибор берилмаган. Иш ҳақи ўз вақтида тўланмаслик ҳолатлари мавжуд	Жамият бошқарув раиси ва бош ҳисобчига иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича кредиторлик қарзларини тўлов муддатларини ўтказмай ўз вақтида тўлаб бериш чоратадбирларини кўриш тавсия этилади.
4	Товар моддий бойликлари ва асосий воситалар ҳаракати таҳлили	Иш жараёни тартибли ташкил этилган	Ишларни компьютерлаштириш бундан яхшироқ ва қулайроқ натижага олиб келиши мумкин
5	Бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар таҳлили	Мазкур жамиятнинг 2007 йил 1 январь ҳолатига иш ҳақидан даромад солиғи тўловидан 585,2 минг сўм қарзи бўлган бўлиб, йил давомида 5290,1 минг сўм	Келгусида бухгалтерия ҳисоби ходимларидан бирини айнан солик бухгалтерияси бўйича етук мутахассис қилиб тайёрлаш мақсадида, малака ошириш курсларида ўқишини

		хисобланиб, 5469,4 минг сўм тўлаб берилган. Йил охирига 405,9 минг сўмлик қарзи мавжуд. Бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича 2007 йил давомида тўловлар ўз вактида амалга оширилмаганлиги сабабли уларга жами 444,8 минг сўм молиявий жарима ҳисобланган, қайсики жамиятнинг молиявий аҳволига таъсир кўрсатувчи далиллардир	ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Жамият раиси ва бош бухгалтери бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlарга тўловлар ўз вактида тўланишига алоҳида эътибор қаратса фойдадан ҳоли бўлмасди
6	Дебитор ва кредитор қарзлар таҳлили	Далилларга асосланиб шунни таъкидлаш лозим бўладики, мазкур жамият юқорида қайд этилган 1154-сонли фармоннинг бажарилиши тўлалигича таъминланишига амал қилинмаган	Юқорида келтирилган дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларини тўлов муддатларини ўтказиб юбормай унидириб олиш ва тўлаб бериш чоратадбирларини кўриш жамият бошқаруви раиси ва бош ҳисобчисига тавсия этилади
7	Молиявий натижалар таҳлили	Камчиликлар қайд этилмаган бўлса-да, янада эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ	Жамият бошқаруви раиси ва бош ҳисобчисига йил якуни бўйича ҳисботларни қайта кўриб чиқиш ва лозим бўлса, ўзгартувчи ёзувлар киритилиб, тегишли жойларга қайта ҳисботларни топшириш тавсия этилади
8	Бухгалтерия ҳисботи юритилиши таҳлили	Иш жараёни тартибли ташкил этилган	-

## Аудиторлик хулосаси

**20 \_\_\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_**

**Тошкент шаҳри**

Ушбу аудиторлик хулосаси “Текстайл” акциядорлик жамиятининг 2007 йил 1 январдан 2007 йил 31 декабргача бўлган фаолияти учун тайёрланди.

“Текстайл” акциядорлик жамияти Тошкент шаҳри Шайхонтохур Давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган ва 200343485-сонли ИННга эга. Тошкент шаҳрида жойлашган АТФ Банк “Асака” Тошкент шаҳар бўлимида 20210000902200680001-сонли ҳисоб рақамига эга.

Ушбу аудиторлик хулосаси Ўзбекистон Республикаси “GOODWILL” МЧЖ томонидан “Текстайл” акциядорлик жамияти бошқарув раиси билан

2008 йил 5 январь куни тузилган №5/2-сонли шартномага асосан ўтказилган аудиторлик текшириш натижаларига мувофиқ тайёрланди.

Аудит текшируви Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилик ва аудит стандартларида мувофиқ “Текстайл” акциядорлик жамиятининг 2007 йил молиявий ҳисоботлари бўйича фикр билдиришга етарли маълумот тўплаш даражасида тузилган режага мувофиқ ўтказилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун Тошкент шаҳри “Текстайл” акциядорлик жамиятининг маъмурияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолияти миллий андозаларига (АФМА)га мувофиқ ўтказилди. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийлиги ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун хужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Аудиторлик ҳисоботида қайд этилганларга кўра, “Текстайл” акциядорлик жамияти йил якуни билан товар сотишдан тушган тушум 83445,0 минг сўм бўлиб, ушбу сотилган маҳсулотларнинг таннархи 52184,0 минг сўм, сотишдан тушган ялпи даромад 31261,0 минг сўм. Жамиятнинг йиллик жами харажатлари 30063,0 минг сўм бўлиб, шундан маъмурий харажатлари 17570,0 минг сўм ҳамда бошқа операцион харажатлар 12493,0 минг ташкил этади. Солиқ тўлагунга қадар молиявий натижа 11708,0 минг сўм бўлиб, солиқлар ва йифимлар 6258,0 минг сўм. Молиявий натижаси эса 5450,0 минг сўмни ташкил этади.

Фикримизча, хўжалик фаолияти юритувчи субъект “Текстайл” акциядорлик жамиятининг 2007 йилда амалга оширган хўжалик муомалалари унинг йил якуни бўйича ўтказилган молиявий ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилган ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ келади.

**Аудитор**

## IV. ЎҚИТИШНИНГ КЕЙС-ТЕХНОЛОГИЯСИ

### 4.1. Ўқитиш технологияси модели

Мавзу	Аудиторлик хulosаси
Вақт: 2 соат	Талабалар сони: 15-20 та
Машғулот шакли	Вазиятли ҳолатнинг ечимини аниқлаш бўйича оралиқ назорат (кейс-стади)
Машғулот режаси	<p>1. Куйидаги саволлар муҳокамаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>➤ аудиторлик хulosаси ҳақида тушунча;</li> <li>➤ аудиторлик хulosасини тайёрлашда фойдаланиладиган ахборот манбалари;</li> <li>➤ аудиторлик хulosасининг турлари;</li> <li>➤ аудиторлик хulosасига қўйиладиган талаблар;</li> <li>➤ аудиторлик хulosасини тайёрлаш ва тақдим этиш тартиби.</li> </ul> <p>2. Кейсни кичик гуруҳларда ечиш, натижалар асосида тақдимот қилиш.</p> <p>3. Гуруҳларнинг ишлаш фаолияти ва мақсадга эришилганлик натижаларини баҳолаш ва хulosса чиқариш</p>

Ўқув машғулотининг мақсади: Аудит текшируви натижасида аудит ҳисоботи ва аудиторлик хulosасини шакллантиришни ўргатиш

Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> <li>- аудиторлик ҳисоботи ва хulosасининг мақсади, вазифалари ва манбалари билан таништиради;</li> <li>- аудиторлик хulosасини тузиш тартиби, шакли ва мазмунига доир масалалар ёритилади;</li> <li>- аудиторлик ҳисоботида қайд этилган камчиликлар таҳлили берилади;</li> <li>- аудиторлик хulosасининг таркибий тузулмалари тушунтирилади;</li> <li>- аудиторлик хulosаси тузилади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- аудиторлик ҳисоботи ва хulosасининг мақсади, вазифалари ва манбаларини санаб берадилар;</li> <li>- аудиторлик хulosасини тузиш тартиби, шакли ва мазмунини ёритадилар;</li> <li>- аудиторлик ҳисоботида берилган камчиликларни таҳлил қиласиладилар;</li> <li>- аудиторлик хulosасининг таркибий тузилмаларини санаб ўтадилар;</li> <li>- аудиторлик хulosасини тузадилар</li> </ul>
Ўқитиш усуллари	Кейс-стади услуби, савол-жавоб, муаммоларни ечиш
Ўқитиш шакллари	Машғулотда фронтал ва индивидуал ишлаш, гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш воситалари	Кейс, услугбий кўрсатмалар, проектор
Ўқитиш шароити	Техник воситалар билан таъминланган гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди

## 4.2. Ўқув машғулотининг технологик картаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	талаба
Тайёрлов босқичи	<ul style="list-style-type: none"> <li>Кейс билан яқиндан танишиш мақсадида кейсга боғлиқ маълумотларни талабаларга тарқатади.</li> <li>Кейсни ечиш талабалар касбий маҳоратига қанчалик ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлайди.</li> <li>Услубий кўрсатмаларга изоҳ беради</li> </ul>	<p>Кейс билан танишадилар Тавсия қилинган адабиётларни ўрганадилар Мустақил тайёргарликни бошлайдилар</p>
1-bosқич. Мавзуга кириш (10 дақ)	<p>1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари ҳамда олиб борилиш режасини маълум қиласди.</p> <p>1.2. Кейс мақсадини ва унинг касбий билимларни оширишга таъсирини аниқлайди.</p> <p>1.3. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.</p> <p>1.4. Блиц-сўров усулида талабалар билимлари жонлантирилади:</p> <p>Аудиторлик хulosаси нима учун керак?</p> <p>Аудиторлик хulosаси ким учун керак?</p> <p>Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хulosаси бир-биридан нима билан фарқ қиласди?</p> <p>Аудиторлик хulosасининг қайси турларини биласиз?</p> <p>Аудиторлик хulosасининг таркибий тузилиши қандай?</p>	<p>Тинглайдилар Мавзу номи ва унинг режасини ёзиб оладилар</p> <p>Танишадилар Саволларга жавоб берадилар</p>
2-bosқич. Асосий қисм. (60 дақ)	<p>2.1. Кейсда келтирилган топшириқлар муҳокамасини ташкил қиласди. Кейс билан ишлаш қоидаларини яна бир бор эслатади. Муаммо, вазифалар ва уларни ҳал қилиш алгоритмига эътиборларини қаратади.</p> <p>2.2. Талабаларни 2 кичик гурӯхга бўлади</p> <p>2.3. Кейс билан мустақил ишлаш натижалари муҳокамасини кичик гурӯхларда ташкил қиласди.</p> <p>2.4. Таҳлил варагини ёзма равишда тайёрлашни тавсия қиласди</p> <p>2.5. Натижаларни тақдимот учун тайёрлашни айтади</p>	<p>Топшириқларни муҳокама қиласдилар, ҳолатни мустақил таҳлил қиласдилар</p> <p>2 кичик гурӯхга бўлинадилар</p> <p>Гурӯхларда ишлайдилар</p>

	<p>2.6. Тақдимот бошланишини эълон қиласи. Кейсни ҳал қилиш ишлари натижалари бўйича гурухлар вакилларини тақдимотга чақиради.</p> <p>Тақдимот давомида гурух вакилларига аниқлаштирувчи саволлар бериб боради.</p> <p>2.7. Топшириклар ечимини гурухлараро баҳоланишини ташкил қиласи.</p> <p>2.8. Ҳар бир гурухнинг иш натижалари умумлаштирилади, хulosалар берилади ва ўзаро баҳоланади</p>	<p>Гурухларда биргаликдаги таҳлилий ишларни бажарадилар</p> <p>Натижаларни тақдимот учун тайёрлайдилар</p>
3-босқич. Яқунловчи босқич (5 дак)	<p>3.1. Яқунловчи хulosалар қиласи</p> <p>3.2. Ҳар бир иштирокчи ҳисоб-китоб ишларини тўғри ва аниқ бажаргани, маъruzанинг мазмуни, берилган жавоблар ҳисобга олинади</p> <p>3.3. Ечимларни изоҳлайди</p> <p>3.4. Яна бир бор кейснинг мақсади ва унинг касбий билимларни оширишга таъсирини билдиради</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Ўз фикрларини билдирадилар</p>

---

**“Молиявий ҳисоб” фанидан  
ЛОЙИХА АСОСИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Ўқув лойиҳаси:  
“Ҳисоб сиёсатини тузиш”  
М.Э. Пўлатов**

---

## ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Фаннинг номи:** “Молиявий ҳисоб”.

**Мавзунинг номи:** “Ҳисоб сиёсати”.

**Иштирокчилар:** бакалавриат босқичи “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши, 3-курс талабалари.

**Ўқитишнинг мақсади:** ўқув курси бўйича эгалланган билимларни чукурлаштириш мақсадида корхонанинг ҳисоб сиёсатини тузиш бўйича малака кўникмаларни шакллантириш.

**Режалаштирилаётган ўқув натижалари:** ҳисоб сиёсатининг мақсади ва вазифаларини англаб етади; корхоналарнинг ҳисоб юритиш тизимидағи ўзига хос жиҳатларни ажратса олади; ҳисоб сиёсати таркибини ўзлаштиради; ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритиш йўлларини билиб олади; аниқ корхона учун ҳисоб сиёсатини тузиш кўникмаларига эга бўлади.

*Лойиҳалаштириши фаолияти бўйича қўйидаги амалий кўникмаларга эга бўлади:* муаммони шакллантириш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш; ўз фаолиятини режалаштириш; маълумот манбаларини аниқлаш, тизимга келтириш ва таҳлил этиш; натижаларни талаб даражасида расмийлаштириш ва керакли кўринишида тақдим этиш.

**Талабалар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган таянч билим ва кўникмалар қўйидагилардан иборат:**

*Қўйидаги таянч билимларни билиши керак:* ҳисоб сиёсати борасидаги меъёрий хужжатлар; ҳисоб сиёсати таркибини ташкил этувчи ҳар бир бўлимнинг назарий асослари; корхона фаолиятига доир ўзига хос жиҳатларни таҳлил этиш ва баҳолаш.

*Қўйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак:* бухгалтерия ҳисоби маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш; ҳисоб сиёсатида акс эттириувчи маълумотларни таҳлил этиш; гуруҳда фаолият юритиш, ҳамкорликда ўқиш тартиб ва қоидалари.

**Турланиш белгилари бўйича лойиҳага тавсиф:** тури амалий; предмет ва мазмун жиҳатдан кўлами бир фан бўйича фойдаланилувчи монолойиҳа; **талабалар ўқув лойиҳа фаолиятларини мувофиқлаштириш характеристи** бевосита; **иштирокчилар сони** гуруҳ талабалари 3 та ишчи гуруҳга бўлиниб, ҳар бир ишчи гуруҳда 5 тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин (талабалар кўпроқ бўлса, лойиҳа йўналишларини кўпайтириш мумкин); **бажариш муддати** узоқ муддатли – ўқув семестри якунигача; семестр давомида ҳисоб сиёсатини ташкил этувчи ҳар бўлим тайёрлиги даражасида тақдимот этиб борилади.

**Лойиҳани бажариш тартиби:** талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, амалий машғулотда тақдим этиб борилади. Лойиҳа маҳсули семестр охирида, талабалар ва педагог ўртасида белгиланган кунда амалга оширилади.

**Лойиҳанинг баҳоланиши** – ишчи гурухлар томонидан бажарилган лойиҳа қўйидагича баҳоланади (гурухнинг ҳар бир аъзоси учун): талабалар томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. балл – 5); ҳисобот (макс. балл – 5); лойиҳа тақдимоти ва ҳимоя этиш жараёни (макс. балл – 10).

**Лойиҳа асосида ўқитиш босқичлари.**

*Тайёрлов босқичи:* лойиҳа билан танишиш; аудиториядаги машғулот вақтида талабалар фаолиятини ташкил этиш.

*Лойиҳани бажарииш босқичлари:* аудиториядан ташқари фаолият даврида.

*Якуний босқич:* лойиҳа тақдимоти, лойиҳа ва аудитория машғулотида талабаларнинг лойиҳалаштириш фаолиятини баҳолаш.

*Лойиҳа асосида ўқитишни бошқарии:* аудиториядан ташқари фаолиятда.

**Ўқитиш моделига қисқача тавсифнома.**

Лойиҳа асосида ўқитиш жараёнида қўйидагилар қўлланилади:

*ўқитиш усуллари:* лойиҳалаштириш усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, тақдимот;

*ўқитиши шакллари:* оммавий, алоҳида, гурухий;

*ўқитиши воситалари:* лойиҳа топширифи, услубий кўрсатмалар, компьютер технологиялари.

# ЎҚУВ ЛОЙИҲАСИ: “ҲИСОБ СИЁСТИНИ ТУЗИШ”

## I. ЛОЙИҲА ТОПШИРИГИ

Иқтисодий ислоҳотлар даврида хўжалик юритувчи субъектлар олдида турган асосий вазифа танланган фаолият юритиш соҳасининг талаблари ва ўз манфаатлари доирасида сифатли, рақобатбардош ҳамда нисбатан арzon маҳсулот (иш ва хизмат) ларни истеъмолчиларга етказиб беришдан иборат. Бу эса корхонанинг танлаган стратегиясига бевосита боғлиқдир. Ушбу стратегия корхонанинг иш юритиш ҳамда ҳисобни ташкил этиш усулларидан иборат бўлиб, унинг мақсадга мувофиқ шакллантирилиши кўп жихатдан уни тузиш тартиби ва тузувчиларнинг малакаларига боғлиқ.

Ҳисоб сиёсати деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олинган ҳолда тузилувчи ўз таркибига ҳисобни ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш учун қабул қилинадиган усулларни жамловчи расмий ҳужжат сифатида қаралади.

Ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини гуруҳларга ажратиш ва хўжалик фаолияти далилларига баҳо бериш, активлар қийматини аниқлаш, ҳужжатлар айланмаси, ишчи ҳисоб-рақамлар режаси, мол-мулкни рўйхатга олишни ташкил этиш усуллари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотларни қайта ишлаш босқичлари ва корхона фаолиятига дахлдор бўлган ўзига хос ҳолатлар ҳисобини ташкил этиш услубиятлари ўз аксини топиши лозим. Аммо, ҳозирги кунда корхоналар томонидан ҳисоб сиёсатини талаб даражасида шакллантириш масаласига етарли эътибор қаратилмаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири мутахассисларда бу борадаги билим ва кўникмаларнинг этишмаслиги ва ҳисоб сиёсатининг аҳамиятига тўлақонли тушуниб этишмаётганидадир.

**Лойиҳа доирасида ечилиши керак бўлган муаммо** корхонанинг ҳисоб юритиш тизимидағи ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоб сиёсатини тузишдан иборат.

### Вазифалар:

1. Ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик корхона учун ҳисоб сиёсатини тузиш.
2. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик корхона учун ҳисоб сиёсатини тузиш.
3. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кичик корхона учун ҳисоб сиёсатини тузиш.

**Лойиҳанинг мақсади (нима учун яратилаяпти)** танланган соҳадаги кичик корхона учун ҳисоб сиёсатини тузиш.

**Лойиҳани амалга оширишдан эришиладиган натижা (лойиҳа маҳсули)** корхона ҳисоб сиёсати.

**Лойиҳадан фойдаланувчилар:** маълум бир танланган соҳа корхонасининг раҳбари ва бош бухгалтери, молиявий ҳисоб фанини ўргатаётган профессор-ўқитувчилар, ўрганаётган талabalар.

**Лойиҳанинг таркиби:** Сизга таклиф этилаётган ушбу таркибий тузилиш ҳисоб сиёсатининг намунавий шаклдаги қўриниши бўлиб, унинг

шаклланишида ҳар бир танланган йўналиш корхонанинг ўзига хос хусусиятларида ўз аксини топмоғи лозим.

**Лойиҳа таркиби ва уларнинг тайёрланиш  
муддатлари жадвали \***

<b>№</b>	<b>Лойиҳа таркибий бўлимларининг номи</b>	<b>Тайёрланиш муддати</b>
<b>1</b>	<b>Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ташкилий шакллари</b>	1 ҳафта
<b>2</b>	<b>Бирламчи хужжатлар шакллари, хужжатлар айланиши ва маълумотларни қайта ишлаш тартиби</b>	1 ҳафта
<b>3</b>	<b>Бухгалтерия ҳисобининг ишчи счёtlар режаси</b>	1 ой
<b>4</b>	<b>Инвентаризация ўtkазиш тартиби</b>	2 ҳафта
<b>5</b>	<b>Бухгалтерия ҳисоби аппаратидаги ходимлар хизмат вазифалари йўриқномаси</b>	2 ой
<b>6</b>	<b>Хўжалик операциялари бўйича ички назоратни ташкил этиш тартиби</b>	1 ой
<b>7</b>	<b>Асосий воситалар ҳисоби:</b>	3 ой
7.1	<i>Асосий воситалар ва уларнинг таркиби</i>	2 ҳафта
7.2	<i>Асосий воситалар бирламчи баҳосини аниқлаш</i>	2 ҳафта
7.3	<i>Асосий воситалар бирламчи баҳосини ўзгартириши</i>	1 ҳафта
7.4	<i>Асосий воситаларни қайта баҳолаш</i>	2 ҳафта
7.5	<i>Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш</i>	2 ҳафта
7.6	<i>Асосий воситаларни таъмирлаш</i>	2 ҳафта
7.7	<i>Асосий воситалар инвентаризацияси</i>	1 ҳафта
<b>8</b>	<b>Номоддий активлар ҳисоби</b>	2 ой
<b>9</b>	<b>Молиявий инвестициялар ҳисоби</b>	3 ой
<b>10</b>	<b>Товар-моддий захира (ТМЗ) лар ҳисоби</b>	3 ой
10.1	<i>ТМЗларни сотиб олиш ва тайёрлаш жараёни ҳисоби</i>	3 ҳафта
10.2	<i>Захиралар ва ишлатилган моддий бойликлар қийматини аниқлаш</i>	1 ой
10.3	<i>Чакана савододаги товарлар қийматини аниқлаш</i>	3 ҳафта
10.4	<i>ТМЗ қийматини сотувнинг соғ қиймати асосида аниқлаш</i>	2 ҳафта
<b>11</b>	<b>Даргумон қарзлар бўйича захира ташкил этиш ҳисоби</b>	2 ой
<b>12</b>	<b>Маҳсулот, товар, иш ва хизматларни сотиши натижасидаги даромадларни тан олиш</b>	1 ой
<b>13</b>	<b>Валюта операциялари ҳисоби</b>	2 ой
<b>14</b>	<b>Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини ҳисоблаш</b>	2 ой
<b>15</b>	<b>Келгуси давр харажатлари ҳисоби</b>	2 ой
<b>16</b>	<b>Мақсадли молиялаш ва мақсадли тушумлар ҳисоби</b>	2 ой

**Изоҳ:**

\*—графикда кўрсатилган муддатлар ва таркибий қисмлар намунавий бўлиб, педагог ва гурӯҳ талабалари ташабbusи ҳамда танланган лойиҳа йўналишидан келиб чиқсан ҳолда қайta кўриб чиқилиши мумкин.

**Лойиҳа доираси:**

- бажарилиш муддати: семестр давомида (якуний назоратдан олдин тақдимот қилинади), лойиҳа қисмлари белгиланган график асосида;

- иширокчилар сони: гурӯҳ талабалари 3 та ишчи гурӯҳга бўлиниб, ҳар бир ишчи гурӯҳда 5 тадан 8 тагача иширокчи бўлиши мумкин.

## **II. ТАЛАБАЛАР УЧУН УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

### **Лойиҳалаштириш фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун кўрсатма**

**1. Тайёрлов босқичи.**

1.1. Лойиҳа мавзусини танланг, долзарблигини асосланг ва ёчишингиз керак бўлган муаммони шакллантиринг.

1.2. Лойиҳа мақсади, предмети, обьекти ва вазифаларини белгиланг.

1.3. Лойиҳалаштириш фаолияти турлари ва ёчилиши лозим бўлган топшириқларни тайёрланг. Уларни ёчиш усул ва воситаларини танланг.

1.4. Лойиҳа мавзусига доир ахборот манбалари билан танишинг (мөъёрий ҳужжатлар, ўқув адабиётлари, молиявий ҳисоботлар ва бошқалар).

**2. Ўқув фаолиятини режалаштириш босқичи.**

2.1. Мақсадга эришиш кетма-кетлигини ишлаб чиқинг.

2.2. Иш режасини тузинг (loyihani ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, уни тақдимотга тайёрлаш, ҳисоботни тузиш бўйича топшириқларни иширокчилар ўртасида тақсимланг, уларни бажариш ва тайёр ҳолатга келтириш муддатини белгиланг).

### **Лойиҳа бажарилишининг иш режаси**

Иширокчиларнинг Ф.И.	Топширик	Фаолият тури	Тайёр маҳсул кўриниши	Бажарилиш муддати
*	Лойиҳа доирасида қатнашчиларни аниқлаш, ҳар бир қатнашчининг вазифасини белгилаш	Қатнашчилар рўйхати тузилади, қатнашчилар имкониятларига караб лойиҳа учун танланган фаолият йўналишидаги корхонанинг ҳисоб сиёсатидаги бандлар ўзаро тақсимланади	Лойиҳани амалга ошириш режаси шаклланади	**
	Қайси йўналишдаги корхона учун ҳисоб сиёсати тайёрланишини танлаш	Корхона хусусиятларини чукур таҳлил этиш орқали ишчи гурӯҳ имкониятларини тўғри баҳолаш	Йўналиш аниқланади	
	Корхона маълумотлари банкини шакллантириш	Танланган корхона-нинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи маълумотлар базаси шакллантирилади	Корхона паспорти	

	Ҳисоб сиёсатининг намунавий таркиби бўйича маълумотларни таркиблаштириш	Корхона маълумотларидан нусха олиш, маълумот-ларни ҳисоб сиёсати таркиби бўйича жамлаш, таҳлил этиш ва қайта ишлаш	Ҳисоб сиёсатининг дастлабки кўриниши юзага келади	
	Ҳисоб сиёсатига қўйилган талаблар асосида маълумотларни таркиблаштириш	Ҳисоб сиёсати-нинг ҳар бир бўлими бўйича маълумот-ларни ўз ўрнига қўйиш, белгиланган тартиб асосида шаклга келтириш	Корхона йўналишига қараб тайёр ҳисоб сиёсати	
	Лойиҳани расмийлаштириш	Лойиҳа иши натижаларини тўплаш	Корхона ҳисоб сиёсати тайёр ҳолга келтирилади	
	Лойиҳалаштириш фаолияти натижалари ва лойиҳа тақдимоти бўйича ҳисботни тайёрлаш	Мавзуу долзарб-лиги ва муаммони асослаб бериш, лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини кўрсатиб бериш ва бошқалар	Ҳисбот	
	MS Power Pointда лойиҳа тақдимотини тайёрлаш	Тақдимотни умумий расмийлаштириш ва унинг мазмунини яна бир бор текшириш, янги слайдларни қўшиш ва ҳоказо	Тақдимот	

### Изоҳ:

\* – ҳар бир гуруҳдаги иштирокчилар ҳамда мавжуд вазиятдан келиб чиқкан ҳолда иштирокчиларнинг Ф.И.Ш.лари белгиланади;

\*\* – бажариш муддатлари танланган лойиҳа йўналиши ва гуруҳдаги вазиятга боғлиқ равишда муайян ҳолатдан келиб чиқиб белгиланади.

### 3. Лойиҳани бажариш босқичи.

3.1. Керакли маълумотларни тўпланг, тизимга келтиринг ва таҳлил килинг.

3.2. Тадқиқот натижаларини расмийлаштиринг (тайёр ҳолатга келтиринг).

3.3. Йўриқномага мувофиқ лойиҳа фаолияти тўғрисида ҳисбот тайёрланг.

### 4. Лойиҳани тақдимотга тайёрлаш.

4.1. MS Power Point да тақдимотларни тайёрлаш бўйича қўлланмадан фойдаланган ҳолда лойиҳа тақдимотини тайёрланг.

4.2. *Лойиҳанинг оғзаки тақдимотида* гурух аъзолари ўртасида вазифаларни аниқланг.

5. Оммавий тақдимот, лойиҳа ҳимояси ва баҳолаш. Маҳсулнинг ташқи (эксперт) баҳолашини таъминланг.

## **2. Лойиҳа иши тўғрисида ҳисботтага тайёргарлик бўйича йўриқнома**

1. Сиз таклиф ва тавсия этаётган лойиҳани татбиқ этишни исботловчи хуносаларни (1 бетдан кўп бўлмаган матн асосида) ифодаланг.

2. Сиз ҳал этмоқчи бўлган муаммони (5-6 сўз билан) асосланг.

3. Лойиҳангизнинг мақсади: унинг нима учун яратилиши, охирги маҳсулни қандай бўлиши ва у кимга қаратилганлигини (1-3 таклиф орқали) кўрсатинг.

4. Лойиҳа вазифаларини (қисқа ва бир маъноли) ифодаланг.

5. Лойиҳанинг иш режаси (жадвал) ни баён этинг.

6. Вазифани ечими натижаларини ва лойиҳада бажарилган ишларни кўрсатинг.

7. Сиз таклиф этган лойиҳа маҳсулини татбиқ этиш имконини тасдиқловчи хуносаларни шакллантиринг.

8. Бажарилган иш бўйича фойдаланилган манбалар рўйхатини таркиблаштиринг.

9. Баҳоланг:

- лойиҳа сифатини;
- лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари.

10. Иловаларни таркиблаштиринг: лойиҳа иштирокчиларининг Анкеталари ва лойиҳа ишининг иш материалларини киритинг (хоҳишингизга кўра).

## **3. Лойиҳани MS Power Point да тақдимотга тайёrlаш бўйича йўриқнома**

MS Power Point да тақдимотга *тайёrlаш жараёни* қўйидагилардан иборат:

- тақдимот турини танлаш;
- тақдимотни умумий расмийлаштиришни танлаш;
- слайдларнинг мазмунли томонларини танлаш;
- янги слайдларни қўшиш;
- слайдларни белгилашни танлаш;
- зарур бўлганда слайдларни расмийлаштиришни ўзгартириш;
- слайдларни намойиш этиш вақтида турли овозли анимацияларни яратиш.

Слайдларни *техник намойии этиши* қўйидаги тавсифларга жавоб берниши керак:

Слайдлар миқдори (8-12).

Слайдларнинг мазмунли кўрсаткичлари:

- биринчи слайд: лойиҳа номи, муаллиф фамилияси, -ўқув гурухи, яратилган кунидан иборат;
- охирги слайд ахборот манбасига бағишиланган;
- бошқа слайдлар лойиҳа мазмунини ихтиёрий шаклда акс эттиради.

Слайдлар ўз-ўзидан ишлаш тартибида намойиш эттирилади.

### ***Тақдимотни расмийлаштириши қоидаси***

Агар матн оғзаки бўлса, қуйидагича бўлиши зарур:

- юқори ахборотли;
- боғловчили;
- аниқ ва қисқа;
- оддий синтаксикли (...қуйидагиларга эътибор беринг, қуйида тақдим этилаётган... рўйхатлар каби айлантирувчи кириш сўзлари камроқ бўлиши)-буларнинг барчасини маъruzачини ўзи гапириши мумкин. Оддий тузилган гаплар ўрни билан таништиради ва ёзувни каттароқ қилишга имкон беради;
- (асосан термин ва таърифларда) тушунарли, мантиқий, аниқ бўлиши зарур. Оммага тақдим этиш олдин матнни текширишга эринманг.

Овоз тиниқ бўлиши керак. Тақдимотни овозли қилиш керак эмас, бунда шарҳловчининг овозини эшитиб бўлмайди, энг яххиси маъruzачининг жонли овози ҳисобланади.

*Расмлар* аниқ ва етарлича каттароқ бўлиши зарур. Расмларнинг ўлчамини катта қилишга уринманг, фақатгина Сиз сифатни йўқотасиз.

*Видеотасмалар* тақдимот ойнасининг уч қисмини эгаллаши зарур. Расмлар намойиши бўлиши керак. Безаклар чалғитиши мумкин.

*Жадвалларда* ажратувчи маълумотлар аниқ кўрсатилиши, жадвалларнинг номланиши тагига катта ёзувларда берилиши зарур. Жадвалларни ҳаддан зиёд маълумотлар билан тўлдириш керак эмас! Жадвалга қанча кўп маълумот киритилса, уларни экрандан қабул қилиш қийин бўлади. Тақдимот бошлашдан аввал аудиторияда ўтирганларга жадвал ва расм нусхаларидан тарқатиш зарур.

*Чизмалар* бир бўлимдан бошқа бўлимга аниқ ва мантиқий равишда ўтишга мослаштирилиши керак. Ўтиш чизиклари экранда яхши кўринишини текширинг.

## **4. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари**

*Гурӯҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:*

- ҳар бир талабалар томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида (мавзулар бўйича) қисмлари (энг юқори 15 балл);
- ҳисобот (энг юқори 8 балл);
- MS Power Point лойиҳа тақдимоти (энг юқори 7 балл);
- оғзаки тақдимот ва лойиҳа ҳимояси (энг юқори 5 балл).

### **Бажарилган лойиха бўйича маҳсулотни баҳолаш**

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш кўрсаткичлари
1.	Лойиха мазмунини белгиланган мақсадга мувофиқлиги	Белгиланган мақсадга лойиха мазмуни мос келса, макс. 3 балл
2.	Лойиха: мавзуга оид бўлган етарли микдорда, сифатли ахборотдан иборат	Эришилган натижалар мақсадга мувофиқ келса, макс. 5,0 балл: - янги; - лойиха вазифасини тўлиқ акс эттиради; - кенг манбаларга асосланган
3.	Ахборотнинг расмийлаштирилиши	Агар ахборот талаб даражасига мувофиқ келса: сарлавҳа, матн таркиблаштирилган бўлса, 0,5 балл  Намойиш этувчи материал (жадвал ва чизмаларда) бўлса, макс.0,5 балл: - маълумот мазмунини тўлиқ акс эттиради; -стандарт талабларига мувофиқ расмийлаштирилган

### **Лойихани MS Power Point да бажарилган тақдимотини баҳолаш**

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш кўрсаткичлари
1.	Лойиха тақдимоти бўйича йўриқномага расмий риоя этиши	Йўриқнома изчилиги бўлса, макс. 2,5 балл
2.	Слайдларни техник намойиш этиш йўриқномасига риоя этиш	Тақдимот тайёрлашда йўриқномага риоя этилган бўлса, 1,0 балл
3.	Тақдимотни расмийлаштириш қоидасига риоя этилган бўлса, 1,5 балл	Тақдимотни расмийлаштириш қоидасига риоя этилган бўлса, 1,5 балл

## **Бажарилган лойиҳа бўйича ҳисоботни баҳолаш**

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш кўрсаткичлари
1	Ҳисоботни тайёрлаш бўйича йўриқномага расмий равища риоя этилиши	Ҳисобот тузилмаси йўриқномага мувофиқ бўлса, макс. 0,5 балл
2	Танланган мавзу асосланганлиги ва долзарблиги	Танланган мавзу долзарблиги далилий исботланган бўлса, макс. 0,5 балл
3	Ечими ҳал этилаётган муаммони асосланганлиги	Муаммо далилий асосланган бўлса, макс.0,5 балл
4	Вазифа ва лойиҳа иштирокчилари фаолият турларининг баён этилиши	Вазифа ва лойиҳа иштирокчилари фаолият турлари аниқ белгиланган бўлса, макс. 0.3 балл
5	Лойиҳа вазифаларининг белгиланиши	Лойиҳа вазифалари аниқ белгиланган бўлса, 0,5 балл
6.	Лойиҳанинг иш режасини ишлаб чиқиш	Иш режа ишлаб чиқилган ёндашувларга мувофиқ тузилган бўлса, 1,0 балл
7	Вазифалар бўйича лойиҳанинг иш натижаларини келтириш	Вазифалар бўйича лойиҳа иш натижалари иштирокчиларни кўрсатиш билан, аниқ ва равshan келтирилган бўлса, макс. 1,0 балл
8	Хулосаларни ифодалаш	Хулосада таклиф ва тавсия этилаётган лойиҳани татбиқ этиш муҳимлигини исботлаш баён этилган бўлса, макс. 1,5 балл
9	Фойдаланилган манбалар рўйхатини таркиблаштириш	Фойдаланилган манбалар рўйхати бажарилган вазифалар бўйича таркиблаштирилган ва стандарт талабларига мувофиқ расмийлаштирилган бўлса, 0,2 балл
10	Лойиҳа фаолиятини ўзи баҳолаши	Танқидий баҳо: - маҳсул сифати, -лойиҳа устида ишлаш: ҳар бир иштирокчи ишининг натижавийлиги, қийинчилик ва уни енгиш берилган бўлса, 1,0 балл
11	Иловаларнинг борлиги	Иловаларда лойиҳа иштирокчиларининг анкеталари ва лойиҳа ишининг иш материаллари бўлса, 1,0 балл

## **Бажарилган лойиҳанинг оғзаки тақдимоти ва бажарилган лойиҳа ҳимоясини баҳолаш**

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш кўрсаткичлари
1.	Оғзаки тақдимот қоидасига расмий риоя этиш	Лойиҳа иштирокчиларини таништириш билан бошланиши; сўзга чиқувчиларни белгиланган вақтга риоя этишлари (7 – 15 мин.); тақдимот вақтида боадабсизлик ҳолатларига йўл қўйилмасликлари, макс. 0,2 балл
2.	Лойиҳа ҳимояси	Тақдимотда барча гурӯҳ аъзолари иштирок этган бўлса, макс. 1 балл  Жавоблар асосланган, мукаммал, аниқ бўлса, макс. 0,8 балл

### III. ТАЪЛИМНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Таълим шакллари. Иш босқичлари	Фаолият	
	таълим берувчи	талабалар
Машғулотга кириш	<p>Талабаларни лойиха фаолияти моҳияти ва уни бўлгуси мутахассислик маҳоратига таъсири билан таништиради. Мавзуларни таклиф этади, лойиха мазмуни тўғрисида маълумотлар беради, уларнинг соҳаларини ифодалайди, иш турларини кўрсатади, уларнинг натижаларини айтади</p>	
Асосий босқич	<p>Лойиха мавзуси бўйича талабалар билимини фаоллаштиради: тезкор сўров ёки савол-жавоб ўтказади</p> <p>Эвристик сұхбат орқали муаммони тақдим этади: муаммоли вазиятни ифодалайди ва талабаларни зиддиятларни аниқлашлари ва уни ечиш муҳимлиги, лойиха муаммоси ва мавзусини шакллантиришга киритиш учун саволлар беради</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар; зиддиятларни аниқлайдилар ва уни ечиш муҳимлиги, лойиха муаммоси ва мавзусини шакллантирадилар</p>
	<p>Талабалар билан лойиха мақсади ва вазифаларини шакллантириш бўйича ақлий хужумни ташкиллаштиради.</p> <p>(Талабаларга кутилаётган натижани - маҳсул ва тахминий истеъмолчиларни белгилашни) таклиф этади</p>	<p>Лойиха мақсади ва вазифаларини шакллантирадилар.</p> <p>Лойиха натижасини – маҳсул ва унинг истеъмолчиларини аниқлайдилар</p>
	<p>Лойиха топширигини тақдим этади.</p> <p>У билан танишишни ва тушунишни ташкиллаштиради.</p> <p>Ахборот манбаларини, уни йиғиши ва таҳлил қилиш йўлларини тавсия этади.</p> <p>Лойиха фаолияти натижаларини баҳолаш мезонлари ва тадбирлари билан таништиради</p>	<p>Лойиха топшириғи билан танишадилар.</p> <p>Саволлар берадилар</p>
	Лойиха гуруҳларини шакллантиришни ва лойиха мавзусини танлаш ташаббусини оширади	<p>Гуруҳларга бирлашадилар.</p> <p>Мавзуни танлаш тўғрисида умумий хulosса қабул қиласадилар</p>

	<p>Гурухларда ишлаш қоидасини түшүнтириб, топширик беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- лойиха фаолияти вазифаларини аниқлаш ва уни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш;</li> <li>-лойиха фаолияти тартибини ишлаб чиқиш;</li> <li>-лойиха вазифаларини бажаришнинг йўл ва воситаларини танлаш, унинг натижаларини расмийлаштириш ва тақдимот;</li> <li>- иш режасини тузиш.</li> </ul>	<p>Гурухларда лойиха фаолиятини лойихалаштириш ва режалаштириш бўйича ишларни ташкиллаштиради: лойихани бажариш йўли ва босқичларини аниқлайдилар, иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлайдилар, ҳамкорлик шаклларини аниқлайдилар, лойиха вазифаларини бажаришнинг йўл ва воситаларини, унинг натижаларини расмийлаштириш йўлларини танлайдилар.</p> <p>Иш режасини тузадилар</p>
Яқуний-баҳолаш босқич	<p>Лойиха топшириғи натижаларини аниқлаш бўйича ва лойиха фаолиятини режалаш-тириш юзасидан резюме килади.</p> <p>Талабалар дикқатини лойиха иш мазмуни ва уларни бажариш тартибига қаратади.</p> <p>Анкетанинг биринчи қисмини тўлдиришни таклиф этади</p>	Анкеталарни тўлдирадилар

---

---

**“Таълим соҳаси маркетинги” фанидан**

**МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**Г.Н. Ахунова**

---

<b>1</b>	<b>Кириш-тематик маъruzада ўқитиш технологияси “Таълим хизматлари маркетинги концепцияси”</b>
----------	---

№1 мавзу. 2 соат  Мавзу	Таълим олувчилар сони: <i>25 кишидан ошмаслиги лозим.</i>  Таълим хизматлари маркетинги концепцияси.
Тайёргарлик босқичи.	<p>1. Кейинги семинар, докладлар/маълумотлар рўйхатини тақдим этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Таълим тизимида маркетинг коммуникациялари.</li> <li>• Таълим хизматлари бозорида коммуникация сиёсатининг муаммолари.</li> <li>• Таълим хизматларининг интернет тизими тармоғи орқали ўсиб бориши.</li> <li>• Таълим хизматлари бозорининг асосий муаммолари</li> </ul> <p>2. Кейинги ўқув фанларни ўзлаштиришда, замонавий ижтимоий-иктисодий жараёнларда тўлиқ йўналишга эга бўлишда уларнинг аҳамияти катта эканлигини уқтиради.</p> <p>3. Семинарга тайёрланиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхатини тақдим этади, вақти-вақти билан нашр этиладиган “Вестник Узбекистана”, “Экономическое обозрение” журналлари билан иш олиб боришни тавсия этади.</p> <p>4. Мавзуларни танлашни ва доклад қилувчиларга уларни юклидишни ташкиллаштиради;</p> <p>5. Ҳар бир доклад учун тақризчиларни, олиб борувчиларни ва эксперктларни айтиб ўтади.</p> <p>6. Докладчиларга танланган мавзу бўйича рефератларга етарли даражада аниқ режа тузиш учун вазифа ва консультация беради.</p> <p>7. Нафақат докладчилар тайёргарлигини, балки семинарнинг бошқа қатнашчиларини ҳам тайёргарлик кўришларини таъминлаб беради, уларга маъруза ва қўшимча материаллар мазмунини ишлаб чиқиши вазифасини ва докладчиларга бериш учун саволлар тузишни буоради. Шахсий назорат вариантини ишлаб чиқади (1-илова).</p> <p>8. Докладчиларни, тақризчиларни баҳолаш мезонлари билан танишитиради (2-илова).</p> <p>9. Докладчилар билан семинардаги чиқишиларнинг тузилиши ва услубларини муҳокама қиласиди (3-илова).</p> <p>10. Тайёрланган рефератлар мазмуни билан танишади. Керак бўлганда, таълим оловчилар ўз жавоблари билан рефератга қўшимча қилишлари мумкин бўлган саволларни беради.</p>	<p>Тақризчилар докладчиларга бирикадилар.</p> <p>Доклад, чиқишиларнинг мавзунини танлаган шахслар унинг режасини тузадилар.</p> <p>Маъруза ва қўшимча материаллар мазмунини ўрганиб чиқадилар, докладчиларга саволлар тайёрлайдилар.</p> <p>Баҳолаш мезонлари билан танишишиб чиқадилар ва чиқишига тайёргарлик қиласидилар. Оператив тарзда сўнгги мулоҳазага ўзгартиришлар, аниқликлар, қўшимчалар киритадилар. Реферат ёзадилар.</p>

1 босқич. Үқув машғулотига кириш (5 мин)	<p>1.1. Семинар мавзуси, ўқув фаолиятнинг мақсади ва режалаштирилган натижаларни эълон қилади, бошловчини таништиради.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида семинарни муҳокама (бахс) тарзида олиб борилишини эълон қилади.</p> <p>1.3. Ўтказиш тартибини айтиб ўтади, “Бахс қатнашчиларига кўрсатма” ва “Баҳолаш мезонлари” таблицаларини осиб қўяди (2-илова).</p>	<p>Бошловчи докладчиларни, тақризчиларни ва эксперталарни эълон қилади.</p> <p>“Бахс қатнашчиларини боҳолаш мезонлари” қоидалари билан танишадилар.</p>
2 босқич. Асосий босқич (65 мин).	<p>2.1. Докладчилар чиқишини ташкиллаштиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• материал мазмунини очиб беришдаги мантиққа эътибор беради;</li> <li>• баён этилаётган материалларни муҳокама қилиш эҳтиёжи туғилса, докладчини маълум муддатга тўхтатиб, семинарни коллектив доирасидаги муҳокамага қўяди.</li> </ul> <p>2.2. Доклад мазмунини коллектив ўртасидаги муҳокамасини ташкиллаштиради. Бошловчи билан бирга коллектив ўртасидаги муҳокама жараёнини тартибга солиб туради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-саволлар беради (1-илова);</li> <li>-докладнинг асосий ҳолатини аниқлаштиради;</li> <li>-айтиб ўтилган фикрларга қизиқиш уйғотади.</li> </ul> <p>2.3. Ҳар бир доклад муҳокамаси қисқа умумлаштириш билан якунланади.</p>	<p>Бошловчи сўзни докладчига беради.</p> <p>Иштирокчи докладни ўқиди.</p> <p>Бошловчи сўзни тақризчига беради.</p> <p>Тақризчи докладнинг ижобий томонларини таъкидлаб ўтади ва ўз фикрини баён этади, саволлар беради, бахсда иштирок этади.</p> <p>Қатнашчилар коллектив тарзда доклад мазмунини муҳокама қиладилар, баҳс юритадилар.</p> <p>Ҳар бир доклад муҳокамаси натижасидан сўнг докладчига балл қўйиш билан якунланади.</p>
3 босқич. Якунний (10 мин)	<p>3.1. Семинарга якун ясашни ташкиллаштиради. Сўзни эксперталарга беради.</p> <p>3.2. Семинар машғулоти мавзусининг мазмуни бўйича якун ясайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- асосий жихатларини қисқа равища айтиб ўтади;</li> <li>- муҳокама жараённада қўйилган саволлар юзасидан ўзида жавоблар тутган хulosаларга аниқлик киритади;</li> <li>-семинарнинг натижавийлигига умумий баҳо беради.</li> </ul>	<p>Эксперталар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-докладчиларнинг, тақризчиларнинг тайёргарлигини, баҳсадаги фаоллигини баҳолайдилар;</li> <li>- докладчиларга, тақризчиларга қўйилган балларни жамлайдилар, уларни эълон қиладилар.</li> </ul>

**(6) 1-илова**

**Хулосаларни мухокама қилиш ва шакллантириш учун саволлар. “Таълим тизимида маркетинг коммуникациялари” мавзусига доир саволлар.**

1. Маркетинг коммуникациялари тушунчаси асосида нима тушунилади?
2. Маркетинг коммуникацияларининг қандай таркибий бирикмаларини биласиз?
3. Таълим соҳасида public relation қандай ўрин тутади, унинг аҳамияти нимада?
4. Рекламага оид чора-тадбирларининг асосий принциплари ва концепциялари нималарни ўз ичига олади?
5. Берилган йўналишларнинг ўрни ва фарқларини ўзаро айтиб беринг.

**“Таълим хизматлари бозорида сиёсий коммуникацион муаммолар” мавзусига доир саволлар**

1. Бозорда таълим муассасалари коммуникацион сиёсатини қайта ишлаб чиқишида нимани тасаввур қиласиз?
2. Таълим муассасалари коммуникацион сиёсатида муаммолар юзага келишининг қандай сабаблари бор?
3. Бу сабабларнинг ўзаро қандай боғлиқлиги мавжуд, ҳозирги вақтдаги уларнинг ўзаро нисбати нимада, бу нима билан боғлик?
4. Давлат бозорида коммуникациянинг ўзига хос томонлари ва ривожланиш истиқболларини кўрсатинг.

**“Интернет тизими тармоғи орқали таълим хизматларининг ўсиб бориши” мавзусига доир саволлар**

1. Таълим хизматлари ривожланишининг кенг тарқалган қандай шакл ва усуулларини айта оласиз?
2. Интернет-таълим тизими тармоғи нимани ифодалайди?
3. Таълим хизматларини ўсиб боришида интернет тизимидан фойдаланиш самарадорлигининг моҳияти нимада?
4. Давлат таълим муассасалари учун интернет тизими орқали таълим хизматларини ривожлантиришда қандай муаммолар юзага келади?

**“Таълим хизматлари бозоридаги асосий муаммолар” мавзусига доир саволлар**

1. Республикада таълим хизматлари бозорининг асосий муаммоларини кўрсатинг.
2. “Нотиниқлик” ва “таълим хизматларининг ноаниқлилиги” тушунчаларини таърифлаб беринг.
3. Иқтисоддаги қайта ўзгартиришлар тезлиги таълим тизимининг мослаштирилган имкониятларига қандай таъсир кўрсатади, бу нима билан боғлиқ?
4. Назарий билимлар ва амалий кўникмалар орасидаги боғлиқликнинг бузилиш муаммоларини ечишда қандай кўрсатмалар бера оласиз?
5. Очиб беринг, таълим хизматлари бозорининг кенглиги ва чуқурлиги

ўртасидаги зиддият нималарда намоён бўлади?

(6) 2-илова

**Муҳокама қатнашчиларини баҳолаш мезонлари (экспертлар ёки ўқитувчилар томонидан тўлдирилади)**

Докладчи (ФИШ)	Мавзунинг тўлиқ ёритилганлиги (max 3 балл)	Муҳокама жараёнидаги саволларга берилган тўғри жавоблар сони (ҳар бир тўғри жавобга 1 баллдан )	Баллар йиғиндиси
1			
2			
3			
4			

Тақризчи (ФИШ)	Докладнинг ижобий томонлари (1 баллдан)	Докладнинг суст томонлари (1 баллдан)	Баллар йиғиндиси
1			
2			
3			
4			

Муҳокама қатнашчиси (ФИШ)	Мавзуга кўшимчалар	Саволлар сони (мазмуни бўйича)	Баллар йиғиндиси
1			
2			
3			
4			

(6) З-илова

### **Мұхокама қатнашчиларига күрсатма**

1. Мұхокама усули муносабатларни аниклаштириш учун әмас, балки муаммоларни ечиш усули хисобланади.
2. Бошқаларга ҳам үз фикрини баён қилиш имкониятини бериш учун узоқ вақт сүзлама.
3. Гапларингни ўйла, улрни фикрлаб баён қил, онгли фикрларинг үз мақсадига эришиши учун үз хиссиётларингни назорат қил.
4. Оппонент позициясини тушунишга ҳаракат қил, унга хурмат билан қара.
5. Оппонент баён қилған фикрни бузмасдан ва нотұғри талқин қилмасдан, тұғри эътиroz билдир.
6. Үқимишли ва билимдонлигингни рўкач қилмай, фақатгина мұхокама мавзуси бўйича үз фикрларингни баён қил.
7. Үз чиқишингга бошқаларда қизиқиш үйготиб, уларни қойил қолдир.

### **Мұхокама-семинарда йўналтирувчи кўрсатма**

**Олиб борувчи:** таълим берувчининг ҳамма вазифасини үз қўлига олади – мұхокама жараёнини бошқаради, изох берувчи ёки рад қилувчи ҳамма далилларни, тушунча ва атамаларни аниқ жойларда тұғри фойдаланишларини, муомала қилиш маданияти ва х.к.ни кузатиб боради. Сўзга чиқувчилар учун берилган вақтни қаттиқ назорат қиласи.

**Такризчи:** сўзга чиқувчиларнинг докладларига баҳо беради ва долзарблигини, кетма-кетлилигини, мантиқ ва аниқ баён этилишини, хулосаларни аниқ шакллантириш мөзюнлари бўйича ижобий томонларини қайд қиласи.

**Эксперт:** бутун мұхокаманинг натижавийлик томонларини, олиб чиқилған фараз ва тавсияларнинг хаққонийлигини ҳамда чиқарилған хулосаларни баҳолайди, мұхокама аниқ қатнашчиларининг қўшган мұхим хиссалари тұғрисида үз фикрини билдиради ва х.к.лар.

### **Мұхокамани ўтказиш тартиби ва вақт бўйича муддати (регламент)**

**Олиб борувчи** доклад мавзусини эълон қиласи ва сўзга чиқувчига сўзни беради.

Доклад 5 минутгача давом этади.

**Такризчи** 5 минутгача сўзга чиқади.

Коллектив билан мұхокама қилиш 10 минутгача давом этади.

№ 6 мавзу. 2 соат	Таълим олувчилар сони: 25 кишидан ошмаслиги лозим.
Мавзу	Таълим хизматлари бозорида нарх яратиш
Семинар машғулоти режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мавзу мазмунига кириш;</li> <li>2. Муаммоли вазифани ўрганиш;</li> <li>3. Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш;</li> <li>4. Гурухларда муаммоли вазифани ечиш;</li> <li>5. Натижалар презентацияси, муҳокама ва унинг энг оптималь вариантларини танлаш.</li> </ol>
Ўқув машғулот мақсади:	Таълимда инвестициянинг иқтисодий самарасини хисобга олиш тартиби билан танишиш. Мустақил равиша музаммони ажрата олиш қобилиятини шакллантириш, унинг ечими натижаларини тахлил қилиш ва баҳолаш.
Педагогик вазифалари:	<p>Ўқув фаолият натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Муаммоли вазифа билан таништириш;</li> <li>• Муаммони ва муаммо магзини ажрата олишни ўрганиш;</li> <li>• Бутун музаммони ва муаммо магзини тахлил қилиш ва ечиш жараённада кетма-кетликни тушунтириб бериш;</li> <li>• Бутун музаммони ва муаммо магзини ечиш йўлларини излаб топиш учун имконият яратиш.</li> <li>• Якуний холосани аниқ ифода этиш билан бирга муаммо ечимини мустақил равиша қабул қилишга йўналтириш.</li> </ul>
Таълим бериш воситалари	Маъруза матни, А32 қоғоз вараклари, маркерлар, скотч, ўқув материаллари
Таълим бериш усуллари ва шакллари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• семинар, муаммоли усул;</li> <li>• фронтал иш, гурухларда ишлаш</li> </ul>
Таълим шароитлари	Гурухдаги ишларни ташкиллаштириш учун мувофиқлашган, техник ускуналар билан жихозланган аудитория
Талабаларнинг берилган ўқув машғулотлари учун керак бўлган билим ва таълим маҳоратлари рўйхати.	Туркум ва тушунчаларнинг мазмунини билиш: “нарх яратиш”, “нархдан фойдаланиш”, “нарх бўйича муаммолар”, “вақт омиллари”, “тузатиш киритиш”, “нархлаш”, “чегирма”.

**“Таълим хизматлари бозорида нарх яратиш” мавзуси бўйича  
муаммоли турдаги семинар машғулотининг технологик харитаси**

Ишлаш босқичи	Фаолият таркиби	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
I босқич. Ўкув машғулотга кириш (10 мин)	<p>1.1. Машғулот мавзуси, мақсади ва мавзу бўйича режалаштирилган натижаларни эълон қиласди, унинг аҳамияти ва долзарбилигини асослаб беради.</p> <p>1.2. Суҳбат шаклида мазмунга эга бўлган жавобларни тахмин қилувчи саволлар бўйича таълим олувчилар билимини фаоллаштиради. Билимларни фаоллаштириш жараёнида ўкув муаммони ечиш бўйича тадқиқотчилик фаолиятида таълим олувчиларни фаол иштирок этишлари учун зарур бўлган ўзлаштирган билимларнинг етарлилигини очиб беради.</p> <p>2.1. Таълим олувчиларга муаммоли вазифаларни ўқиб, эшиттиради (1-илова).</p> <p>2.2. Берилган муаммони аниқ ифода этишга уриниб кўришни ташкиллаштиради. Муаммони аниқ ифода этиш бўйича тавсия этилган варианtlарни тахлил қиласди ва таълим олувчилар билан биргалиқда мухокама олиб боради. Аниқ ифода қилинган фикрлар варианtlарини аниқлаштиради, тузатиш киритади ва улардан бирида тўхтайди.</p> <p>2.3. Таълим олувчиларни мини-гурухларга бўлади ва уларга муаммоли вазифани биргалиқда ечишларини тавсия этади.</p> <p>2.4. Презентация бошланганлиги хақида эълон қиласди.</p> <p>2.5. Тўлиқ хисобни амалга оширишда ва вазифани ечишда пайдо бўлган ҳамма қийинчиликларни енгишда пайдо бўлган муаммони ажратган ҳолда 2 вазифанинг ечимига яқун ясади.</p> <p>2.6. Жавобларнинг бир-бирига тўғри келмаслик сабабларини мухокама қилишни таклиф этади.</p> <p>2.7. Таълим олувчилар билан биргалиқда жавобларнинг тўлиқлигини баҳолайди. Кўйилган саволга етарлича тўлиқ жавоб берилмаса, ўзи шу саволга тўлиқ жавоб беради.</p> <p>2.9. Таълим олувчиларга муаммони ечиш бўйича ўз хulosаларини таблицаларга (2-илова) ёзиб боришларини ва сўнг ўқитувчига топширишларини тавсия этади.</p> <p>2.10. Якуний хulosани аниқ ифода этади.</p> <p>3.1. Якун ясади, таълим олувчилар дикқатини ассосийсига қаратади.</p> <p>3.2. Келажакдаги касбий фаолиятида қилинган ишнинг мухимлигини таъкидлаб ўтади.</p>	Мавзуни ёзиб борадилар
II босқич. Асосий, информацион (55 мин.)		Кўйилган вазифани ечадилар. Натижалар презентациясини ўтказадилар.
III босқич. Якуний (15 мин.)		Тинглаб, конспектларига ўз ёзиб борадилар.
		Жавобларни доскада ёзадилар. Муаммони ечишда варианtlар тафовутига тушунча берадилар. Муаммони ечишда ўз варианtlарини баён этадилар.

### Муаммоли вазифалар

#### “Таълим хизматларининг истеъмол нархи ва иқтисодий самараси” мавзусига доир муаммоли вазифалар

1) Н.К. Некто дастурлаштириш бўйича бир йиллик интенсив курсни ўтиш нияти бор. Курснинг нархи 1000 \$ ни ташкил этади, кўлдан чиқарилган даромад (1 йиллик потенциал иш хаққининг хажми) - 5000 \$. Н.К. курсни яқунлагандан сўнг унга ихтисослаштирилган фирмада ишлаш ваъда қилинган. Яқин йилларда у катта даромад олишни кутяпти ва шунинг учун курсни яқунлаганидан сўнг фақат уч йил давомида ишлашни режалаштирди. Бу йиллар давомида у ўзининг потенциал иш хаққига қўшимча равишда 2500, 3000 ва 3500 минг \$ миқдорида ошган хақ олишни мўлжаллаган. Харакатлантирувчи бозорнинг меъёрий фоизи 10 фоизни ташкил этади. Сўраляптики, бундай шароитларда Н.К. курсларга ўқишига кириши иқтисодий томондан асосланганми.

Бунинг учун:

А) таълимда инвестициянинг индивидуал иқтисодий самарасини хисоблаб чиқинг.

Б) бундай маблағ вариантининг ички меъёрий даромадини аникланг.

В) агарда, АҚШ меҳнат Вазирлиги маълумотига кўра 1980 йилдан 1991 йилгача бўлган даврда 25 ёшдан ошган олий маълумотли кишининг реал йиллик даромади 9 фоизга ошган бўлса, АҚШ мисолида давлат миқёсида олинган шахс олий маълумотининг самарадорлигига мувофиқ равишда қандай хulosага келиш мумкин. Бир вақтнинг ўзида ўрта маълумотга эга бўлган шу ёшдаги кишининг йиллик даромади 7 фоизга тушиб кетди. Тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотга эга бўлган шу ёшдаги кишилар эса 14 фоиз кам даромад ола бошладилар.

2) “Триза” иш билан таъминлаш уюшмаси маълумотига кўра меҳнат бозорида юқори малакали мутахассисларга энг кўп бўлган талаб молиячи ва банк ходимларига (айниқса бош бухгалтерларга), референт секретаръларига, хукуқшунослар ва қурувчиларга бўлмоқда. Бироқ бир қатор молия муассасаларининг инқизорзга учраганлиги сабабли меҳнат бозорида бу йўналиш мутахассисларига бўлган талаб камайиб бормоқда. Банк ходимларига бўлган Марказ талаби секин-асталик билан Москва ва Санкт-Петербургдан периферияга (марказдан четга ёки махаллий ташкилотларга), хом ашё манбалари ва йирик транспорт марказлари жойлашган регионларга алмашиниб кетмоқда.

Профессионал ёлланма ишчиларга бўлган талаб ҳам етарли даражада ўсиб бормоқда. Кадрларни танлашда “қариндошлиқ-таниш-билиш” принципидан 1-2 чет тилларда эркин мулоқот қила оладиган, компьютерда ишлай оладиган, иш юритувчи билимига, дипломатик маданиятига эга бўлган кадрларга талаб томонига кескин бурилиб кетди.

Иш берувчилар шу билим ва малакаларни инобатга олиб юқори иш хаққини белгилайдилар.

А) Бизнинг республикамиизда олинган шахс олий маълумотининг самарадорлигига мувофиқ равишда қандай хulosага келиш мумкин?

(7) 2-илова

**1 - таблица. Муаммони, муаммо мағзини, хулосаларни ва қарор қабул қилишни аниқ ифода этиш**

Муаммони аниқ ифода этиш	Якуний хулоса

Муаммо мағзини аниқ ифода этиш	Ечиш мазмуни	Хулосалар

№ 3 мавзу. 2 соат.	Таълим олувчилар сони: 25 кишидан ошмаслиги лозим.	
Мавзу	Таълим хизматлари бозорининг сегментацияси (бўғим-бўғим тузилиши) (TX рақобатбардошлилигини баҳолаш)	
Амалий машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. “Кейс-стади”га кириш</li> <li>2. Маркетингли вазиятни ўрганиш</li> <li>3. Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш</li> <li>4. Ечиш алгоритмини ишлаб чиқиши</li> <li>5. “Кейс-стади”ни гурухларда ечиш</li> <li>6. Натижалар презентацияси, муҳокама ва энг яхши вариантларни танлаш</li> </ol>	
Ўқув машғулотнинг мақсади:	Таълим хизматларининг рақобатбардошлиги бўйича баҳолаш ўтказиш услубиётини эгаллаш.	
Педагогик вазифалари:	<p>• маркетингли вазият билан таништириш;</p> <p>• муаммони ажрата олишга ўргатиш;</p> <p>• муаммони хал этиш бўйича аниқ харакатларнинг кетмакетлигини тушунтириб бериш;</p> <p>• TX рақобатбардошлик даражасини аниқлашга имкон яратиб бериш.</p> <p>Ўқув фаолият натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• маркетингли вазиятидан келиб чиққан ҳолда муаммони ажрата оладилар;</li> <li>• муаммони ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетмакетлигини аниқлайдилар;</li> <li>• таълим хизматларининг рақобатбардошлилигини баҳолайдилар ва хизматларнинг рақобатбардошлик даражасини аниқлайдилар.</li> </ul>	
Таълим бериш воситалари.	Доска, слайдлар, кадоскоп / компьютер технологияси, кейс, ўқув материаллар.	
Таълим бериш усуллари ва шакли.	Амалий машғулот, кейс-стади усули; Фронтал ва гурухларда ишлаш.	
Таълим шароитлари.	Гурухдаги ишларни ташкиллаштириш учун мувофиқлашган техник ускуналар билан жихозланган аудитория.	
Талабаларнинг берилган ўқув машғулотлари учун керак бўлган билим ва таълим маҳоратлари рўйхати.	Хизматларнинг сифати ва рақобатбардошлигини баҳолаш услубиётини билиш.	

**“Рақобатбардошликтин баҳолаш” мавзуси бўйича амалий машғулотнинг  
технологик харитаси (Кейс-стади)**

Иш босқичлари	Фаолият	
	Таълим берувчи	Таълим оловчилар
Тайёрлов босқичи	<p>Мавзуни, вазият мазмунини аниқлайди, информацион таъминотга тайёргарлик кўради, “кейс-стади” ни расмийлаштиради, кейсни кўпайтириш муаммосини хал этади.</p> <p>Мустақил равища тайёргарлик кўришни, тавсия этилган адабиётларни қайтаришни ва ўрганиб чиқишни тавсия этади.</p>	
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 мин)	<p>1.1. Машғулот мавзусини, унинг мақсади, вазифалари ва ўқув фаолиятда режалаштирилган натижаларни эълон қиласди.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича таълим оловчилар билимини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўровни ўтказади (1-илова).</p> <p>1.3. “Кейс-стади” вазифаси ва унинг касбий билимни ривожлантиришга бўлган таъсирини аниқлайди.</p> <p>Кўйидаги амалий машғулотнинг иш тартиби ва натижаларни баҳолаш меъзонлари билан таништиради (2-илова). Таълим оловчилар танишиб чиқишлари учун кейс материалларини тарқатиб чиқади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Саволларга берадилар жавоб</p> <p>Танишадилар</p>
2. Асосий босқич (50 мин)	<p>2.1. Кейсда бор бўлган материалларни мухокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлашга қаратади (3-илова).</p> <p>2.2. Мустақил равища вазият тахлилини ўтказиши тавсия этади.</p> <p>2.3. Таълим оловчиларни (5-6 кишидан иборат) гурухларга бўлади ва спикерларни белгилайди.</p> <p>2.4. Мини гурухларда кейс билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини мухокама қилишни ташкиллаштиради.</p> <p>2.5. Вазиятни, унга илова қилиб олинган асосли материалларни, жумладан, таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, шунингдек, кейсни ечиш учун зарур бўлган қўшимча материалларни ҳамкорликда мухокама ва тахлил қилишни тавсия этади.</p> <p>2.6. Ёзма равища тахлил ва рақасини тайёрлайди.</p> <p>2.7. “Кейс-стади”нинг III қисм вазифасини тушунтиради: кейсни ечиш ва бунда берилган қисмда берилган ёрдамчи таблицалардан фойдаланиш.</p> <p>2.8. Ўзаро мақбул вариант натижаларини расмийлаштиришни тавсия этади.</p> <p>2.9. Презентация бошланганлиги хақида эълон қиласди ва гурух спикерларига кейсни ечиш бўйича қилинган ишлар якунини баён қилишлари учун сўзга чиқишларини тавсия этади.</p>	<p>Мухокама қиласди</p> <p>Вазиятни мустақил равища тахлил қиласди</p> <p>Гурухларга бўлинадилар.</p> <p>Гурухларда ишлайдилар.</p> <p>Гурухларда ҳамкорликда тахлил қиласди</p> <p>Вазиятнинг асосий аспектларини, асосий муаммони ва уни ечиш йўлларини аниқлайдилар.</p> <p>Гурух ишлари натижаларини расмийлаштирадилар.</p> <p>Гурух спикерлари вазиятни ечиш вариантини тақдим этадилар, саволларга жавоб</p>

	2.10. Спикерлар чиқишилари жараёнида аниқлик киритувчи саволлар беради. 2.11. Тавсия этилган муаммо ечимини ўзаро баҳолашни ва энг мақбул вариантларини танлашни ташкиллаштиради.	берадилар ва ўз тавсияларини ойдинлаштирадилар. Бошқа гурух аъзолари тавсия этган ечиш варианлари ҳакида ўз қарашларини билдирадилар. Баҳо берадилар.
3. Якун ясаш, таҳлил ва баҳолаш (15 мин)	3.1. Натижаларни умумийлаштиради. 3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изох беради. 3.3. Яна бир бора “кейс-стади”нинг аҳамияти ва бўлажак мутахассисни ривожлантиришда унинг таъсири тўғрисида тўхталиб ўтади.	Тинглайдилар, ўз фикрларини билдирадилар

### (8) 1-илова

#### Билимларни фаоллаштириш учун саволлар (блиц-сўров)

- Рақобатбардош хизмат тушунчасини қандай тушунасиз?
- Рақобатбардош хизматни баҳоловчи асосий меъзонларни айтиб беринг.
- Хизматдан фойдаланиш меъзонлари деганда нимани тушуниш ва уларни қандай аниқлаш ҳакида изох беринг.
- Хизматнинг рақобатбардош интеграл кўрсатгичини қандай ҳисоблаш мумкинligини очиб беринг.
- Таълим хизматларида рақобатбардошликтининг бошқа меъzonлари ҳақидаги таърифини беринг.

### (8) 2-илова

#### Амалий машғулотда таълим олувчилар фаолиятини баҳолаш меъзонлари кўрсатгичлари

86-100% / 2 балл – “аъло”

71-85% / 1,7 балл – “яхши”

55-70% / 1,4 балл – “қониқарли”

#### Муаммони ечиш варианларини баҳолаш тизими:

- Ҳар бир иштирокчи 2 баҳоловчи баллни олади. Уларни у бирданига ҳаммасини битта ечиш вариантига бериб юбориши ёки шахсий вариант ечими баҳосини қўшмаган ҳолда иккига бўлиши (1:1, 0,5:1,5, ва х.к.) мумкин.
- Ҳар бир вариант ечими учун олинган ҳамма баллар қўшилади. Энг кўп баллар сонини ёғган ечиш варианти ютиб чиқади. Тортишувли вазиятда овоз бериш орқали ҳал этиш мумкин.

**Муаммони ечиш варианларини баҳолаш**  
**(балларда)**

Қатнашчилар	Муаммони ечишнинг альтернатив варианлари				
	1	2	3	4	N
A					
Б					
В					
N					
Жами					

**(8) З-илова**  
**“Таълим хизматларида рақобатбардошликка баҳо бериш”**  
**мавзусига КЕЙС-СТАДИ**  
**Кириш**

Кенг тартибли таълим тизимини аниқ ифода этилиши, таълим хизматлари бозорининг вужудга келиши олий ўқув муассасалари олдига ҳам назарий, ҳам ташкилий-услубий аҳамиятга эга бўлган ва зарурый қаттиқ рақобат шароитига мослашишнинг бир қатор муаммоларни қўйди.

Таълим муассасалари рақобати стратегиясининг аниқ ифодаланиши ва ОЎЮ даги таълим жараёнини ташкиллаштиришни мукаммаллаштириш, шунингдек, таълим хизматлари рақобатбардошлигини ошириш учун йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш учун замонавий ёндошувларни тадқиқот қилиш зарурати қуйидаги кейс мавзусини танлашга сабаб бўлди.

Бу ишнинг бошланиши хизматнинг рақобатбардошлик даражасига ва харидор талабларини тўлиқ қондиришга таъсир этувчи хизматга ва омиллар рўйхатига мос келадиган “манзилли” харидорлар талабларини аниқлаш асосида бозорни комплексли тадқиқот қилишни амалга ошириш хисобланади.

Қоида бўйича таълим хизматларининг рақобатбардошлиги икки гурух омилларига боғлиқдир. Омилларнинг биринчи гурухи шу муассасага тегишли тавсия этилган хизматларнинг тавсифини ўз ичига олади, яъни илмий-техник даражаси, сифати, тавсия этилган хизматларнинг мукаммаллик меъёри, нархи, хизматни амалга оширишга боғлиқ бўлган сарф-харажатлардир. Бошқа омиллар – бу таълим хизматларини амалга ошириш шароитларига таъсир қилувчи ташқи омиллардир. Бунга комплекс хизмат кўрсатишни, реклама, муассаса имиджини вужудга келтириш киради.

Қуйидаги кейс аниқ маркетингли вазиятда рақобатбардошликни баҳолашни ўtkазиш методикасини эгаллаш имкониятини беради. Назарий тайёргарлик даврида олинган билимлар вазият диагностикаси бўйича амалий фаолиятни моделлаштиришга, муаммони ажратса олишга, муаммони ечиш бўйича аниқ қадамларнинг кетмакетлигини лойихалаштиришга имкон яратади.

Тавсия этилган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон

яратади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш;
- муаммонинг ва қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гурӯхий таҳлилида билим ва маҳоратларни қайта топшириш;
- мантииқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларни ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

## **1. Таъкилий таъминот.**

### **1. 1. Маркетингли вазият**

Таълим муассасалари бир бирлари билан турларга ва фанларга оид рақобат доирасида рақобатлашади, улар хизматининг рақобатбардошлилигини аниқлашда нарх рақобати усулини, ҳамма гамма параметрларини кенг қўллашади. Иқтисодда ўзгартиришларни инобатга олган ҳолда ўқув дастурлар мазмунига, уларнинг давомийлигига ўзгартиришлар киритилади, қабул қилинган таълим стандартлари жорий қилинади, ўзгарувчан нархлаш сийсати қўлланилади, хизматни тақдим этиш сифати доимий равишда ўсиб боради. Қуйидаги муассасаларнинг таълим хизматлари сертификатланган. Шу билан бирга рақобатлашувчи ОЎЮни таққослашда истеъмолчиларнинг аниқ мақсадлаштирилган гурӯхлари, уларга ОЎЮ тавсия этган таълим хизматларидан фойдаланиш натижалари бўйича кафолат бера оладиган сезиларли даражадаги устунлигини (афзаллилигини) кўпгина қўлланилган кўрсатгичлар орасидан топа олмадилар. Бошқача қилиб айтганда, маркетинг (хизматлар, нарх, ажратиш (тарқатиш) канали, жадаллаштириш чоралари) комплекси бўйича танланган турли асбобларни тўғридан-тўғри таққослаш натижаси нафақат у ёки бу ОЎЮ нинг рақобат мувоффақияти сабабларини якка ҳолда (алохида) тушунтириб бермади, хатто гоҳида уларга қаршилик хам кўрсатди.

Бу ўз навбатида улар олдига истеъмолчи талабларини инобатга олган ҳолда, таълим хизматларининг ўзини рақобатбардошлилигини баҳолаш асосида рақобатчи ОЎЮ га таққослаш ўтказиш вазифасини қўйди.

### **1. 2. Муаммо**

Таълим хизматларини аниқ мезонлар бўйича рақобатбардошлилигининг оптималь баҳосини таъминлаш.

### **1. 3. Вазифалар**

- “Муассаса имиджи”, ҳар бир таълим муассасаси бўйича таълим хизматларининг ҳаммабоплиги ва мақбул нарх сиёсати параметрларининг шахсий хусусий коэффицентини аниқлаш.
- Тавсия этилган таълим хизматларининг рақобатбардошлик интеграл кўрсатгичларини хисоблаб чиқиши.
- Ҳисоб натижалари бўйича таҳлил ўтказиш ва рақобатбардошлик даражаси хақида хulosалар чиқариш.
- Истеъмолчилар учун ОЎЮ кўрсатган таълим хизматларининг рақобатбардошлилиги ҳақидаги хulosаларни асослаш.
- Ўз хисоб-китобингизни ва хulosаларингизни ёзма равишда тақдим

этинг.

#### **1. 4. Ечиш алгоритми**

1. Биринчи навбатда, иш таълим муассасалари тавсия этган хизматларни мамлакатда харакатланувчи Давлат таълим стандартлари ва меъёрига мос келишини аниқлашдан, шунингдек бу хизматларни мажбурий равишда сертификациядан ўтказишдан бошланади. Бизнинг ҳолларда ОЎЮ таълим хизматлари таълим стандартларига жавоб беради, сертификатланган ва меъёрий параметр мувофиқ равишда 1 тенг.

2. Аниқ таълим муассасалари *хизматларига жалб қилиши* таълим хизматлари рақобатбардошлиги бўйича бир қатор мезонларнинг баҳосига боғлиқ:

$$P_r = f(T_r, I_m, D)$$

Бу ерда  $P_r$  – таълим хизматларининг рақобатбардошлиги;  $T_r$  – истеъмолчи учун таълим хизматларида нарх сиёсатининг мақбул чораси;  $I_m$  – муассаса имиджи чораси;  $D$  – таълим хизматларининг ҳаммабоплиги чораси.

3. *Таълим хизматларида нарх сиёсатининг мақбуллиги* таълим хизматларини нархлаш даражаси билан, яъни қўйидаги муассасада таълим олиш учун харакатдаги тўлов миқдорининг истеъмолчи учун фойдали бўлган бозордаги ўхшаш хизмат миқдорига ўзаро боғлиқлиги билан аниқланади ва қўйидаги формула билан хисоблаб чиқилади:<sup>1</sup>

$$Tr = \frac{tr - t_{\min}}{t_{\max} - t_{\min}}, \quad (2)$$

бу ерда,  $t_r$  – харакатдаги тўлов миқдори;  $t_{\min}$ ,  $t_{\max}$  – истеъмолчи учун энг кам ва энг кўп фойдали тўлов миқдори.

4. *Таълим муассасаси имиджи* матбуот, сўровлар ва х.к.ларда берилган маълумотларга кўра фақатгина хамма кўрсатгич параметрларини таққослаш натижаси бўйича олинган эксперт баҳо орқали аниқланиши мумкин;

5. *Хизматнинг ҳаммабоплиги* муассасанинг регионлар бўйича филиаллари сонини ва уларнинг рационал жойланишини, абитуриентлар сонидан қабул қилувчилар фоизини тахмин қиласди. Республикада 12 та вилоят борлигини ҳособга олиб ҳаммабоплилик чораларини қўйидагича баён этиш мумкин:

- 0 дан 2 гача бўлган регионал филиаллар доирасида  $D_1 = 0,025N$ ;
- 2 дан 4 гача бўлган филиаллар доирасида  $D_2 = 0,015 N + 0,2$ ;
- 4 дан 8 гача бўлган доирада  $D_3 = 0,00125N + 0,75$ ;
- 8 дан 12 гача бўлган доирада  $D_4 = 1$ , бу ерда  $N$  – республика муассасаларининг регионал филиаллари сони.

6. *Рақобатбардошликтининг интеграл кўрсатгичи* сифатида  $P_r$  чизилган (чегараланган) тобеликни кўриб чиқиш мумкин:

$$P_r = k_1 + k_2 T_r + k_3 D.$$

Бу ерда  $k_1$  –  $k_3$  – харидорларга алоқадор математикада кўрсатилган параметрлар аҳамиятини аниқловчи коэффициент.

### **1. 5. Маслаҳатлар, тавсияномалар**

1. Бошида, маркетингли вазият хақида тушунча хосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни ўқиб чиқиш лозим. Ўқиб туриб даров тахлил қилишга тушманг.

2. Яна бир маротаба ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Сизга зарур бўлиб кўринган табликаларни ажратиб олинг.

3. Вазиятни тарифлаб кўришга харакат қилинг. Унинг моҳияти нимада ва нимаси иккинчи даражали хисобланишини аниқланг. Хулосаларни ёзма равишда ёзиб олинг, яъни асосий ва унга тобе бўлган муаммоларни.

4. Бу муаммога алоқадор хамма омилларни ёзиб боринг ва келтирилган маълумотлар орасидага ўзаро алоқани назорат қилинг.

5. Тавсия этилган ечимнинг тўғрилигини асослаш учун мезонларнинг аниқ ифодасини беринг.

6. Ечимнинг алтернатив варианларини топишга харакат қилинг. Улардан қайси бирлари энг мақбули хисобланади?

7. Сизнинг ечимингизни амалга ошириш бўйича амалий чоратадбирлар рўйхатини ишлаб чиқинг.

---

<sup>1</sup> Андреев И. Критерии конкурентоспособности однородных банковских услуг //Ж. Маркетинг: методы, формы, исследования 2002, № 6, 35-40с.

**1. 6. Вазиятни тахлил қилиши варақаси**

<b>Тахлил босқичининг номи</b>	<b>Тахлил босқичи мазмуни</b>	<b>Тахлил натижалари</b>	<b>Баҳолаш меъзонлари</b>
1. Вазият тахлили	1. Берилган аниқ вазият тўғрисида тушунча ва ахборот вазифасини ечиш учун муҳим тавсиф бериш. 2. Вазият ичida ўрин олган унинг констатацияси (тасдиқловчиси): нима бўляпти? Ходисаларни ривожлантирувчи натижалари қандай?		Қисқа
2. Муаммони аниқ ифода этиш	Муаммо мағзини намоён этувчи таклифлар		Максимал равишда қисқартириш: 9-10 сўздан ошмаслиги лозим.
3. Ходиса қатнашчиларини аниқлаш	a) Муассасанинг таснифи, (бизнес) характеристи ва специфик хусусиятлари		Максимал равишда қисқартириш
4. Ходисалар хронологиясини (амалий вазиятларда) белгилаш	Ахборотларни структуралаштириш. Баҳоланмаган омиллар ва ходисалар кўрсатмаси ва қайтар хронологик тартибда: нима бўлди? Хозир нима бўлмоқда? Нима кутилмоқда?		Тушунарли ва аниқ.
5. Концептуал аспектларини очиб бериш	Қатнашчилар нуқтаи назаридага алоқадор концептуал саволларни баён этиш		“Далиллар билан исботлаш (яхшиси матндан олинган сўзлар билан)
6. Ечиш альтернативларини аниқлаштириш ва энг яхши альтернативани танлаш.	Вазиятли вазифани ечишда альтернатив имкониятларни очиб бериш: имконияти бўлган йўналиш харакатларининг ҳисоби. Ҳар бир альтернативанинг далили ва баҳоси. Ижобий ва салбий томонларини кўрсатиш. Вазифани ечишда энг яхши альтернативани танлаш.		Тушунарли ва аниқ баён этиш, танланганларга изохлик киритиш.
7. Ечимнинг ишлаб чиқилиши	Харакатнинг танланган курсини амалга ошириш бўйича хамма қисмларининг аниқ ечимини (ечиш йўли) ишлаб чиқиши. Курсни танлаш сабабларини ва унинг рационаллиигини ташкентириб бериш.		Тушунарли ва аниқ.

## 2. Информацион таъминот

### 2. 1. Асосий материаллар

#### 1 - таблица. ОЎЮ имидж параметрлари ( $I_m$ )

Имидж параметрлари	ОЎЮ номи					
	ОЎЮ “А”	ОЎЮ “Б”	ОЎЮ “В”	ОЎЮ “Г”	ОЎЮ “Д”	ОЎЮ “Е”
Ишончлилиги	0,15	0,13	0,14	0,09	0,09	0,07
Таълим хизматлари бозорида муассасаларнинг барқарор холати	0,12	0,09	0,12	0,08	0,08	0,06
Таълим хизмати сифати хақида жамоанинг фикри	0,14	0,11	0,13	0,09	0,06	0,05
Позитив таниқлилик (оммавий ахборот воситаларидан, хукуматдан тақризлар, реклама ва х.к.)	0,14	0,10	0,12	0,07	0,07	0,05
Обрў, нуфуз	0,14	0,12	0,13	0,09	0,06	0,07
Ўқитувчилар ва талабалар доирасидаги обрў, эътибор	0,16	0,12	0,12	0,08	0,05	0,04
Уларга бериладиган дипломнинг тан олиниш даражаси	0,15	0,13	0,14	0,10	0,09	0,06

#### 2 - таблица. ОЎЮ таълим хизматлари (D) параметрларнинг хаммабоплилиги ва ( $T_r$ ) нарх сиёсатининг мақбуллилиги

ОЎЮ номи	Муассасаларнинг регионал филиаллари сони (хисоби) ва уларни рационал жойланиши	ТХ нархланиш даражаси
ОЎЮ “А”	10	50 фоиз
ОЎЮ “Б”	6	50 фоиз
ОЎЮ “В”	7	60 фоиз
ОЎЮ “Г”	4	68 фоиз
ОЎЮ “Д”	3	53 фоиз
ОЎЮ “Е”	2	40 фоиз

### 2. 2. Кўшимча материаллар

#### 1. 3 - таблица. Таққословчи ОЎЮ таълим хизматларидағи рақобатбардошлиқ даражасининг интеграл кўрсатгич хисоби

№	ОЎЮ номи	$I_m$	$T_r$	D	$P_r$
1	ОЎЮ – “А”				
2	ОЎЮ – “Б”				
3	ОЎЮ – “В”				
4	ОЎЮ – “Г”				
5	ОЎЮ – “Д”				
6	ОЎЮ – “Е”				

## 2. Ўқув-услубий материаллар

Бозорда таълим хизматлари рақобатбардошлигини тахлил қилиш ва баҳоланишнинг асосий мақсади қўйидагилар хисобланади:

- таълим муассасаларига ва улар фаолиятига истеъмолчилар муносабатининг таъсир ўтказиш мезонларини очиб бериш;

- рақобат бозорида муассасалар улушини аниқлаш.

Бозорда таълим хизматлари йўналишини аниқловчи мезонлари ва уни рақобатчилар хизматидан фойдали фарқи қўйидагилар хисобланади:

А) унинг сифатида, тавсия этиладиган хизматлар ассортиментида, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурлари спектрида намоён бўлувчи *таълим хизматларига жалб қилиши*. Таълим хизматлари сифатини фақатгина ўқитувчилар таркибининг малакалилик даражаси ва таълим бериш шакли бўйичагина эмас, балки машғулотни ўтказишда амалиётчи-мутахассисларни таклиф этиш, ўқув жараёни учун зарур бўлган техник ускуналар ва жихозлар билан таъминланган аудиториялар сони ва таркиби, муассасанинг жойланиши, битирувчиларнинг ўртacha бошланғич иш хақи, ўқув муассасани битиргандан сўнг яхши лавозимга эга бўлишшлик муваффакияти орқали ҳам аниқланади. Муассаса таълим хизматлари сифати назоратини таъминлаш учун иккита тадбир ўтказиши мумкин.

Биринчидан, ўз ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва сифатини ошириш учун малакали хизмат кўрсатишда яхши мутахассисларни жалб қилиш.

Иккинчидан, таълим муассасалари доимий равишда шикоят тизими, қониқтирилмаган таълимни билиш ва вазиятга<sup>1</sup> тузатиш киритиш учун тавсиялар ва сўровномалар ёрдамида таълим олувчиларни қониқтириш даражасини кузатиб боришлари лозим.

Б) *Таълим хизматларида нарх сиёсатининг мақбуллиги* – бу истеъмолчилар учун таълим хизматларини тақдим этиш шароитларининг фойдалилиги. У ёки бу таълим хизматларининг мақбуллиги таълим хизматларига қўйилган нарх даражаси орқали аниқланади. Бунда қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин<sup>2</sup>:

$$Tr = \frac{tr - t_{\min}}{t_{\max} - t_{\min}}, \quad (1)$$

бу ерда  $t_r$  – харакатланувчи тўлов миқдори;  $t_{\min}$ ,  $t_{\max}$  – истеъмолчи учун энг кўп ва энг кам фойдали тўлов миқдори.

В) *Таълим муассасаси имиджи ишончлилиги* билан, таълим хизматлари бозорида муассаса мавқеининг мустаҳамлилиги билан, таълим хизмати

<sup>1</sup> G.M. Hostage Quality Control in a Service Business – Harvard Business Review, 98-106.

<sup>2</sup> Андреев И. Критерии конкурентоспособности однородных банковских услуг //Ж. Маркетинг: методы, формы, исследования 2002, № 6, 35-40с.

сифати хақида жамоа фикри билан, позитив таниқлилиги (оммавий ахборот воситаларидан, хукуматдан тақризлар, реклама ва х.к.) билан, обрўси билан, ўқитувчилар ва талабалар орасидаги обрў, эътибори билан, уларга бериладиган дипломнинг тан олиниш даражаси билан таърифланади. Муассаса имиджи фақатгина матбуот ва сўровномалар маълумотлар бўйича орқали эксперт баҳолаш орқали аникланади. *Таълим муассасаси имиджси* матбуот, сўровлар ва х.к.ларда берилган маълумотларга кўра фақатгина ҳамма кўрсатгич параметрларини таққослаш натижаси бўйича олинган эксперт баҳо орқали аникланиши мумкин;

*Хизматнинг ҳаммабоплилиги* шароитдан келиб чиқади, яъни таълим олишнинг территориал имкониятларидир. Бу ўз навбтида муассасанинг регионлар бўйича филиаллари сонини ва уларнинг рационал жойланишини, абитуриентлар сонидан қабул қилувчилар фоизини тахмин қиласди.

Ҳаммабоплик чораларини аниклашда территориал хизмат кўрсатиш бўйича таълим муассасалари филиалларини регионларга рационал жойлаштириш даражаси ва ҳар бир регионал филиалини ўтказиш қобилияти асос қилиб олинади. Шу билан бирга ҳаммабоплиликнинг асосий кўрсатгичлари муассасанинг регионлар бўйича филиаллари сони хисобланади.

Ҳаммабоплик чораларини эксперт баҳолаш асосида ишлаб чиқилган қуйидаги тобелик орқали баён этиш мумкин (1-расм).




Рис. 1. Таълим хизматларининг мақбуллиги.

Бу ерда  $N$  – Республикада муассасанинг регионлар бўйича филиаллари сони.

Республикада 12 та вилоят борлигини ҳособга олган ҳолда тақсимланиш қуйидаги кўринишида бўлади:

- 0 дан 2 гача бўлган регионал филиаллар доирасида  $D_1 = 0,025N$ ;
- 2 дан 4 гача бўлган филиаллар доирасида  $D_2 = 0,015 N + 0,2$ ;
- 4 дан 12 гача бўлган доирада  $D_3 = 0,00125N + 0,75$ ;
- 12 дан ва ундан юқори бўлган доирада  $D_4 = 1$

Шундай қилиб, аниқ таълим муассасаси хизматини танлаш таълим хизматлари рақобатбардошлилигининг санаб ўтилган мезонлари баҳосига боғлиқ. Уни қуидагича ифода этиш мумкин:

$$P_r = f(T_r, I_m, D)$$

Бу ерда  $P_r$  – таълим хизматининг рақобатбардошлиги;  $T_r$  – истеъмолчи учун таълим хизматларида нарх сиёсатининг мақбул чораси;  $I_m$  – муассаса имиджи чораси;  $D$  – таълим хизматларининг хаммабоплиги чораси.

Модомики, биз сифатли баҳолаш учун мўлжалланган, ўз хусусиятини йўқотган ҳажмлар ва таълим хизматларининг рақобатбардошлигини таққослаш билан иш юритар эканмиз, унда рақобатбардошлиликнинг  $P_r$  интеграл кўрсатгичи сифатида қуидаги муентазам боғлиқликни кўриб чиқишимиз мумикн:

$$P_r = k_1 + k_2 T_r + k_3 D.$$

Бу ерда  $k_1$  –  $k_3$  – харидорларга алоқадор математикада кўрсатилган параметрлар аҳамиятини аниқловчи коэффициент.

Натижада якуний тобелик қуидаги кўринишда бўлади:

$$P_r = 0,5 I_m + 0,2 T_r + 0,3 D \quad (2)$$

Гулчехра Назаровна Ахунова, Людмила Владимировна Голиш,  
Дилфузада Миракбаровна Файзуллаева. Педагогик технологияларни  
лойихалаштириш ва режалаштириш: Ўқув–услубий қўлланма.

Муҳаррир: Ваҳабова М.М.  
Техник муҳаррир: Мирҳидоятова Д.М.  
Мусахҳих: Бобоева Н.С.  
Компьютерда саҳифаловчи: Ходжаев И.Р.

Босишига рухсат этилди . . 2009 й.  
Шартли босма табоғи 9,0  
Ўлчами 60x80 1/16 Ҳажми  
Адади нусха

100003, Тошкент ш. Ўзбекистон шоҳқўчаси, 49-уй.ТДИУ босмахонаси